

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-8150

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№6. 2020



*Dehkhonni bog'bonidan
duniё dasturxoniga*



САМАРА БЕРИШИ МУҚАРРАР ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 май куни қабул қилинган “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини Жиззах вилояти аҳли, биринчи навбатда аграр соҳа вакиллари мамнунлик билан кутиб олишди. Зеро, ушбу тарихий муҳим ҳужжатда мамлакатимиз ҳудудларини босқичма-босқич қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларини етиштиришга ихтисослаштириш жараёни таъриба тариқасида айнан шу вилоятдан бошланиши кўзда тутилган эди.



– Президентимиз қарорига биноан 2020-2022 йиллар давомида вилоятимизнинг жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдонлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилади, – дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зоҳид Омонов. – Жумладан, боғдорчилик учун Бахмал туманида 10 минг, Зомин ва Ғаллаорол туманларида 5-6 минг гектардан ер ажратилади. Жорий йилнинг ўзида биргина Фориш туманида 3 минг гектар ерда узумзорлар ташкил қилиниб, уч йил ичида эса, бу кўрсаткич 10 минг гектарга етказилади.

Маълумотларга кўра эндиликда вилоят бўйича 29 минг гектарда интенсив боғ, 30 минг гектарда, узумзор барпо этилади. Қўшимча 10 минг гектар ерда сабзавот, 6 ярим минг гектарда полиз экинларини етиштириш чоралар кўрилади. Дуккакли экинларга алоҳида эътибор қаратилиб, 30 минг гектарга мош, ловия, нўхат уруғлари қадалади.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун молиявий пойдевор барпо этилиши, мустаҳкам техника базаси яратилиши, кенг кўламдаги ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш зарур бўлади.

Вилоятда бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этиш учун тўққиз юзга яқин истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Давлатимиз раҳбари қабул қилган қарорда юзага келиши мумкин бўлган масала ва муаммоларни қисқа муддат ичида, ижобий ҳал қилиш учун кўрсатма ва тавсиялар борлиги ҳам воҳа миришкорлари учун далда бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қароридида картошқачиликни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган юмушлар ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Зомин туманида ана шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш борасидаги ишлар бошлаб юборилмоқда. Туманнинг Қорамозор ҳудудида 20 гектар майдонни Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти балансига ўтказиб бериш чоралари кўрилаётир. Денгиз сатҳидан бир-бир ярим минг метр баландликда жойлашган, сув таъминоти ва инфратузилмаси мавжуд бўлган ушбу ҳудудда тўйимли ва фойдали бўлган картошқанинг серҳосил ва касалликларга чидамли маҳаллий навларини етиштириш йўлга қўйилади.

Фориш тумани азалдан ўзининг кишмишбоп узумлари,

улардан тайёрланадиган лазиз майизлари билан донг таратган. Бугун тумандаги аграр соҳага ихтисослашган 2 та кластер (уларнинг умумий ер майдони 5 минг гектар), шунингдек, минг, икки минг гектар ерлари бўлган фермер хўжаликлари айнан ана шу тармоқни ривожлантиришга бел боғламоқда. Шуниси борки, узумзорлар учун ажратилаётган майдонлар тўлиқ лалми ерлар. Президент қароридида бундай ерларда деҳқончилик қилиш учун моддий ва молиявий кўмак кўрсатиш, жумладан, суғориш учун қазиладиган қудуқлар, томчилатиб суғориш технологиялари учун субсидиялар берилишининг кўзда тутилгани соҳибкорларни дадиллик билан иш бошлашга ундамоқда.

Бахмал тумани иқлими боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, дуккакли экинлардан мўл ҳосил олиш, доривор ўсимликларни парваришлаш учун жуда мос келади. Шу боис, туманда 2020-2022 йиллар оралиғида 3 минг гектарда узумзор ва 6 минг гектарда интенсив боғ яратиш режаси тузиб олинган. Бугун ана шу майдонларда 20 та махсус бурғулаш техникалари ишлаб турибди. Улар ёрдамида икки йил ичида 437 та тик артезиан қудуқлар қовланади. Туманнинг 11 та ҳудуди узумчилик, 9 та ҳудуд боғдорчилик, 5 та ҳудуди сабзавотчилик ва картошқачилик, 7 та ҳудуди доривор ҳамда дуккакли ўсимликлар етиштириш учун тақсимланди.

Мутахассислар фикрига кўра, Президентнинг “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижроси таъминланиши орқали Жиззах вилоятида фақат 2020 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми камида 50 фоизга кўпайишига эришилади. 2022 йилга бориб эса, бугунгидан уч марта кўпроқ ҳосил олиш имконияти яратилади. Минг-минглаб янги иш ўринлари яратилади. Қишлоқларда яшаётган юртдошларимизнинг турмуш шароити янада яхшиланади. Шу билан бирга, воҳа аграр соҳасининг экспорт салоҳияти ошади. Ўтган йили вилоят бўйича атиги 50 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, уч йил ичида бу кўрсаткичнинг камида 150 миллион долларга етиши прогноз қилинмоқда.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

2016-2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми – 171,2 фоизга, жумладан, мева-сабзавотчилик – 172,6 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари – 170 фоизга, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 177,5 фоизга ошди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 миллион тоннадан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Республикада **Organic** ва **Global G.A.P.** халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция)

1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича **“Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;**

2020-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари **3-иловага мувофиқ;**

2020-2025 йилларда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) халқаро стандарти талаблари бўйича сертификатланган ер майдонларининг асосий экспортбоп экин турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари **4-иловага мувофиқ;**

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши корхоналари ва кластерлари томонидан органик пахта хомашёси етиштириш ҳамда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси **5-иловага мувофиқ;**

Республика ҳудудларида агроэкотуризм жозибдорлигини янада ошириш учун органик бозорлар ва ресторанлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси **6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги зарурий маълумотларни олиш;

органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятининг эквивалентлигини баҳолаш ва авторизациялаш тизимини яратиш ҳуқуқи берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигига ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш органик стандарт талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилади ва экинларни жойлаштиришда давлат аралашувиға йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат

қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини;

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрий сертификатлашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетида “Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш” йўналишида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув-услугий материалларни ишлаб чиқсин ва 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу йўналишда талабалар қабул қилишни йўлга қўйсин;

в) **бир ой муддатда** вазирлик тузилмасида белгиланган штатлар доирасида 4 та штат бирлигидан иборат органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин;

д) **2021 йил 1 январга** қадар қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институтларида мавжуд лабораторияларни замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозласин ва бирламчи органик уруғ етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйсин;

е) **2020 йил 31 декабрга** қадар Жаҳон банкининг қишлоқ

хўжалигини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича кредит маблағлари ҳисобидан “Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси қошида Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ комплекс синов лабораторияси мажмуасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик маҳсулотларни етиштириш (ишлаб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга ҳамда органик уруғчиликни ривожлантиришга йўналтирилган беш йиллик давлат илмий-техник дастурларни ишлаб чиқсин ва лойиҳаларни танловлар асосида шакллантирсин.

6. “Ўзстандарт” агентлиги: Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Кодекс Алиментариус Комиссияси стандартлари талабларига мувофиқ Европа Иттифоқи билан савдо фаолиятини жадаллаштириш бўйича 2020–2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурлари режасини ишлаб чиқсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар ISO 28000 “Етказиб бериш занжирида хавфсизликни бошқариш тизимлари” халқаро стандартлари серияларини қабул қилсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг

қўшимча қиймат занжирини ташкил этишда иштирок этувчи барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларида бажариладиган жараёнларни ISO 28000 “Етказиб бериш занжирида хавфсизликни бошқариш тизимлари” халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик маҳсулотларни зарарсизлантириш бўйича халқаро тажрибада қўлланилаётган усуллар ва воситалар рўйхатини шакллантирсин ҳамда экспортга йўналтирилаётган органик маҳсулотларни зарарсизлантириш ишларининг халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 18 май.



2020 йилги мураккаб об-ҳаво шароитида пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришида барча агротехника тадбирларини жадаллаштиришлари зарур.



Ѓўза қатор ораларига ишлов бериш. Культивация ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши гомоз, илдиз чириш касалликларининг олдини олиб, ғўзани дуркун ўсиб, ривожланишини таъминлайди.

Ѓўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонининг тўлиқ бўлиши ва ишлов бериш чуқурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Бундан ташқари чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган, ёки сел ва дўл таъсирида қайта экилган нами юқори бўлган майдонларда ер етилиши билан кўшимча 1-2 марта ишлов бериш лозим. Бунда ўртадаги ишчи орган босқичма-босқич чуқурлаштириб ўрнатилса намлик тез йўқотилишига эришилади, агар бирданига чуқур ишлов берилса унда намлик юқори бўлгани сабабли кесак кўчади ва илдиз системасига салбий таъсир этади.

Ѓўза қатор орасига ишлов беришда 1- ва 2- культивация ўртасида чизел-культиватор ёрдамида чуқур (60 см қатор оралиғида 20-25 см; 90 см ли қатор оралиғида 25-30 см) юмшатишни амалга ошириш бу йилги серёгин шароитда яхши самара беради.

Ѓўза қатор ораларига кечиктириб ишлов бериш натижасида ўсимликнинг озиқланиш тизими бузилади, бегона ўтлар зарари кўпаяди, ёш ниҳоллар илдиз чириш ва гомоз касалликлари билан зарарланади. Эрта ўтказилса тупроқдаги нам юқори бўлганлиги сабабли кесак кўчишига олиб келади. Натижада тупроқ майин ҳолга келмай нам тез буғланади. Шунинг учун тупроқнинг етилган

пайтида культивация ўтказилади. Зарур бўлганда тупроғи етилган ерларда танлаб культивация қилиш керак. Культиваторни тўлиқ жиҳозлаб табақалаштирилган ҳолда ўтказиш, бунда ККО иш органларидан кўпроқ фойдаланиш керак. Эгатларни ҳаддан ташқари чуқур ишлов бериш натижасида тупроқдан лой чиқариб, кесак кўчиришга ва илдизларнинг шикасланишига йўл қўймаслик керак. Шунингдек, бегона ўтларни вақтида ўтоқ қилиб туриш ҳам зарур ҳисобланади.

Культивация билан бирга суғориш учун жўяк олинганда биринчи сувда эгат чуқурлиги 60 см қатор оралиғида 12-14 см, 90 см қатор оралиғида 15-18 см, кейинги суғоришларда ушбу чуқурлик тегишлича 14-15 см ва 18-20 см бўлиши лозим.

Кўшқатор очиқ майдонларда ғўза парваришланганда культивация юқорида тавсия этилгани бўйича олиб борилади, лекин тор қатор орасини шоналаш даврига қадар 1 ёки 2 марта юза ишланади. Биринчи ишлов ғўза 4-5 чинбарг вақтига тўғри келса, ККО органи ўрнатилиб ишлов берилади, бунда трактор текис юришини таъминлаш лозим, чунки биринчидан кесаклар пайдо бўлиб, ниҳолларни кўмиб кетишга олиб келса, иккинчидан текис юрмаслиги ҳисобига ниҳолларни кесиш кетади ва натижада кўчатни сийраклашишига олиб келади.

Ѓўза қатор орасига ишлов бериш жараёнида кесак ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак. Чунки, муддатидан кечиктирилиб қатор орасига ишлов берилса, тупроқдаги намликнинг ортиқча буғланиши кўпаяди, тупроқ

ёрилиши оқибатида ўсимлик илдизлари зарарланиб, вилт касаллигига чалиниш эҳтимоли ошади, ўсиш ва ривожланиши 10-15 кунга кечикиб, ҳосилдорлик 4-5 ц/га камаяди.

Сув яхши шимилмайдиган, сув ўтказиш хусусияти паст, механик таркиби оғир (Бекобод, Қуйичирчиқ, Бўка туманлари) тупроқларда қатор оралари 60 см бўлганда, ўртадаги ишчи органлари 14-15 см, 90 см бўлса, 16-18 см гача ўрнатилиши мумкин. Ҳар иккала кенгликда экилган далаларда ҳимоя майдони 12-15 см дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Механик таркиби енгил тупроқларда ғўзанинг ўсув даврида 5-6, ўрта ва оғир тупроқларда 6-7 марта қатор орасини ишлаш тавсия этилади. Лекин серёгин йиллари культивация тез-тез ўтказилиши, ғўза қатор ораси кўпроқ ишланиши талаб этилади. Шундагина ғўза ривожини жадаллашиб, юқори ҳосил етиштиришга имкон яратилади.

Суғоришдан сўнг тупроққа чуқур ишлов бериш шарт эмас. Асосан ККО ўрнатилиб, 10-12 см чуқурликда тупроқни юмшатиш, ортиқча намлик буғланишининг олдини олади ва тупроқда намлик яхши сақланади. Бу эса суғоришлар орасидаги муддатни 4-5 кунга узайтиришга ва ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига зарар етказмаган ҳолда мавсум давомида бир маротаба суғориш сувини тежаш имконини беради.

Бегона ўтларга қарши кураш, чиоқ ва ўтоқ ўтказиш. Бу йилги шароитда ёгин сочин кўп бўлганлиги учун далаларда бегона ўтлар тез ўсиб кетиб, ниҳолларни сиқиб қўйиши ва

кўп зарар етказиши кузатилмоқда. Бегона ўтларга қарши курашишда чопиқ ишларини ҳам сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, кўп ва бир йиллик бегона ўтларга (ғумай, ажриқ ва бошқалар) қарши ғўзанинг шоналаш даврида (бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда) Зелекс 1,0 -1,5 л/га меъёрда гербицидини штангали сепиш аппарати ёки ОВХ мосламалари ёрдамида белгиланган меъёрларда пуркаш ҳам мумкин.

Ѓўзани озиклантириш. Минерал ўғитлар билан кўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, ғўзанинг ўсиши жадаллашади, ҳосили кўпаяди, тола ва чигит сифати ошади.

Ѓўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришда, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрлари мўлжалланган ҳосил учун белгиланган азотли ўғитларни йиллик меъёрларига (N:P:K – 1,0:0,7:0,5) нисбатан олинади ҳамда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиб солинади.

Бу йилги ёғингарчиликлар оқибатида тупроқда тўпланган озика моддаларнинг бир қисми ер ости қатламларига ювилди. Шунинг учун пахта майдонларига ўғитни эрта муддатларда солишни ташкил этиш керак. Одатда ўғитни суғоришдан олдин эгат олиш билан бирга солинади.

Жорий йил шароитида органик ва минерал ўғитларнинг аралашмаларидан фойдаланиш зарур. Бунда, ғўза қатор ораларига 2-чи ишлов бериш даврида гектарига 250-300 кг чириган, қуритилган ва элакдан ўтказилган маҳаллий ўғитларни махсус мосламалар ёрдамида ғўза қатор ораларига (14-16 см узқликка ва 15-17 см чуқурликка) солиш яхши самара беради.

Ѓўзани шоналаш ва гуллаш давларида гектарига 400-500 кг қуруқ гўнгни азотли ўғитлар билан биргаликда қўллаш ҳам пахта ҳосилини гектарига 2,0-3,0 центнергача оширади.

Айрим тупроқ унумдорлиги паст ерларда ҳамда механик таркиби енгил қумлоқ тупроқларда ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70-75 кг азот ва 40-50 кг калий бериш керак, бу эса гектарига 210-225 кг аммиакли селитра ёки 150-160 кг

мочевина ва 65-80 кг калий хлоридни ташкил этади.

Ѓўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70-75 кг азотни (аммиакли селитра 210-225 кг) ва 40-50 кг соф ҳолда фосфорни (аммофос 80-100 кг ёки оддий суперфосфат 220-275 кг ёки супрефос 170-215 кг) ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмасдан фақат азот ўғитлари солинса, кўсакларнинг очилиши 15-20 кунга кечикиб, ҳосил сифати пасаяди. Шунинг учун, фосфорли ва калийли ўғитларни тегишли меъёрлари ва муддатларда қўлланилиши зарур.

Ѓсув давридаги озиклантиришни охириги муддати ғўза гуллаш бошларининг 10- кунига тўлиқ тугалланиши керак. Бундан кечикса ғўзанинг ривожланиш даври чўзилиб кетиши мумкин.

Кўшқатор экилган майдонларда минерал ўғитлар солишда ернинг озика билан таъминлангани ва кўчат қалинлигидан келиб чиқиб 5-10% ошириш мақсадга мувофиқ.

Ѓўзани баргидан озиклантириш. Ниҳолларнинг яхши ўсиши, ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун уларни кўшимча равишда баргдан озиклантиришда суспензия ва стимуляторлар сепиш тақозо этилади. Бунда, ўсимлик озика моддаларни барг ва поялари орқали ўзлаштиради. Ѓўза шоналаш даврида тайёр ҳолдаги суюқ ўғитлардан КАС (карбамид-аммиакли селитра, 28-30% N,) ўғитидан 7 л/га ёки суюқ азот кальций ўғитидан (САКЎ, 25,4% N, 9,1% Са) 10 л/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади. Ѓўза ривожига орқада қолган майдонларда суспензия гуллаш даври бошида гектарига КАС ўғитини 9,0 л/га, суюқ азот кальций ўғитидан (САКЎ) 15 л/га меъёрларда ишлатилганда яхши самара беради. Суспензия сепишда ишчи эритма ҳар гектарига 300 литрдан кам бўлмаслиги зарур.

Суспензия билан ишлов беришда Фитовак (200-300 мл/га), Гумимакс 0,15-0,20 л/га, Узгуми 0,3-0,4 л/га, Альбит 40-50 мл/га, Оберегъ 10 мл/га, Биодукс 2,0 мл/га ва бошқа шунга ўхшаш стимуляторларни кўшиб ишлатилса, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири янада ортади.

Суспензияни эрталаб ва кечкурун ҳаво ҳарорати 20-25°C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озика моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Ѓўзани суғориш. Ѓўзани шоналаш даврида суғориш меъёри енгил тупроқларда гектарига 600-700 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 700-800 м³ бўлиши керак. Ѓўза гуллаш даврида эса суғориш меъёри енгил тупроқларда гектарига 900-950 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 1050-1200 м³ ни ташкил этиши лозим.

Ѓўзани чанқатиб қўймаслик учун суғориш олдидан суғориш учун эгат олиш керак. Тупроқ механик таркибини инобатга олиб, суғориш эгатлари узунлигини тўғри белгилаш сувдан самарали фойдаланиш билан бирга ўсимликнинг дуркун ва баравж ривожланишини таъминлайди.

Бунинг учун суғориладиган эгатларнинг узунлигини 90 см қатор ораларида 80-100 метрдан, 60 см ли схемаларда 60-80 метрдан ошмаслик керак. Чунки эгат узун бўлса, охирига етгунча 2-3 суткалаб сув оқади, сув эса исроф бўлади.

Суғоришнинг давомийлиги енгил тупроқларда ғўза гулга киргунча 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишда 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Сизот чуқур жойлашган бўз тупроқларда суғориш сони ўртача 3-4 мартани, меъёри гектарига 800-900 м³ ни ташкил қилади ва суғоришни 14-16 кун оралатиб ўтказиш мумкин.

Сизоб чуқурлиги 2-3 метрга барадиган бўз-ўтлоқи тупроқларда ғўза гектарига 700-800 м³ меъёрда 2-3 марта суғорилиб, бу ҳолда суғоришлар орасидаги даврлар 18-20 кунгача узайтирилади. Сизот сатхи 1-2 м чуқурликда бўлганда 20-25 кун оралатиб икки марта суғорилади.

Бу йилда кутилаётган шароитда ғўза парваришида сувдан самарали фойдаланишда эгиловчан қувурлар ёрдамида ҳамда эгат орасига плёнка (сув сарфини 10-15%, қатор орасига ишлов беришни 2-3 мартага камайтиради) тўшаб суғоришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ПСУЕАИТИ олимлари

УРУҒ – СИФАТЛИ, ҲОСИЛ – БЎЛИҚ

Ғаллачиликда ҳосилни йиғиштириб олишдан олдин амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида

Бу йилги об-ҳавонинг кескин мураккаб келиши, май ойининг охириги ўн кунлигида иқлимнинг кескин исиб кетиши, хароратнинг 37-38°C дан юқори бўлиши кузатилди. Ғалла экилган майдонларда бу даврда, эртапишар навларда мум-пишиш даврига, ўртапишар ва ўрта кечки навларда ва кеч экилган майдонларда ғалла сут-пишиш ҳамда мум-пишиш даврига ўтиш жараёни кузатилди.

Об-ҳаво бундай иссиқ келган даврларда бошоқли дон экинларининг сут ва мум-пишиш давларида дон шаклланиши, ўз вақтида тўла пишиб етилиши учун ўсимлик учун зарур бўлган намликни тупроқда сақлаш ёки таъминлаш талаб этилади.

Ғалла ҳосилини йиғиштириб олишдан олдин амалга ошириладиган муҳим тадбирлардан бири, бу – Республикада узлуксиз ғалла етиштириш учун уруғлик ғалла экилган майдонларда уруғлик етиштириш учун белгиланган тадбирларни ўз муддатида сифатли амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Республикада бошоқли дон экинлари уруғликларини етиштириш ва уруғчилик тизимини ташкил этишда бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги билан шуғулланувчи Халқаро илмий муассасалар тизимига тўла жавоб берадиган тизимда олиб борилади.

Бошоқли дон экинларининг навдор уруғларини етиштиришни ташкил қилиш ва уруғчилик тизими. Мамлакатимизда уруғчилик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у давлат назоратида туради. Уруғчилик тизимига биноан, дала экинлари бўйича янги навларни ва навдорлиги юқори бўлган уруғликларни кўпайтириш кўчатзори, суперэлита уруғларини илмий-тадқиқот муассасаларида, элита ва биринчи репродукцияли уруғликлар махсус уруғчилик фермер хўжаликларида етиштирилади.

Уруғчилик тизими деб, давлат шартномасига мувофиқ барча экин майдонларини бир ёки бир қанча экинларнинг юқори навдор уруғликлари билан таъминлаб турадиган, бир-бири билан ўзаро боғланган ишлаб чиқариш тармоқларининг йиғиндисига айтилади. Уруғчилик тизимида уруғларнинг навдорлиги ва экиш сифати устидан назорат таъминланади, уруғ тайёрлаш ва барча хўжаликларни навдор уруғликлар билан таъминлаш ҳам унинг вазифаси ҳисобланади.

Муайян тартибда танлаш ва кўпайтириш билан уруғни янгилаб туришга (уруғни қайта етиштириб туришга) қаратилган ўзаро боғланган кўчатзорлар ва уруғлик экинзорларнинг мажмуаси ҳисобланган уруғчилик тизими навдор уруғлар етиштиришни ташкил этиш, навдорлик ва ҳосилдорлик сифатлари юқори бўлган уруғлар етиштиришни таъминлайдиган йўллар ва усулларни белгилаб беради.

Бошоқли дон экинларининг навдор уруғларини етиштиришда навларнинг биологик хусусиятлари, унинг ишлаб чиқаришда эгаллаб турган майдони, экиш меъёри, ҳосилдорлиги, шунингдек, ташкилий-техникавий шароитлар ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиал ҳамда илмий-тажриба станциялари уруғчилик фермер

хўжаликларининг уруғчилик майдонларида экиш учун экишга тавсия этилган ва истиқболли навларнинг юқори авлодли суперэлита (оригинал) уруғликлари билан тўлиқ таъминлаб туради.

Уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари олган уруғларини ўзлари хизмат қилаётган туман хўжаликларининг уруғларга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва дон тайёрлаш режасини бажаришни ҳисобга олган ҳолда кўпайтирадилар.


Суперэлита ва элита уруғликларини етиштириш жараёни икки босқичдан иборат:

1. Бирламчи уруғчилик тизими.

2. Суперэлита ва элита уруғликларини етиштириш.

Бирламчи уруғчилик тизими. Биринчи йилги авлодларни текшириш (танлаш кўчатзори), иккинчи йилги авлодларни си-

Илмий-тадқиқот институтларида бошоқли дон экинларининг оригинал уруғларини етиштириш тизими



наш кўчатзори (уруғлик кўчатзори) ва 1-2-йилги кўпайтириш ҳамда кўпайтириш кўчатзорлари бирламчи уруғчилик тизими-ни ташкил этади.

Дунё амалиётида – халқаро қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланганидек бошоқли ва дуккакли дон, озуқа ҳамда мойли экинлар навларининг юқори авлодли бошланғич уруғчилиги нав оригинатори иштирокида илмий муассасаларда ташкил этилади.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик экини навлари яратилганда, биринчи навбатда улар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилади. Нав синаш комиссиясининг ҳулосаси билан навлар истиқболи, республикада экишга тавсия этилгандан сўнг унинг бошланғич уруғчилик тизими илмий асосда тизимли ташкил этилади. Халқаро ва маҳаллий уруғчиликда ушбу тизимдаги илмий муассасалар ўзи яратган навни 5 йиллик тизим бўйича ташкил этади.

1) Нав оригинатори ўзи яратган навларнинг тизимли бошланғич уруғчилигини ташкил этишда, биринчи йил оилаларни синаш кўчатзори учун ҳар бир навдан навга хос бўлган 300-2000 тагача типик бошоқлар танлаб олиниб, биринчи йилги оилаларни синаш кўчатзорига экилади.

2) Биринчи йилги оилаларни синаш кўчатзоридан ҳар бир бошоқдан экилган оилалардан юқори маҳсулдорлика эга бўлган, зараркунанда ва касалликлар билан зарарланмаган, навга хос бўлган оилалар танлаб олинади. Танлаб олинган ҳар бир оилалар келгуси иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзорига экиш учун алоҳида-алоҳида халтачаларга йиғштириб олинади.

3) Иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзоридан биринчи йилги оиладан танлаб олинган оилаларнинг ҳар бири 5 м² майдонга экилади ва ўсув даврида дала кўригидан ўтказилиб, навга хос бўлмаган ва касалланган оилалар яроқсиз деб топилиб, чиқитга чиқарилади. Барча кўрсаткичлар бўйича навга хос бўлган танлаб олинган оилалар алоҳида-алоҳида халтачаларга йиғштириб олинади ва олинган оилалар уруғи бирлаштирилади.

4) Иккинчи йилги оилаларни синаш кўчатзоридан танлаб олинган оилаларнинг бирлаштирилган уруғликлари биринчи йилги кўпайтириш кўчатзорига уруғлик миқдорига қараб 0,3 гектардан 2 гектаргача бўлган майдонларга экилади. Биринчи йилги кўпайтириш кўчатзоридан олинган ҳосил келгуси ишлаб чиқаришга жорий этиш учун кейинги босқичга ўтказилади. ИТИлар ва хусусий уруғчилик фирмалари шуғулланади (агар навнинг оригинатори бўлса).

5) Биринчи йилги кўпайтириш

кўчатзоридан олинган уруғликлар иккинчи йилги кўпайтириш кўчатзорига экилади. Иккинчи йилги кўпайтириш кўчатзоридан навнинг талабига ва жойлашиш майдонига қараб кенг майдонларга 3-5-10 гектаргача бўлган майдонларга экилиб, уруғчиликнинг халқаро илмий асосланган тизим ва талаби бўйича юқори авлодли оригинал уруғликлари етиштирилади. ИТИлар ва хусусий уруғчилик фирмалари шуғулланади (агар навнинг оригинатори бўлса).

6) Иккинчи йилги кўпайтириш кўчатзорларидан олинган юқори авлодли оригинал уруғликлар нав оригинатори томонидан нав уруғликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган “Уруғчилик маркази” ДУК тизимидаги уруғчилик билан шуғулланувчи элита хўжаликларига етказиб берилади. Уруғчиликнинг жаҳон андозаси бўйича элита хўжаликлари юқори авлодли элита, R1 уруғликлар етиштирилиб, R2 уруғликлари товар дон учун етиштирилади.

Юқори авлодли уруғликлар экилган ҳамда элита уруғликлар экилган майдонларда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан белгиланган махсус уруғлик майдонларини дала кўригидан (апробациядан) ўтказиш учун ишчи гуруҳ комиссияси тузилади. Ишчи гуруҳ аъзолари уруғлик экилган майдонларда уруғнинг уруғликка яроқчилиги, бегона ўт босмаганлиги, бегона нав аралашмаларидан тозаланганлиги ҳамда экилган навларнинг қайси авлодга мансублигини аниқлаб, апробация далолатномаси тузилади. Дала кўригидан ўтмаган, апробация далолатномаси тузилмаган майдонлардаги уруғ ғалла уруғлиги учун нолойиқ деб ҳисобланади.

Уруғлик майдонларида ҳосилни йиғштириб олишда биринчи навбатда эртапишар навлардан бошлаш ҳамда табақалаштирилган ҳолда ўртапишар ва кечпишар навлар тўла пишиш даврига қараб уруғлик авлоди ва нав туркумига қараб ўриб йиғштирилади.

Биринчи навбатда ўрим комбайнлари уруғлик майдонларни ўришда уруғлик навни ўриб олгандан сўнг, иккинчи навга ўтишдан олдин комбайнларни уруғлик дон қолдиқларидан тозалаб, кейинги уруғлик навни ўриши талаб этилади.

Дон қабул қилиш шохобчаларида уруғлик навни нави ва авлоди бўйича алоҳида омборларга қабул қилиш ҳамда уруғликни қабул қилишда шохобчаларда алоҳида масъул шахс иштирокида уруғликка ажратилган омборларга тўқини ташкил этиш лозим.

Юқоридаги тадбирлар ўз вақтида қатъий амалга оширилса, келгуси йил ҳосили учун

сифатли уруғлик тайёрлашга эришилади.

Ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ва уни ўтказиш.

Ўрим-йиғим мобайнида дон тўкилиб нобуд бўлишининг олдини олиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Нобудгарчиликнинг асосий сабаблари:

1. Ўрим-йиғимнинг ташкилий шароитлари: Ўрим -йиғимнинг вақтида бошланмаслиги ва чўзиб юборилиши, далаларнинг бўлақларга нотўғри тақсимланиши, ишнинг ёмон ташкил қилиниши.

2. Агротехник сабаблар: Ғалла парваришда агротехник талабларнинг бузилиши, даланинг нотекислиги, кучли бегона ўт босганлиги, ўсимликларнинг ётиб қолиши ва бошқалар.

3. Техник сабаблар: Ўрим комбайнларининг ишчи қисмлари талаб даражасида соз ҳолга келтирилмаганлиги, техника ишга ёмон тайёрланганлиги.

4. Технологик сабаблар: Ўрим-йиғимнинг узлуксиз давом эттирилмаслиги, ишнинг нотўғри ташкил қилиниши натижасида комбайнларнинг кўпроқ тўхтаб қолиши.

5. Биологик сабаблар: Ғалла тупларининг ётиб қолиши, доннинг паст сочилувчанлик хусусиятига эгалиги, қийин янчилиши, ўрим-йиғим графигининг ғалла навлари пишиш даврини (эртапишар, ўртапишар, кечпишарлигини) ҳисобга олмасдан тузилиши.

6. Ўрим-йиғим давридаги табиий офатлар: Жала, ёмғир, дўл, қаттиқ шамол таъсирида ётиб қолиши, донни зараркунандалар, кемирувчилар ва қушлар ейиши.

7. Комбайнчида касб маҳоратининг пастлиги, тажрибасизлиги сабабли нобудгарчиликка йўл қўйилиши.

Бундай сабаблар етиштирилган доннинг нобуд бўлишига турлича таъсир қилади. Шунинг учун ўрим-йиғим бошланишидан олдин, бу сабаблар чуқур ўрганилиб, қуйидаги чора-тадбирларга аҳамият берилса, ҳосил нобудгарчиликсиз йиғштириб олинади:

Ўримни биринчи навбатда бегона ўтлар босадиган ғалла майдонларидан бошлаш;

Кузги буғдой навларининг эрта, ўрта ва ўрта кечпишарлигига ҳамда уруғларнинг экилган муддатларига қараб, ўрим-йиғимни тўғри ташкил қилиш.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишдаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва меъёрларда сифатли амалга оширилиши жорий йилда ғалладан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг гарови ҳисобланади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
Дон ва дуккакли экинлар
илмий-тадқиқот институти
директори, қ.-х.ф.д.



ҒАЛЛА ЎРИМИНИ ОТРЯД УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Ғалла етиштириш жараёнида қўлланиладиган барча агротехник тадбирлар муҳим. Лекин уларнинг ичида ўта масъулиятлиси ҳосилни йиғиштириб олишдир. Зеро, ҳосил комбайнларнинг дала бўйлаб бир ўтишида ўриб-янчиб олинади, такрорий йиғим деган гап бўлмайди. Комбайндан кейин ерга тўкилган донни қайтадан йиғиштириб олишнинг сира иложиси йўқ. Демак, агрокластерлар агрономлари ва муҳандислари, фермерлар, комбайнчилар, ўрим-йиғим отрядлари бошлиқлари даладаги бор ҳосилни нест-нобудсиз йиғиштириб олиш чораларини қўришлари лозим.

Ғаллазорларни ўримга сифатли тайёрлаш, ўрим-йиғим ишларини отряд усулида ташкил этиш, комбайнларни далада тўғри ишлатиш ҳамда хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя этиш шундай чоралар сирасига киради.

Ғаллазорларни ўримга тайёрлаш. Фермерлар, агрокластерлар ва МТПлар раҳбар ва мутахассислари ўримга киришишдан олдин қуйидаги юмушларни сифатли қилиб бажаришлари даркор:

- далага кирадиган йўллар, кўприкларни комбайн сиғадиган ва уни кўтара оладиган даражада тайёрлаш, ўқариқларни текислаш (комбайн далага соз ҳолатда кириб чиқади);

- комбайннинг ҳаракатланишига халақит берадиган дарахт шохларини кесиб ташлаш, ўримга киришишдан олдин карталарни тўртбурчак холига келтириш, комбайн боролмайдиган жойлардаги ғаллани қўлда ўриш (бор ҳосил тўлалигича йиғиб олинади);

- далани печак, чирмовиқ, шўра каби бегона ўтлардан, ҳар хил темир-терсаклардан тозалаш (пичоқлар синмайди, хедер, транспортёр, ротор ёки барабан бузилмайди, бункерга тоза дон тушади);

- комбайннинг бемалол қайрилишини таъминлаш, пояларнинг эзилишини олдини олиш мақсадида ғаллазор атрофи бўйлаб камида 8 м кенликдаги ғаллани олдиндан ўриб олиш, ёнғин чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик учун дала четларини камида 4 м кенликда

шудгорлаб қўйиш.

Ғалла ўримини отряд усулида ташкил этиш. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагросервис” АЖнинг тавсия ва кўрсатмаларига асосан ғалла ўрими йиғиш—ташиш отрядлари воситасида ўтказилади. Ҳар бир отряд таркибига 2 ёки 4 та «Кейс», “Клаас”, “Вектор” комбайни, 4 ёки 8 та дон ташийдиган автотранспорт, 1 та кўчма устахона, 1 та занжирли трактор плуги билан ва маиший хизмат звеноси киради. Отряд таркиби ҳамда техника воситаларининг тури ва сонлари далаларнинг катта-кичиклиги, ғалла массивларидан дон қабул қилиш шохобчасигача бўлган масофаларга қараб ўзгариши мумкин.

Отряд раҳбари туман қишлоқ хўжалиги бўлими, агрокластер, МТП, автокорхона раҳбарлари ҳамда фермерлар билан биргаликда ўзига бириктирилган ғалла майдонларининг ҳажмини, дала контурлари бўйича ғалланинг ҳолати ва дон ҳосилдорлигини аниқлаб, ўрим-йиғим графигини тузади.

Ҳар бир отряд таркибида ҳисобчи ва отряднинг дон қабул қилиш шохобчасидаги вакили фаолият кўрсатади. Отряд ҳисобчиси ўриладиган майдонларнинг ҳақиқий катталигини, ғалла ҳосилдорлигини бевосита ўримдан олдин ўлчашлар йўли билан аниқлайди. Ўрилган майдонлар учун агрокластер, туман МТП ёки сервис корхонаси билан, жўнатилаётган дон учун транспорт корхоналари билан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмий-

лаштиради. Ўриб-янчиб олинган ва омборларга топширилган дон ҳақидаги ҳужжатлар барча фермерлар учун алоҳида - алоҳида тузилади.

Отряднинг дон қабул қилиш шохобчасидаги вакили шохобча мутахассислари иштирокида топширилаётган доннинг оғирлигини, намлик ва ифлослик даражасини ўлчайди ҳамда унинг кондицион вазнини аниқлаб, тегишли ҳужжатни расмийлаштиради ва уни отряд раҳбарига топширади. Отряд раҳбари ўрим-йиғимни сифатли ташкил этиш ва ўтказиш, ҳисоб-китобларни тўғри юритиш, дон нобудгарчилигининг олдини олиш, ўрим қатнашчиларига етарли шарт — шароитларни яратиб бериш тадбирлари учун масъул шахс ҳисобланади.

Агрокластер, МТП ва сервис корхоналари раҳбарлари ва муҳандислари комбайнларни икки сменада бетўхтов ишлатиш, уларни ёнилги — мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш, кўчма устахоналарни зарур эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш ускуналари билан бутлаш, техника воситаларида рўй берадиган носозликларни даланинг ўзида бартараф этишни ўз зиммасига олади. Ўрим-йиғим отрядини етарли транспорт воситалари билан таъминлаш, ташиш жараёнида дон нобудгарчилигининг олдини олиш, автомашиналарни техник жиҳатдан доимо соз ҳолатда ушлаб туриш вазифалари автокорхона раҳбари зиммасига юклатилади.

Комбайнчилар, ҳайдовчилар ва

ўрим-йиғим мавсумининг бошқа қатнашчиларига медицина хизматини кўрсатиш, уларни иссиқ овқат билан узлуксиз таъминлаш тадбирларини фермерлар, маҳалла фаоллари ва туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари бажаради.

Мавсумни қисқа муддатда сифатли ўтказиш борасида ўрим-йиғим отрядларининг бошлиқлари, агроном ва муҳандислар алоҳида эътибор бериши зарур бўлган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ўримга киришишдан олдин даладаги ғалланинг ўртача ҳосилдорлиги, унинг етилганлик, ифлосланиш ва намлик даражалари чамалаб олинади. Шунга қараб ғаллани ўриш ва комбайнларни бир даладан иккинчисига ўтиш тартиблари танланади;

- ўримни ўз вақтида бошлаш ҳосилни сақлаб қолишда ўта муҳим аҳамиятга эга, зеро, пишиб етилган ғалла 5 кун кечиктириб ўрилса 4%, 10 кун кечиктирилса 12%, 20 кун кечиктирилса 28% дон ерга тўкилиб кетади. 1 м² майдончада бир дона бошоқнинг тўкилиши, гектаридан 10—16 кг ғалланинг йўқотилиши демакдир;

- комбайн тўғри ростланган ёки ростланмаганлигини даланинг ўзида текшириш зарур: 50 метрдаги буғдой ўрилгандан кейин комбайн тўхтатади. Агар 1 м² майдончага 20 дондан ортиқ дон тўкилган бўлса, комбайн иш режимини ўзгартириш ёки механизмларини қайтадан ростлаш талаб этилади. Ростлашни дон тўкиладиган тирқишлар ва дарчаларни (жатка деворларидаги ёриқлар, қия камерани янчиш аппарати билан бириккан жойидаги, ғалла ва бошоқ шнекларидаги, кузатиш туйнуклари) зичлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир;

- бир даладаги ғалланинг ҳолати иккинчисидан анчагина фарқ қилишини, бу эса комбайнни янгидан ростлаш ва созлашни талаб этишини ёддан чиқармаслик керак;

- ўрим-йиғим дони қуруқ ва бирдай пишган, ўт босмаган ва пояси тик турган майдонлардан бошланади;

- дон ташийдиган транспорт воситаларининг бортлари зичланган, яъни тирқишларсиз бўлиши ва улар учқун сўндиргичлар билан жиҳозланиши лозим.

Комбайнларни далада ишлатиш қоидалари. Комбайнлардан унумли фойдаланишда асосий масъулият операторларга юклатилади. Шу боис улар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари лозим:

- ўриш жараёнида дон бошоқлардан уриб туширилганда мотовило тезлиги камайтиради, уни пастга тушириб, вали пичоқларга яқинлаштирилади;

- бошоқлар ерга кўп миқдорда тўкила бошласа, мотовило тезлиги камайтиради, паншахаларни пичоқларга яқинлаштириб, уларнинг орқа томонга қиялиги бироз оширилади, паншахалар ва шнек қанотлари орасидаги тирқиш кенглиги торайтиради;

- дон қирқилмаган поялар бошоқларида қолиб кетганда, синган сегмент ва бармоқлар янгисига алмаштирилади, хедер пастга туширилади, мотовило пастлатилади ва олдинга чиқарилиб, тезлиги оширилади;

- бункерда синиқ дон миқдори ошиб кетганда, ротор билан дека орасидаги тирқиш кенгайтирилади, ротор (барабан) тезлиги камайтиради, тирқиш ичига тикилиб қолган похол ва ўт-ўланлар олиб ташланади;

- сомон орасида тўлиқ янчилмаган бошоқлар учраганда, тирқиш кенглиги камайтиради, ротор тезлиги оширилади, ғалвир жалюзалари кенгрок очилади, комбайн тезлиги пасайтиради;

- бункердаги дон ифлослиги юқори бўлса, ғалвир жалюзалари торайтиради, вентиляторнинг шамол кучи оширилиб, хедер бироз тепага кўтарилади.

Хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя этиш зарур. Бунда:

- бакка ёнилғини челаклар, канистрлар билан эмас, махсус агрегатлар ёрдамида қуйиш, ёнилғи ва мой томчиланининг олдини олиш;

- комбайнда доимо соз ва тўлатилган иккита ўт ўчиргич олиб юриш, бирини кабинага, иккинчисини эса двигател атрофига осон олиндиغان қилиб ўрнатиш;

- мотовило валига ўралган, қия камера ҳамда ротор билан дека орасига тикилиб қолган пояларни дарҳол олиб ташлаш;

- подшипниклар синганда, улар-

нинг корпуслари қизиб кетганда, тасмалар ва занжирлар узилганда комбайнни тезда тўхтатиб, двигателни зудлик билан ўчириш;

- тунда ишлашдан олдин барча электр ёритиш воситаларини қайтадан текшириб чиқиб, очиқ симларни дарҳол алмаштириш ёки янгидан ҳимоя лентаси билан ўраб чиқиш;

- электр асбобларига келган симларни доимо текшириб туриш, уларнинг қизиб кетишига йўл қўймаслик;

- симлар қизиб кетганда двигателни дарҳол ўчириб, носозликларни бартараф этиш;

- ғаллазор ичида пайвандлаш ишларини бажармаслик, бункердаги дон қолдиқларини двигател ўчгандан кейингина тозалашга жиддий эътибор бериш талаб этилади;

- комбайн ишчи қисмларидан мой ёки ёнилғининг сизиб чиқишига йўл қўймаслик даркор. Бунда ёнилғи, мой узатувчи трубкаларнинг ва комбайн двигатели жойлашган бўлманинг тозалигига алоҳида эътибор берилади. Ёнилғи ўтказгичлар ифлосланганда, двигател совутилиб кейин тозаланади;

- сақловчи муфтааларнинг шатаксирашига, подшипникларининг қизиб кетишига йўл қўйилмайди. Генератор, стартёр улагичлари ва электр қурилмаларига ҳимоя қалпоқчалари кийгизилган бўлиши, электр ўтказгичлар эса маҳкам қотирилган бўлиши шарт. Комбайнга ёнилғи қуйилаётганда двигател ўчирилган бўлиши керак. Бунда чекиш ва очиқ оловдан фойдаланиш ман этилади;

- нефт маҳсулотлари ёнганда уларни сув билан ўчириш мумкин эмас. Оловни ўт ўчириш воситаси ҳамда қум, тупроқ сепиб ёки брезент билан ёпиб ўчириш керак. Пайвандлаш ишларини бажаришда, шунингдек комбайнни узоқ муддат таъмирлаш жараёнида у ғалла майдонидан 30 метрдан кам бўлмаган масофага олиб чиқилади.

Ғалла ўрим-йиғимини отряд усулида ташкил этиш дон нобудгарчилигининг олдини олиш ва мавсумнинг қисқа муддатларда яқунланишини таъминлайди.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д. ҚХМИТИ.

БИР ЁНДА ЙИҒИШТИРИШ, БИР ЁНДА ПАРВАРИШ

Июнь ойида боғ-токзорларда
бажариладиган агротехник
тадбирлар хусусида



Жорий йил боғбон-соҳиб-корларимиз учун анча оғир йил бўлиб, улар мураккаб вазифаларни бажаришига тўғри келмоқда. Баҳор мамлакатимизга анча эрта келиши боис мевали боғларимиз 15-20 кун олдин гуллаб, юқори ҳосил олиши кутилмоқда эди. Аммо республикаимизда 8-9 апрель кунлари об-ҳавонинг пасайиб кетиши, ёмғир ҳамда қор ёғиши, бу боғларимизда, айниқса, данакли мевали боғларда меваларининг бир қисмини зарарланиши боис мевалари нобуд бўлди. Май ойида сурункали ёққан ёмғирнинг кўп бўлиши туфайли боғларда касалликларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Боғларда касалликлардан клястероспориоз (тешиқдоғ), парша (калмараз), ун-шудринг, манилиал қўйиш, зараркунандалардан: олма қурти, ширалар, нок шира бургаси (медяница) ва бошқалар тез ривожланмоқда.

Июнь ойида данакли мевалилардан ўрик, гилос, олча, олхўрининг эртаги навлари пишиб етилди, уларни имкон даражасида нес-нобуд қилмасдан пешма-пеш териб олиб, аҳоли истеъмолига етказиб бериш билан бирга, қайта ишлаш саноат корхоналарига ҳамда маълум қисмини экспортга йўналтириш мумкин.

Ҳосилли боғларда олма, нок, беҳи, олхўри мева қурти ҳамда нок шира бургасига қарши июнь ойининг бошида 10-15 кун оралатиб кимёвий ишлов бериш зарур. Ушбу тадбир ҳосилли боғларда мевахўр куртларнинг 2-авлодига қарши бўлиб, олмалар гуллаб бўлгандан сўнг 40-45 кун ўтганда бажарилади. Бунда ҳосилли олма, нок, олхўри боғларида қуйидаги кимёвий препаратлардан бири қўлланилади: Карбофос (100 л. сувга 200-300 г. ҳисобидан), Циперфос 100 г. ёки Децис, Каратэ, Толстар, Циракс 30-40 г., Фуфанон 100 г. ҳисобидан, олма қуртига қарши Вектра 30 г., Сапроль ва Топсин 100 г. ҳисобидан пуркалса, яхши самара беради.

Эртапишар олма ва нок навларига

кимёвий препаратлар билан ишлов берилмайди.

Июнь ойи бошларида ёғингарчилик кузатилса, шафтоли ва олхўри дарахтларини юқорида қайд этилган клястероспориоз, барг бужмалоқлиги ва ун-шудринг каби замбуруғли касалликларга қарши Бордо суюқлигининг 1 фоизли эритмаси ёки намланувчи олтингургурт билан такрор пуркаш керак.

Ўтган йили уруғли мева боғларида ҳосил кам бўлиб, жорий йилда ана шу боғларда ҳосил мўл бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун ушбу ҳосилли боғларда меваларининг кўп ва сифатли бўлиши учун, агарда эрта баҳорда боғлар етарли миқдорда озиклантирилмаган бўлса, у ҳолда боғларга минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли 50-60 кг., фосфорли 65-70 кг. ҳамда 40 кг. ҳисобида калийли ўғитлар солиб, кетидан суғорилади.

Органик ўғитлар билан қўшимча “шарбат” усулида озиклантириш мумкин. Бунинг учун боғ ва токзорларнинг юқори қисмида сув келадиган йўлда чуқур қовланиб, гўнг солинади ва сувга аралаштириб оқизилади.

Баҳорда, айниқса, апрель, май ойларида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши боғ ва токзорлар ораларида бегона ўтларнинг тез ривожланишига имкон яратилди. Ана шу бегона ўтларни тезлик билан ўриб олиб, боғ қатор ораларини 12-15 см. чуқурликда юмшатиб, туп ораларини бегона ўтлардан тозалаш зарур. Ҳосилли боғларда қатор ораларини суғориш учун бир-биридан 70-80 см. ораликда 4-5 та 22-24 см. чуқурликда ариқлар олиниб 1-1,5 кун давомида тупроқ захлагунича суғорилади.

Янги экилган боғларда июнь ойида парвариш ишлари олиб борилади, яъни экилган кўчатларнинг беҳато кўкариши, илдиз олишига, яхши ўсиб ривожланишига эътибор қаратиш керак. Суғоришга алоҳида эътибор қаратиб, ой давомида бир-икки маротаба суғорилади. Ҳар суғоришдан сўнг эгатлар ва дарахт атрофидаги тупроқ юмшатилади. Янги таш-

кил этилган боғ ва токзорлардан улар ҳосилга киргунига қадар 2-3 йил давомида қатор ораларига сабзавот, полиз ҳамда картошка ўсимликларини экиб, улардан маълум миқдорда қўшимча даромад олишга эришилади. Янги боғ-токзорлар ташкил қилиш учун сарф бўлган маблағ боғ-токзорларнинг ҳосил беришигача кутиб ўтирмасдан 2-3 йил давомида экилган сабзавот, полиз ва картошкадан олинган даромад билан қопланишига эришилади.

Токзорларда ток тупларида 50-60 см. қочириб қатор ораларига иккита суғориш ариғи очилади. Сув 24-30 соат давомида яхшилаб суғорилади.

Ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги боис токзорларда кул (оидиум) антракноз касалликлари ривожлана бошлади. Уларга қарши 8-10 кун оралатиб олтингургурт (1 гектарга) 25-30 кг. сарфи билан чанглатиб чиқиш зарур. Олтингургуртга 10 кг. охак кукуни қўшиб сепилса самарадорлиги янада ошади. Кичик майдонлардаги ток тупларини даволашда олтингургуртни қўллаш имкони бўлмаса, кимёвий препаратлардан Вектра, Топаз, Тиль (10 л. сувга 3-5 г.) ёки Топсин (10 г.) билан ишлов берса бўлади.

Июнь ойида токзорларда ток туплари қалинлашиб кетишига йўл қўймастик учун тезлик билан ғўра хомтогини ўтказиш зарур. Ғўра хомток ўз вақтида ва сифатли олиб борилса, касалликларнинг ривожини сусайиши натижасида кимёвий ишловлар сони камайди, самараси эса ошади. Ғўра хомтоқни бажаришда ортиқча новдаларни олиб ташлаш, қолдирилган новдаларни эса яхшилаб кун тушадиган қилиб тараб боғлаш керак.

Юқоридаги агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, боғ ва токзорлардан сифатли юқори маҳсулот олишга эришилади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.н.,
Академик М.Мирзаев номидаги
БУёвВИТИ.

Мамлакатимизда Маҳоли сонининг йилдан -йилга ортиб бориши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу сабабли, аҳолининг озиқ-овқат ва чорванинг ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш мақсадида кузги бошоқли дон ва эртаки сабзавот экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш кенг йўлга қўйилмоқда.

ТАКРОРИЙ ЭКИН ҚЎШ ДАРОМАД КЕЛТИРАР



Республикамининг суғориладиган майдонларида экилаётган қишлоқ хўжалик экинлари асосини ғўза ва кузги бошоқли дон экинлари ташкил этади. Бир миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларимизда ҳар йили кузги бошоқли дон экинлари етиштирилади. Демак, кузги буғдой йиғиштириб олингандан сўнг шунча миқдордаги майдонда такрорий экинлар етиштириш имконияти пайдо бўлади. Шуни ҳисобга олиб, кузги буғдойдан бўшаган майдонларда асосий эътиборни аҳолининг кундалик озиқ-овқат талабларини қондирадиган дуккакли дон, дон, сабзавот ҳамда ем-хашак экинларини такрорий экин сифатида етиштириш келгусида республикаимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақамлашга, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга замин яратади.

Фермер хўжаликларидида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига тупроқда кўп миқдорда органик қолдиқлар қолдирадиган ҳамда унинг унумдорлигини тиклайдиган такрорий экинларни экиш мақсадга мувофиқдир.

Кузги буғдой анғизига экиладиган бу экинлар ўтмишдош экин сифатидаги ғўза ва кузги буғдойга мос, тупроқ унумдорлигини оширадиган, чорва учун тўйимли ем-хашак бўла оладиган дон, дуккакли дон, мойли ва ем-хашак экинлари бўлиши мумкин.

Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида такрорий экинлар экилиши натижасида бир мавсумнинг ўзидида бир гектар майдонда 5-6 тонна миқдорда органик қолдиқлар тўпланади. Бу эса, ўз навбатида, тупроқдаги чиринди

миқдорининг 80-85 кг/га, азотнинг 55-60 кг/га, фосфорнинг 15-20 кг/га, калийнинг 55-60 кг/га ошишини таъминлаб, келгуси мавсумда экинларни етиштириш учун сарфланадиган йиллик азотли ўғитлар миқдорини 25-30 фоизга, калийни 45-50 фоизга камайтириш имконини беради. Ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой дон ҳосилдорлиги 15-20 фоизга, ғўза ҳосилдорлиги 10-15 фоизга ошади.

Такрорий экинлар турларига қараб дуккакли дон (мош, ловия, соя, ясмиқ, бурчоқ), дон (шоли, тарик, маккажўхори, оқ жўхори, қанд жўхори, маржумак), мойли (зигир, ерёнғоқ, соя, кунжут, кунгабоқар), илдиз ва туганак мевали (қанд лавлаги, хашаки лавлаги, ош лавлаги, сабзи, турп, шолғом, картошка ва ҳ.к.), ем-хашак (маккажўхори, жўхори, судан ўти, қуноқ ва ҳ.к.), сабзавот (карам, бодринг, қовун, тарвуз, помидор, патисон ва ҳ.к.) экинларга бўлинади. Улар такрорий экин сифатида етиштирилганда бир йилнинг ўзидида бир майдондан 2-3 марта ҳосил олинади, чорва учун тўйимли озуқа баъзаси яратилади, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга шароит яратилиб, тоза экологик муҳит вужудга келади. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтидида олиб борилган тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, алмашлаб экишнинг ғалла-ғўза тизимларида етиштирилган кузги буғдойдан ўртача 50-60 ц/га, такрорий экин сифатида буғдой анғизига экилган мошдан 15-20 ц/га, соядан 25-28 ц/га, ловиядан 25-30 ц/га, маккажўхоридан 40-45 ц/га дон ҳосили олинган. Демак, мазкур далалардан бир йилнинг ўзидида 80-100 ц/га дон ҳосили етиштирилган.

Тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг далада ўрта ҳисобда 3,0-3,5 тонна илдиз ва анғиз қолдиқлари қолади. Кузги буғдойнинг 1 тонна илдиз ва анғиз қолдиқлари таркибида 12-13 кг азот, 5-6 кг фосфор, 18-20 кг калий тўпланади. Демак, далада қолган 3,0-3,5 тонна анғиз қолдиқлари ҳисобига 36-45 кг азот, 15-21 кг фосфор, 54-70 кг калий шаклида тупроққа қайтади. Кузги буғдой анғизига экилган мош гектарига 1,8-2,8 тонна, соя 2,5-2,8 тонна органик қолдиқлар қолдиради. Агрокимёвий таҳлил натижаларига кўра, 1 тонна мошнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари таркибида 27,5 кг азот, 13,2 кг фосфор, 27,0 кг калий, 1 тонна сояникида эса озиқа элементлари миқдорлари тегишли равишда 17,5; 5,7; 13,5 кг тўпланади. Мошнинг органик қолдиқлари гектарига ўртача 2,3 тоннани ташкил этса, бир гектарга 63,2 кг азот, 30,3 кг фосфор, 62,1 кг калий, соянинг органик қолдиқлари гектарига 2,6 тонна бўлганда, 45,5 кг азот, 14,8 кг фосфор ва 35,1 кг калий тупроққа қайтади.

Демак, кузги буғдой ва унинг анғизига такрорий дуккакли дон экинлари – мош ва соя экилганда, уларнинг тупроқда қолдирадиган органик қолдиқлари гектарига ўртача 4-5 тоннани ташкил этиб, улар орқали 70-100 кг азот, 30-40 кг фосфор, 60-100 кг калий моддалари тупроққа қайтади. Бу эса ўсимликлар томонидан тупроқдан ўзлаштирилган озиқа моддалар ўрнининг тўлдирилишига, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, ғўза ҳосилдорлигининг юқори ва сифатли бўлишига шароит яратади.

Такрорий экин сифатида

маккажўхорининг “МВ-170 F₁”, “Манакор F₁”, “П 1241 F₁”, “Формат F₁”, “Сагунто F₁”, “П 9027 F₁”, “Авичи F₁”, “ДКС 4141 F₁”, “Амман F₁”, кунгабоқарнинг “Машъал F₁”, “Тарсан 1018 F₁”, “НК Неома F₁”, “Астиги F₁”, “Алази F₁”, “Дилбар”, “Диёр”, “Наврўз”, “Жаҳонгир”, соянинг “НС Катя”, “Браво”, “Орзу”, “Мутант-3”, “Олтинтож”, “Генетик-1”, “Ойжамол”, “Нафис”, “Дўстлик”, “Селекта”, мошнинг “Замин”, “Барака”, “Осиё”, “Победа-104”, “Радость”, “Наврўз”, “Қаҳраб”, “Дурдона”, “Зилола”, “Маржон”, “Турон”, жўхорининг “Даулет”, “Қорабош”, “Ўзбекистон паканаси”, “Ўзбекистон-5” “Ўзбекистон-18”, тариқнинг “Саратовское-853”, қўноқнинг “Хашаки-1”, кунжутнинг “Ташкентский-122”, “Қора Шаҳзода”, судан ўтининг “Чимбайская-8”, “Чимбайская юбилейная” нав ва дурагайларини экиш мумкин.

Республикаимизда такрорий экинларни экиш ёз ойига, ҳаво ҳароратининг максимал даражада ошган кезларига тўғри келиши сабабли, уруғларнинг униб чиқиши учун тегишли намлик захирасини тўплаш зарурияти туғилади. Шунинг учун такрорий экин сифатида дон, дуккакли дон, мойли ва ем-хашак экинлари уруғларини экишдан олдин элакларда элаб, тозалала, бир хиллигини таъминлашга эришилади. Тупроқда тегишли нам захирасини тўплаш мақсадида анғиз суғорилади, ер етилганидан кейин 22-25 см чуқурликда ағдарилиб ҳайдалади ва тупроқда захира нам ҳосил қилишга эришилади.

Тупроқдаги захира намни сақлаб қолишга эришиш учун тупроқ етилиши билан дала узунасига ва кўндалангига ҳайдалади, орқасига борона тиркалган мола босилиб, тупроқнинг 8-10 см юза қатламининг 4-5 см дан пастки қисми зичлаштирилади, натижада тупроқнинг пастки қисмидаги намлик беҳуда буғланиб кетишининг олди олинади. Молага тиркалган борона воситасида эса тупроқнинг 4-5 см юза қатламида майин тупроқ ҳосил қилиниб, куёш ҳарорати тупроқнинг пастки қатламларига тўғридан-тўғри ўтиб кетишининг олди олинади.

Одатда, ҳаво ҳарорати юқори бўлганида тупроқнинг пастки қатламларидаги намлик ва унда эриган озиқа элементлари тупроқ юзасига кўтарилади. Ҳайдалган ернинг юза қатлами зичлаштирилганда, унинг пастки қатламидан кўтарилган намлик тупроқнинг ҳайдалма қатламида тўпланиб, такрорий экин сифатида

экилган экинлар уруғларининг қийғос униб чиқишини таъминлайди.

Такрорий экинлар июн ойининг охири ва июл ойининг бошларида экин турларидан келиб чиққан ҳолда кенг қаторлаб, тор қаторлаб ёки сочма усулида экилади. Такрорий экин сифатида мошнинг қатор ораси 60 см, экиш схемаси 60x20, 60x15 бўлиб, экиш меъёри гектарига 250000-400000 минг дона, экиш чуқурлиги эса 3-4 см. Сояни экиш схемаси 60x5, 70x3 бўлиб, агар қатор ораси 60 см бўлганда бир гектар майдонга 60-80 кг уруғ сарфланади, экиш чуқурлиги 4-5 см. Ловиянинг қатор ораси 60-70 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4-6 см, бир гектар майдонга 80-100 кг уруғ сарфланади. Ерёнғоқни экиш схемаси 60x15, 60x20, 60x25 бўлиб, экиш меъёри гектарига 80-100 кг. Тариқ 45x15 ёки 60x15 см схемада экилади, экиш чуқурлиги 3-4 см, гектарига 12-16 кг уруғ сарфланади. Маккажўхори кенг қаторлаб, қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб экилади, экиш меъёри – дон учун экилганда 25-30 кг, ем-хашак учун экилганда эса 45-50 кг/га бўлади, экиш чуқурлиги 4-5 см.

Такрорий экинлар ўсув даври давомида тупроқ-иқлим шароитларига қараб мош 1-3 мартагача, соя, ловия ва ерёнғоқ экинлари эса 3-5 мартагача, маккажўхори 3-6 мартагача, тариқ 2-3 мартагача суғорилади. Ҳар бир суғориш меъёрлари экин турларига қараб 500-600 м³/га дан 800-900 м³/га гача бўлиши мумкин. Дуккакли-дон экинларининг гуллаш ва дон тугиш давларида сувга бўлган талаби юқори бўлса, маккажўхорида тўпгул ва дон ҳосил қилиш давларида, тариқда эса найчалаш ва рўваклаш давларида юқори бўлади. Такрорий экинларни парвариш қилишда амал даври давомида қатор ораларига 2-3 мартагача культиваторлар ёрдамида ишлов берилиб, 1-2 марта бегона ўтлардан тозаланади. Минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ҳам экин турларига қараб амалга оширилади. Дуккакли дон (соя, ловия, мош) экинлари ва ерёнғоқ гектарига 50-60 кг азот, 80-90 кг фосфор ва 50-60 кг калийли ўғитлар билан озиқлантирилса, маккажўхори дон учун экилганда 100-150 кг азот, 70-100 кг фосфор ва 50-75 кг калийли ўғитлар билан озиқлантирилади. Агарда дуккакли дон (соя, ловия, мош) экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилса, уларни парваришда қўлланиладиган азот-

ли ўғитлар меъёрини 30 кг/га қисқартириш мумкин.

Такрорий экинларнинг ҳосили техника ёрдамида йиғиштириб олинади. Дуккакли дон экинлари (соя, ловия, мош) ҳосилини техника ёрдамида йиғиштириб олишда ўсимликнинг бўйи ва биринчи дуккакларининг ердан баландлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар ўсимликнинг бўйи паст бўлса, биринчи дуккакларининг ердан баландлиги ҳам паст бўлиб, ҳосилни йиғиштириб олишда доннинг нобуд бўлиш муаммоси юзага келади. Бундай муаммо кўпроқ соя, мош ва ловияни мақбул муддатларда ва меъёрларда экилмаганда кузатилади.

Дуккакли дон экинлари (соя, мош, ловия) дуккакларининг 75-80 фоизи пишганда уларнинг ҳосили йиғиб олинади ва қуритилади. Поялар эрталаб ёки кечқурун йиғилса, дуккаги кам чатнайди ва шикастланмайди. Бунда йиғилган доннинг намлиги 14 фоиздан ошмаслиги керак.

Соя ва ловия экинларидан фарқли равишда мошнинг дуккаклари пишиб етилган вақтда танаси, барглари ва бошқа қисмлари яшил ҳолатда бўлиб, дон ҳосилини тўғридан-тўғри комбайн билан йиғиштириб олиш имконини бермайди. Шу сабабли мош етиштириладиган хўжалиқларда кўпчилик ҳолатларда мошнинг ҳосилини йиғиштириб олишда дуккакларининг 70-80 фоизи етилганда, эрталабки кезларда қўл кучи билан йиғиштириб олиниб, ёйиб қўйилади ва қуритилади, сўнгра янчилади.

Маккажўхори сўталари дон учун тўлиқ пишиш даврида, силос учун эса сўталар сут-мум пишиш даврида йиғиштириб олинса, тариқ рўвагидаги донларининг 80-85 фоизи етилганда ўриб олинади ва дасталар 3-5 кундан кейин янчилади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига такрорий экинларнинг киритилиши тупроқдаги озиқа моддалар миқдори ўсимликлар томонидан қайтарилишига ва тупроқ унумдорлиги сақланишига ижобий таъсир кўрсатиб, кузги буғдой дон ҳосилдорлигини 15-20 фоизга, ғўза ҳосилдорлигини 10-15 фоизга оширади.

Баҳодир ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
ҚҲООТИИЧМ бош директори,
Абдували ИМИНОВ, қ.х.ф.д.,
Фазлиддин НАМОЗОВ, қ.х.ф.д.,
ТошДАУ.

СОҲИБКОРГА ЁЗДА ИШ БИСЁР

Бугунги кунда республикамизда сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, ушбу тажриба ердан унумли фойдаланиб 2-3 марта ҳосил олиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини узлуксиз тарзда оширишга қаратилган.

Бу борада такрорий сабзавот, полиз ва картошка етиштиришни қўйидаги тавсиялар асосида амалга ошириш тавсия этилади.

Республикамизда такрорий муддатда асосан оқбош карам, гулкарам, турп, шолғом, ош лавлаги, редис, бодринг, кўкат, сабзавотлар билан биргаликда помидор, ширин қалампир, тарвуз сингари экинлари ҳам етиштириш имконияти мавжуд.

Такрорий экин экиш учун майдонларни тайёрлашда биринчи тадбир ерни ўтмишдош ўсимлик қолдиқларидан тозалашдан бошланади. Бунда КПС-5 маркали юмшатгич ёки бороналарда, кичик майдонларда эса қўл кучи ёрдамида ўсимлик қолдиқлари майдон ташқарисига чиқариб ташланади, сўнгра тавсиялар асосида – лозим бўлган органик ҳамда минерал ўғитлар майдонга сочилиб, тупроқ намлиги маромида бўлганда ерларни ПД-3-35 маркали плуг ёрдамида 25-28 см чуқурликда ҳайдаб, сўнгра борона билан 10-12 см чуқурликда юмшатилади ва экиш режалаштирилган экин турига қараб суғориш эгاتлари олинади.

Оқбош карам. Ер танлаш. Карам органик моддаларга бой, салқин, сув сиғими яхши ўғитланган қорамтир ўтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам унча яхши ривожланмайди. Шўрланган ва ботқоқланган ерлар карам экишга унчалик ярамайди.



Навлар. Оқбош карамнинг маҳаллий “Тошкент-10”, “Судья Ўзбекистон”, “Термиз-2500” навлари экишга тавсия этилади.

Кўчат тайёрлаш. Экиладиган уруғ 3-5% лик ош тузи эритмасига 1 соат давомида солиб қўйилади. Эритма остига чўккан уруғлар тоза сув билан 2-3 мартаба ювилиб, сўнгра ёйиб қурилади.

Ҳар 1 га очиқ майдонга экиш учун етарли миқдорда карам кўчати тайёрлашга 350-400 г ҳисобида уруғ сарфланади.

Кўчатларни озиклантиришда ҳар 10 л сувга 13-15 г азотли; 18-25 г фосфорли ва 15-20 г калий ўғитлари солиниб эритилиб, ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади.

Карам кўчатлари сўнги озиклантириш очиқ майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиклантирилади. Бунда 10 л сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади.

Тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик, узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.

Экиш муддатлари ва экиш схемаси. Кечки карам навларининг кўчати жанубий вилоятларда 1-15 август; марказий вилоятларда 15 июн-10 июл; шимолий вилоятларда 25 май-5 июнда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Ўртаги-кечки карам кўчати 70×40 см ёки 90×40 см схемада экилади.

Гулкарам. Ер танлаш. Гулкарам органик моддаларга бой, салқин, сув сиғими яхши ўғитланган қорамтир ўтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам унча яхши ривожланмайди. Шўрланган ва ботқоқланган ерлар гулкарам экишга унчалик ярамайди.

Навлар. “Отечественная”, Скайвокер F₁, Фарго F₁, Кашмер F₁, Барселона F₁, Меган F₁, Вайт Иксель F₁, Юкон F₁ нав ва дурагайлари экишга тавсия этилади.

Кўчат тайёрлаш. Такрорий муддатда экиш учун иситилмайдиган ва



очиқ майдонларда етиштирилади. Ҳар 1 га очиқ майдонга экиш учун етарли миқдорда гулкарам кўчати тайёрлашга 300-350 г ҳисобида уруғ сарфланади.

Кўчатхонада майсалар чиққандан сўнг, орадан 15-18 кун ўтгач, яъни майсаларни ер устки қисми 5-7 см гача ўсиб, уларда 1-2 та дан чин барг пайдо бўлгач, уларнинг сифатли ва баққуват бўлиб етилиши учун бошча жойга озика майдонларини (4×5 ёки 5×5 см) кенгайтириб кўчириб экилади. Улар тўлиқ тутиб олиб, орадан 10-12 кун ўтгач, майсалар биринчи марта озиклантирилади.

Озиклантиришда ҳар 10 литр сувга 13-15 г азотли; 18-25 г фосфорли ва 15-20 г калий ўғитлари солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади.

Гулкарам кўчатлари иккинчи марта очиқ майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиклантирилади. Бунда 10 литр сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади.

Тайёр бўлган гулкарам кўчатларининг ёши 60 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.

Экиш муддати ва экиш схемаси. Такрорий муддатда кўчат жанубий вилоятларда 1-5 август; марказий вилоятларда 20-30 июл; шимолий вилоятларда 1-10 июлда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Кечки гулкарам 70×30-40 см схемада экилади.

Гулкарам бошларини тик тушувчи қуёш нурларидан паналаш зарурий тадбир ҳисобланади. Ҳимояланмаган бошлар оқ рангини йўқотади, таъм сифатлари пасаяди ва бевақт сочи-

либ кетади. Паналаш учун гулкарам барглари бош устига тупланиб тугиб куйилади. Барглари табиий равишда бош устига тупланиб усувчи дурагайлар ҳам мавжуд. Бундай дурагайларда сунъий соялаш ўтказилмайди

Сабзи. Ер танлаш. Сабзавот илдизмевалар органик моддаларга бой ўтлоқ тупроқлар, ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Ботқоқ ва шўр ерлар кўпчилик илдизмева ўсимликларига тўғри келмайди.



Навлар. Сабзининг маҳаллий эртапишар “Мшак-95”, ўртапишар “Мирзои сариқ-304”, “Мирзои қизил-228”, “Зийнатли” ва хорижий “Нантская-4”, “Шантане-2461” навлари.

Экиш муддатлари ва экиш схе-мси. Ёзги муддатда жанубий вилоятларида 1-15 август; марказий вилоятларида 10 июндан 10 июлгача; шимолий вилоятларида 10-20 июн-гача СКОН-4,2, СММ-4 маркали сеялкалар билан ёки қўл кучи ёрдамида 1,5-2 см чуқурликка 52×8, 62×8 см схемада сепилади. Уруф сарфи гектарига 5-6 кг.

Парваришlash. Сабзини парваришlash жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи ниҳоллари тупроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда униб чиқади.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтқоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши – экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг бегона ўтлар уруғи ердан унгуна қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фузилад Супер 12,5% ли препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтда пуркалади.

Ош лавлаги. Ер танлаш. Сабзавот

илдизмевалар органик моддаларга бой ўтлоқ тупроқлар, ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Лекин лавлаги кам шўрланган оғир соз тупроқли ерларда бошқа экинларга нисбатан яхшироқ ўсади. Ботқоқ ва шўр ерлар кўпчилик илдизмева ўсимликларига тўғри келмайди.

Навлар. Ош лавлагининг маҳаллий “Диёра”, “Ягона” ва хорижий “Бордо-237” нави, Детройд F₁, дурагайи экиш учун тавсия этилади.

Парваришlash технологияси: лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди, ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20-25°C дир. Лавлаги совуқ (-3°C) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Ош лавлаги уруғлари такрорий экин сифатида жанубий вилоятларида 1-10 август; марказий вилоятларида 5-15 июл; шимолий вилоятларида 1-10 июнда 14-16 кг/га миқдорда 50+20×8 см ёки сочма усулида экилади.



Парваришlash. Уруғ униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда қолдирилади. Бундан сўнгги парвариш экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини культивация қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва зарарли ҳашаротларга қарши курашдан иборат.

Ширин қалампир. Ер танлаш. Ширин қалампир ўсимлиги бўз, ўтлоқ



ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда яхши ўсади. Сизот сувлари юза жойлашган, шунингдек, шўрланган тупроқлар унчалик ярамайди.

Навлар. Ширин қалампирнинг маҳаллий эртапишар “Наргиза”, “Тонг”, Жайхун F₁ ўртапишар “Маржона”, “Заря Востока”, “Дар Ташкента”, кечпишар “Зумрад”, хорижий “Долфин”, “Фламинго”, “Денвер” нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Кўчат тайёрlash. Такрорий экин сифатида ширин қалампир кўчатини тайёрlash учун унинг уруғини экишнинг мақбул муддати май ойининг I-ўн кунлиги ҳисобланади.

Кўчат тайёрlash учун ҳар бир гектар майдонга 600 г ҳисобида уруғ сепилади. Кўчатларни кўчирмай бир жойнинг ўзида етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 4-5 г ҳисобида уруғ сепилади. Тупроқ намлиги 75-80% бўлиши керак.

Тайёр бўлган ширин қалампир кўчатларини узунлиги ўртача 16-18 см. дан ва улардаги барглари сони 5-6 тдан бўлган даврида очиқ майдонларга экилади.

Экиш муддатлари ва экиш схе-мси. Ёзги муддатда жанубий вилоятларида: 1-10 август; марказий вилоятларида: 1-10 июлда экиш тавсия этилади. Кўчатларни 70×30 см ёки 70×40/2 см схемада, ерости сувлари яқин бўлган ерларда 90×25 см схемада экилади.

Бодринг. Ер танлаш. Бодринг экинини экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, нам сифими юқори, сизот сувлари юза жойлашган ерлар танланади. Уларга енгил, юмшоқ тупроқлар ниҳоятда мос келади. Шўрланган ерларда бодринг қониқарли даражада ўса олмайди.



Навлар. Бодрингнинг маҳаллий “Ранний-645”, “Ўзбекистон-740”, “Зиллол”, “Наврўз”, “Ифор”, “Шабнам” навлари ва чет мамлакатларнинг F₁ дурагайларидан “Алиби”, “Аякс”, “Регал”, “Суперина”, “Амур”, “Зена”лар экиш учун тавсия этилади.

Уруғни экишга тайёрlash. Бодринг уруғи экишдан олдин уруғ бир сутка давомида алмаштириб туриладиган

судда ивителиди ва ўзи тўкиладиган ҳолатга қуритилади.

Экиш муддатлари ва экиш схемаси. Кечки бодринг 15-30 июнда экилади. Очиқ майдонда СБУ-2,4А сеялкада 70×30 ва 90×20 см схемада 4-5 см чуқурликда экилади. Уруғ сарфи гектарига 4-5 кг.

Парваришlash. Униб чиқиб ниҳоллар уруғ палла баргчалари даврига киргандан кейин биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади.

Қатор ораларига КРН-4,2, КХУ-4А-05 культиватори билан 15-16 см чуқурликда ишлов бериб, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб туриш, минерал озик ва сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор оралари 15-16 см чуқурликда культивация қилинади.

Қовун ва тарвуз. Ер танлаш. Полиэ экинларига қовун, тарвуз ва қовоқ ўсимликлари қиради. Полиэ экинлари енгил қумоқ тупроқли бўз янги ўзлаштирилган ерларда яхши ўсиб, сифатли юқори ҳосил беради ва фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади. Ўтлоқ ерлар қовун экинига тўғри келмайди.



Қовун навлари: “Кўк тинни”, “Новоткалла”, “Ҳандалак кўкча-14”, “Маҳаллий сариқ ҳандалак”, “Роҳат”, “Тошлоқи-862”, “Гурлан”, “Олтин водий”, “Оқ уруғ”, “Шакарпалак-554”, “Умирвоқи-3748”.

Тарвуз навлари: “Ширин”, “Ўринбой”, “Ҳайит қора”, “Мрамор-2159” ва чет мамлакатларнинг “Кримстар” ва Кримсон Свит F₁ дурагайлари.

Экиш муддатлари ва схемаси. Қовун ва тарвузнинг ўртаги навларининг 30-35 кунлик кўчатларини 10 июлгача экиш лозим.

Полиэчиликда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чоратадбирларнинг яхши наф беришини таъминловчи муҳим шартдир. Тупроқ 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни ҳайдаш олдидан минерал ва органик ўғитлар берилади.

Шудгорланган дала қатор оралари 210-280 см ли кенг эгат олиниб, қовун учун $\frac{210+70}{2} \times 70$ см ва тарвуз учун

$\frac{210+90}{2} \times 70$ см схемада экилади.

Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

Парваришlash. Полиэ экинларини парваришlash ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркундаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Кўчатлар экилгандан сўнг 10-15 кун ўтказилиб, биринчи марта чопиқ қилинади ва озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4-5 марта культивация қилинади.

Картошка. Навлар. Картошканинг кўпроқ экилиб келинаётган навлари қуйидагилар: чет мамлакатларнинг “Розара”, “Фреско”, “Кондор”, “Марфона”, “Романо”, “Куроода”, “Санте”, “Арнова”, “Диамант”, “Пикассо” ва бошқалар ҳамда маҳаллий “Тўйимли”, “Умид-2”, “Пском”, “Сарнав”, “Барака”, “Феруза”.

Экиш муддатлари. Картошкани такрорий экин сифатида жанубий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июл; ўртапишар навлар 5-20 июл; кечпишар навлар 20-30 июн. Марказий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июл; ўртапишар навлар 10-30 июн; кечпишар навлар 10-20 июн. Шимолий вилоятларда: тезпишар навлар 20-30 июн; ўртапишар навлар 15-25 июн; кечпишар навлар 5-10 июнда экилади.

Ер тайёрлаш. Такрорий экин сифатида картошка учун ер тайёрлашда экин қолдиқларидан тозаланиб, органик ва минерал ўғитлар тавсия асосида солиниб, майдонлар кетма-кет 28-



32 см чуқурликда ҳайдалади, ортидан 20-22 см чуқурликда чизелланади. Бороналаш билан бирга молаланиб КРН-2,8А юмшаткич ёрдамида суғориш эгатлари олинади ва суғорилади. Асосий ер сифатида ажратиб қўйилган ёзги картошка майдонлари 20-25 см чуқурликда юмшатилиб, кейин борона билан бирга молаланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш ва парваришlash. Дала қондириб суғорилган майдонларга, ер етилиб, экиш механизми кириш мумкин бўлган даврда картошкани СН-4Б русумли мосламада экиш тавсия этилади. Истеъмол учун етиштирилаётган картошка туганаклари 70×25-30 см ёки 90×20-25 см схемада экилади.

Майдонлар ниҳоллар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта суғорилади. суғориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида суғоришдан 4-6 кун ўтгач, қатор оралари ва эгатларнинг устки қисмига тўрсимон бороналар ёки ротацион борона билан ялписига ишлов бериш катта аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбир ҳисобланади. Улар ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 10-15 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади. Қатор оралари 15-16 см чуқурликда, 10-12 см ҳимоя масофаси қолдирилиб юмшатилади. Кейин эса ўсимлик оралари енгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланиши лозим. Шундан сўнг майдондаги ўсимликлар КРН-2,8А русумли юмшаткич ёрдамида биринчи марта азотли ўғит (50%) билан озиклантириб, кейин қондириб суғориш тавсия этилади. Иккинчи комплекс ишлов бериш (биринчисидан кейин) 25-28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ёппасига ғунчалайдиган даврда амалга оширилади.

Юқорида номлари қайд этилган сабзавот, полиэ ва картошка экинларини мақбул озиклантириш меъёрлари, суғориш тартиботи ва касаллик ва зараркундалардан самарали ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар июл ойи тавсияларида берилади.

Рустам НИЗОМОВ,
қ.х.ф.д.,
Фаҳриддин РАСУЛОВ,
қ.х.ф.ф.д.,
Сабзавот, полиэ экинлари
ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти.

Президентимиз шу йил 21 май куни Андижон вилоятининг Олтинқўл туманидаги “Кўҳна водий баҳори” фермер хўжалигида бўлиб, бузунги кунда ердан унумли фойдаланиш долзарб масала эканлигини, агар шу майдонларга соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиши, янада кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади.

ЃЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА СОЯ ЭКИШ

“Иқлим шароити юртимизга ўхшаш хорижий давлатларда пахтадан 70 центнергача ҳосил олишади. Қандай қилиб? Илм билан, ақл билан, дейдилар. Андижонда ер камлигини ва аҳоли зич жойлашганлигини ҳисобга олиб, ундан икки карра самарали фойдаланиш зарур. Ишсиз, даромади етарли бўлмаган минглаб одамлар бор. Ишимизга ўшаларнинг кўзи билан баҳо беришимиз керак”, – дея таъкидлади Президентимиз.

Ўша куни давлатимиз раҳбари ғўза қатор ораларига соя экиш борасида Андижон тажрибасини яратиш бўйича кўрсатмалар бериб, “Фермер далага режа учун эмас, даромад учун кириши керак. Соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиши, яна кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкин. Ундан олинадиган мой ҳам, омихта ем ҳам жуда сифатли, бозорбоп. Тўғри, бу қийин. Лекин қайси иш осон?”, – дея мутасаддиларга бир қатор вазифалар белгилаб берди.

Ҳақиқатан, илм ва ақл билан иш юритсак, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш ва мўл ҳосил етиштириш имкониятлари кенг. Чунки бизнинг қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган юмушларнинг бари бир қатор қийинчиликлар билан кечади. Бугун Андижон вилояти-



да ғўза қатор ораларига 20 минг гектар майдонга соя экиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада биринчи вазифа – бизга эртапишар – 70-75 кунда пишиб етиладиган соя навлари уруғи керак. Бундай эртапишар навлар ўсув даврига қараб, август ойининг биринчи ва иккинчи декадасида пишиб етилади. Яъни 1 июнда ундириб олинган соя майсалари, август ойининг биринчи ўн кунлигида пишиб етилади.

Тажрибада ғўза қатор ораларига соя экиш учун биринчи навбатда жорий йилда энг кеч чигит экилган ва тупроқда уруғнинг униб чиқиши учун нам етарли бўлган дала майдонлари танлаб олинди ҳамда уч хил усулда соя уруғлари экилди. Бу ишлар Андижон вилоятида биринчи марта олиб борилаётгани учун ўсиб турган ғўза қатор ораларига соя уруғлари уч хил таъриба асосида экилди.

Соя уруғларининг униб чиқиши учун ўз оғирлигига нисбатан 130-150% нам-ликни сингдириб олиши лозим бўлади. Уруғ ташланган дала жуда нам бўлиши ҳам керакмас, чунки тупроқда кислород миқдори камайиб кетиши ҳам майсаларнинг сийрак бўлишига олиб

келади. Соя уруғлари уна бошлаганда уруғнинг нафас олиши тезлашади ва унга кўп миқдорда кислород зарур бўлади. Соя уруғлари баҳорда экилганда униб чиқиши учун 7-8 кун вақт кетади, аммо далада тупроқ ҳарорати ошганда ва нам етарли бўлганда 4-5 кунда униб чиқади.

Вилоятнинг Жалакудук туманидаги “Пахтакор массиви”да жойлашган “Яхши ниятли Фирдавс” ҳамда “Нурли келажак рамзи” фермер хўжаликларида 24 май куни экилган соя уруғлари 28-29 май кунларида тўлиқ униб чиқди. Бу йилги режа вилоятда 20 минг гектар майдонга соя уруғлари экиш ва ундан ҳосил олишдир.

Республикаimizдаги мавжуд суғориладиган 4 миллион гектар экин майдонининг 1 миллион 33 минг гектарига пахта экилади. Мана шу ерларнинг бир қисмига соя экилса, олинадиган ҳосил миқдори икки баравар ошади, аҳолини қўшимча иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади, муҳими, тупроқ унумдорлиги ошади ва қўшимча озиқ-овқат захираси тайёрлаш имкони вужудга келади.

2010 йилда сояни ғўза қатор ораларига экиш борасида Сирдарё вилоятида бир қатор тажрибалар ўтказилган бўлиб, 600 гектардан зиёд майдонда соя пахта билан аралаш ва қўшқаторлаб экилди. Баҳорда фермерларни таажжубга солган ҳолат шунда эдики, соя экилган ерларда қатқалоқ бўлмади, чигит тўлиқ униб чиқди. Унумдорлиги паст тупроқнинг таркиби яхшиланди, эримай қолган азотли ва фосфорли ўғитларни тайёр ҳолга келтирди, соя барги сатҳи пахта баргидан кўра тезроқ шакллангани учун микроиқлим ҳосил қилди, илдилари орқали тўплаган азот тупроқни таркибини яхшилади.

2009 деҳқончилик йилида Сирдарё вилояти Боёвут тумани фермерлари яхши бир ташаббусга қўл урган эдилар. Ушбу туманда пахта ва сояни аралаш экиш борасида “Садриддин ота” фермер хўжалигида 1,20 гектар майдонда кичик таъриба олиб борилган. Таърибанинг мақсади пахта ва буғдой майдонларини қисқартирмаган ҳолда тупроқ унумдорлигини ошириш



эди. Шу майдондан 700 кг соя дони ва 41 центнер пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Тажрибада пахта сеялкаларининг сошникларига бирданига чигит ва соя уруғлари аралаш ҳолда солинди ва бир гектар майдонда 110 минг туп пахта кўчати ва 100 минг туп соя кўчати бўлишига эришилди.

Соя дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик бўлгани учун соф ҳолда экилганда ўзидан кейин тупроқда 75-85 кг соф азотли ўғит қолдириб кетади. Соя ўсимлиги илдизлари ўзи ўсиб ривожланган майдонларида тупроқда эримайдиган ҳолга ўтиб қолган калийли ва фосфорли ўғитларни ўсимлик учун тайёр ҳолга келтиради ва ўзидан кейин экиладиган экин учун соф ҳолда азот қолдириб кетади. Боёвут туманидаги 2009 йилги тажрибалар шу йилнинг ўзидаёқ соя билан пахта аралаш экилган майдонларда пахта ўсимлигининг яхши ривожланганлиги ва ҳосилдорлигининг 7-8 центнерга юқори бўлганлигини исботлади.

Пахтани дуккакли экинлар билан экишни такомиллаштириш борасида 2009 йилда Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Эсонбой ота” фермер хўжалигида ҳам тажриба ўтказилиб, қатор оралари 90 см кенгликда Ҳинд се-

ялкасида пахта билан соя, мош аралаш қилиб экилган. Ушбу майдонларда пахтанинг “Бухоро-102” нави ҳосилдорлиги 42 центнерга, соя ва мошдан эса 15-16 центнергача дон олинган. 1 гектардан 1,2 млн. сўм даромад қилиниб, рентабеллик даражаси 156% бўлган.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, дуккакли экинларга қилинган харажатлар жами харажатнинг 30% ни ташкил қилган ҳолда, олинган даромад 50% ни ташкил қилган. (ICARDA маълумоти).

Ўза билан соя аралаш экилганда, эртапишар навларини танлаш яхши самара беради. Чунки улар июль ойининг учинчи ўн кунлигида ёки кечи билан август ойининг бошида пишиб етилади. Донни пахта йиғим-терими бошлангунча йиғиб олиш асосий вазифадир. Экиладиган навларни тўғри танлаш энг муҳим вазифадир. Соянинг ўзимизда яратилган “Генетик”, “Сочилмас”, Россиядан келтирилган “Аманта”, “Спарта”, Сербиянинг “Фортуна”, “Фаворит”, “Катя” навлари ўсув даври қисқа бўлганлигидан ўза қатор ораларига экишга қулай, бошқа навларни экиш натижа бермайди. Чунки бизнинг эртапишар деб номланган навларимизнинг ҳам кўпчилиги индетерминант, яъни ўзидан ён шоҳлар чиқаради, биз-

га эса қўшиб экиш учун детерминант навлар, яъни шоҳламайдиган навлар керак. “Генетик” ва “Сочилмас” навлари ана шундай детерменант навлар гуруҳига киради.

Пахта билан соя аралаш экилганда соя учун суғоришдан бошқа қўшимча агротехник тадбирлар ўтказилмайди. Бериладиган минерал ўғитлар, қатор ораларни ишлаш каби қўшимча харажатлар кўзда тутилмайди. Дастлабки мавсумда соянинг ҳосилдорлиги гектарига 10-12 центнерни ташкил қилгани ҳолда келгуси йили шу экин майдонидан қўшимча яна 6-8 центнер пахта ҳосили олиш учун замин ҳозирланади.

Хулоса сифатида шуни айтишимизки, албатта, бу ишларни ўрганиш борасида ҳали кўп тажрибалар олиб борилди, бу ишлар янада мукамаллашади, аммо соя билан ўза қўшиб экилиши натижасида, биринчидан тупроқ унумдорлиги ошади, иккинчидан, фермернинг оладиган даромади кўпаяди, ҳам пахта ҳосили, ҳам соя дони йиғиб олинади, учинчидан, кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 8-10 центнерга ошади.

Дилором ЁРМАТОВА,
ЎзДЖТУ профессори,
Ботир МИРЗАҚУЛОВ,
Сайхунobod тумани ҳоқими.

ТАДБИР



АНДИЖОНДА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ЎРГАНИЛДИ

Яқинда Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида амалга оширилаётган ишлар бўйича амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Андижонда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги лойиҳалар юзасидан ташкил этилиб, тадбирда тизим ташкилотлари раҳбарлари, вилоятлардаги туманлар ҳокимликлар вакиллари, соҳа

олимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Асосий эътибор сўнгги йилларда ҳудуднинг соҳада олиб борилган истиқболли л о й и ҳ а л а р и н и ўрганиш, жорий йилнинг 21-22 май кунлари Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга қаратилди.

Дастлаб иштирокчилар Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти фаолияти билан танишишди.

Институт ташкил этилганидан буён селекционер олимлари томонидан кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг 67 та нави яратилиб, Давлат комиссиясига топширилган. Синов натижаларига кўра 27 та юмшоқ ҳамда 6 та қаттиқ буғдой навлари республика ҳудудидан экишга тавсия этилган.

Бундан ташқари, дуккакли экинлар селекцияси бўйича соянинг 5 та нави, кузги хўраки нўхатнинг 4 та, кузги кўк нўхатнинг 1 та, кузги бурчоқнинг 1 та, мошнинг 2 та навлари суғориладиган тупроқлар учун яратилиб, республика ҳудудидан экишга тавсия этилган.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари Олтинкўл туманидаги асосий йўналиши чорвачилик-эчкичиликка ихтисослашган “Бахт имкон ривож” фермер хўжалиги ва Қўрғонтепа туманидаги “KHANTEK GROUP” пахта-тўқимачилик кластерида бўлишди. Ушбу кластерга 8 минг 136 гектар ер майдони ажратилган. Шундан 3 минг 150 гектарнинг ўзида ва 4 минг 986 гектар ерда 200 та фермер хўжаликлари билан шартнома асосида ишлар ташкил этилган.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоблар олишди. Тадбир давомида вилоятдаги шу каби кўплаб қишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

*Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги матбуот хизмати*

17- июнь куни ҳар йили - Бутанжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш Конвенцияси 1994 йилда БМТнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш Конференциясида қабул қилинган бўлиб, бу 3 та Конвенциянинг биридир (Булар Чўлланишга қарши кураш Конвенцияси, Иқлим ўзгариши Конвенцияси ва Биологик хилма-хилликни асраш Конвенцияларидир). Бугунги кунда мазкур Конвенцияга 195 та давлат аъзо. Аъзо давлатларнинг асосий мақсади Конвенция низомини амалга ошириш ва ҳамкорликда муқобил ривожланишга эришишдир. Конвенция қурғоқчилик таъсирида бўлган қурғоқчил ҳудудларда ерларни деградацияга учрашига, қурғоқчилик таъсирини юмшатишга ва ерлардан самарали фойдаланишни бошқаришга кўмаклашади. Яқиний вазифа еримизни ортиқча босим таъсирида фойдаланишга яроқсиз холга келишдан ва қурғоқчиликдан асраш ва келажак авлодга озиқ овқат, сув ҳамда энергия манбаларини етказиб беришни давом эттиришни таъминлашдир.

ЎРМОНЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Чўлланиш деганда – ҳайдов ерлари, яйловлар, ўрмонларни турли хил факторлар таъсирида биологик ва иқтисодий маҳсулдорлигини пасайиши ва йўқотилишига айтилади.

Қурғоқчилик – бу табиий жараён бўлиб йиллик ёгингарчилик миқдори ўртача белгиланган меъёрдан кам тушганда кузатилиб, бу гидрологик режимни бузилишига ва ерларни маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Осиё регионидан биринчилардан бўлиб Конвенцияга аъзо бўлган давлатлардан ҳисобланади ва ушбу Конвенция 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Парламенти томонидан ратификация қилинди. 1996 йилдан кучга кирди. Бизнинг республикамызда чўлланишнинг асосий манбаларидан бири Орол денгизининг қуриши ва унинг атроф муҳитга салбий таъсирининг юзага келиши, шунингдек шамол эрозияси ҳамда тупроқларнинг шўрланиши натижасида ерларни таназзулга учраши ҳолатларидир. Шамол эрозияси вақтида – ҳар гектар майдондан 1 мавсумда 80 тоннагача ер юзасидан энг маҳсулдор қатлам шамол таъсирида учиб кетади. Республикамызда қарийиб 50 % қишлоқ хўжалиги ерлари турли даражада шамол эрозиясидан зарар кўради.

Республикамызда чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига – Конвенция талабларини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи вазифасини бажариш юклатилди ва қўмимага бир қатор қўшимча функциялар юклатилди.

Ушбу вазифани бажариш бўйича республикамызда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йил давомида ўрмон барпо этиш хажмлари кескин кўпайтирилди. Жумладан, ўрмон хўжаликлари томонидан 2020 йил баҳорги мавсумда ўрмон фонди ерларида жами 720 минг гектардан ортиқ майдонда чўлланиш ва эрозияга қарши ўрмон барпо этиш ва кўпайтириш тадбирлари амалга оширилди. Шундан Орол денгизининг қуриган ҳудудида 703,4 минг гектарда “Яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди. Ушбу



Орол денгизининг қуриган ҳудудида ўрмон барпо этиш бўйича олиб борилаётган иш жараёнлари.

ишларни бажариш учун ишчилар ва аҳоли томонидан жами 2769,8 тонна чўл ўсимликларининг уруғлари ҳамда 100 млн туп саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари ниҳоллари етиштирилди. Мавсум давомида мазкур ишларни бажаришга жами 850 та техника ва механизмлар, 4 дона самолёт, 2 дона делтаплан ҳамда 2500 нафардан ортиқ ишчи хизматчилар жалб этилди. 2019 йилги мавсумда ушбу ишлар жами 501 минг гектар майдонда амалга оширилган эди.

Булардан ташқари Қизилқум чўлларида ўрмон хўжаликлари томонидан 16 минг гектардан ортиқ майдонда саксовулни кўчатидан ва уруғидан экиб ўрмонзорлар барпо этилган бўлса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги қурғоқчил адир ерларда 7 минг гектарга яқин майдонда ёнғоқмевали дарахт турларидан ўрмонзорлар ташкил этилди. Ўрмон барпо этиш ишлари кузги мавсумда яна давом эттирилади.

Бугунги кунда тоғолди ҳудудларидаги деградацияга учраб бораётган адир ерларда пистазорлар барпо этиш хажмлари ҳам йилдан-йилга кўпайтириб борилмоқда.



Фойдаланилмасдан ётган ерлар

Агар 2016 йилда 1000 гектарда барпо этилган бўлса 2019 йилда ўрмон 8 минг гектарда барпо этилди ва йилдан йилга кўпайтириб борилмоқда, натижада 6-7 йилда мол боқилиб фойдаланилмасдан ётган ерлар (6-расм) ҳосилдор пистазор плантацияларга айланади.

Шунингдек Қишлоқ хўжалигига қарашли суғориладиган ерларда шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ўрмон хўжаликлари томонидан шартнома асосида 2018 йилда 500 гектар, 2019 йилда 1695 гектар майдонда ва 2020 йилнинг баҳорги мавсумида 1400 гектардан ортиқ майдонда янги ихота дарахтзорлари барпо этилди ва бу борадаги ишлар кузги мавсумда яна давом эттирилади.

Бизнинг ўлкамиз кам ўрмонли минтақалардан ҳисобланади, ўрмон билан қопланганлик даражаси атиги 7,2 фоизни ташкил этади. Шунинг учун ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш нақадар муҳим эканлиги яққол номоён бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг 15.3бандида “Чўлланишга қарши кураш, деградацияга учраган ер ресурслари ва тупроқни, шу жумладан, чўлланишдан, қурғоқчиликдан ва сув тошқинларидан зарар кўраётган ерларни қайта тиклаш ҳамда 2030 йилгача деградацияга учраган ерларни тўлиқ нейтралзация қилиш мақсадли вазифаси кўйилган.

БМТ ўзининг 2014 йилда иқлим ўзгариши бўйича Германиянинг Бонн шаҳрида ўтказган Саммитида 2030 йилгача ер юзи бўйича 350 млн гектарда чўлланишга ва деградация учраган ер майдонларида ўрмонларни қайта тиклаш ва кенгайтириш тадбирларини ўтказишни режалаштирди. Мазкур масала бўйича 2018 йил 21-22 июнда Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари ўрмон хўжаликлари вазирларининг учрашуви ўтказилди. Учрашувда Кавказ ва Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари 2030 йилгача бўлган даврда жами 2,5 млн. гектар майдонда ўрмон ландшафтларини қайта тиклаш мажбуриятларини олдилар. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам 2030 йилгача 500 минг гектарда ўрмон ландшафтларини



Барпо этилган пистазорлар

тиклаш тадбирларини амалга ошириш, агар ҳалқаро ташкилотлар томонидан молиявий кўмак кўрсатилса, яна қўшимча 500 минг гектарда ўрмон ландшафтларини тиклаш тадбирларини амалга оширишлари мумкинлиги тўғрисида мажбуриятларни олди. 2019 йил ва 2020 йил баҳор мавсумларида республика ўрмон хўжаликлари томонидан 1 млн.200 минг гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, Бонн чақируви бўйича белгиланган мажбуриятлар муддатидан 10 йил олдин бажаришга эришилди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 2030 йилгача республика бўйича ўрмон билан қопланганлик даражасини икки баробарга ошириб, 15 фоизга етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Республикада ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш кўрсаткичлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 23 августда қабул қилинган ПҚ-4424-сонли қарорига асосан олиб борилади. Мазкур қарор билан Ўзбекистонда 2020-2024 йилларда ўрмон хўжалигини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастурга кўра 2,78 млн. гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо этиш, шу жумладан ёнғоқмевали дарахтзорлар плантацияларини 2020 йилда 9,5 минг гектардан 2024 йилда 10,6 минг гектарга етказиш, кўчат етиштириш миқдорини 2020 йилда 80 млн донадан 2024 йилда 112 млн донага етказиш, 2020-2024 йилларда мелиорация объектлари атрофида ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилни кўпайтиришга йўналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун жами 12020 гектарда ихота дарахтзорлари барпо этиш прогноз кўрсаткичлари тасдиқланган ва шу асосда чўлланиш ва эрозияга қарши ўрмонларни қайта тиклаш ва барпо этиш тадбирлари амалга оширилиб борилади.

Ҳожимурот ТАЛИПОВ, б.ф.н.,
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг
Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши
курашиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

МЕЛИОРАЦИЯ – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Негаки, тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, демакки, фермер ва деҳқонларнинг даромади кўп жиҳатдан айнан мелиорация ишларининг ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сизот сувлари сатҳини пасайтириш, ерларнинг шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда.

Қашқадарё вилоятининг аксар туманларида ҳам турли даражада шўрланган ерлар бўлиб, бу ҳол тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради. Шу боисдан ҳам, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш ўзига хос агротехникани талаб этади. Шу мақсадда вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

– Вилоятимизда 2020 йилда мелиорация соҳасида 25 та лойиҳа асосида 765,23 км. масофада коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шундан 8 та лойиҳа асосида 89,33 км. масофада, 209 та гидротехник иншоотларда қуриш ва реконструкция ишларини бажариш режалаштирилган бўлса, 17 та лойиҳа асосида мелиоратив объектларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича қуввати 675,9 километрлик, лойиҳа таркибидagi 287 дона гидротехник иншоотларда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш режалаштирилган.

Мазкур мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилиши натижасида, туманлардаги жами 24 минг 44 гектар экин ерларида ерости сизот сувлари сатҳи пасайишига ҳамда мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилиши кутилмоқда. Пировард натижада эса, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлик пахтадан 2-3 центнерга, ғалладан 3-5 центнерга ошиши кутилмоқда, – дейди “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи Баҳром Бўриев.

Вилоятдаги мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари замонавий хориж техникалари билан таъминланган пудратчи корхоналар томонидан амалга оширилмоқда.

Шулардан бири “Нишон махсус-сувқурилиш” масъулияти чекланган жамияти бўлиб, корхона томонидан жорий йилда Нишон туманидаги “Оқ олтин”, “Қашқадарё суви” ва “Баҳор” СИУлари ҳудудидаги коллекторларни тизимли таъмирлаш-тиклаш объектининг 47,4 км. коллекторларини

тизимли таъмирлаш-тиклаш ва 10,1 км узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини ювиш ҳамда 15 дона гидротехник иншоотларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Пировард натижада эса, 1 минг 705 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда. Шунингдек, Нишон туманидаги яна бир объект “ЮВ-5” коллектори тизимидаги 56 км. коллекторларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ҳамда 33 дона гидротехник иншоотларда таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Шу аснода олиб борилаётган бу ишлар натижаси ўлароқ, 1 минг 231 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

Таъкидлаш керакки, тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш ва ерости сув сатҳини пасайтиришда кенг имконият яратмоқда. Бу каби лойиҳаларни амалга оширишда корхонадаги 5 та экскаватор, 4 та бульдозер, техник ёрдам кўрсатиш автомашиналари ва шу каби қатор замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш имконини бермоқда.

– Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган алоҳида эътибор ва чора-тадбирлар натижасида корхонамиз моддий-техник базасини юксалтиришимиз, янги иш ўринлари яратишимизга имкон яратилмоқда, – дейди “Нишонмахсуссувқурилиш” МЧЖ раҳбари Убайдулла Равшанов.

Дарҳақиқат, вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ишлари доимо соҳа ходимлари диққат-эътиборида. Ҳозирда ҳаётга татбиқ қилинаётган дастурлар, тизимли ишлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифаси – суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашнинг бош омилидир.

Ўз мухбиримиз

Суратда: (чапдан) “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи ўринбосари Абдурасул Маҳматмуродов, “Нишонмахсуссувқурилиш” МЧЖ раҳбари Убайдулла Равшанов, мутахассис Зоир Пўлатовлар.



РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиб...

Бугунги кунда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўламини оширишда ва шу аснода озиқ-овқат захирасини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.



Суратда: туман ирригация бўлими бош гидротехниги Алишер Ибрагимов “Асадбекжон оқолтин даласи” фермер хўжалиги даласида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Каттақўрғон туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада тумандаги йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетган 250,0 гектар қишлоқ хўжалик ерларини фойдаланишга киритиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. “Миёнқол-тос” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Ақтам Усмоновнинг маълум қилишича, туман ҳудудидаги “Омонкалхат” ҳамда “Қоплонқир” каналларининг

кўп йиллардан буён эксплуатация қилиниши натижасида лоток тармоқлари эскириб, шикастлангани учун сув кўтариш қобилияти йўқолган ҳамда ушбу каналларга боғланган 153,0 гектар майдон фойдаланишдан чиқиб кетган. Ҳозирда ушбу майдонларни фойдаланишга киритиш учун “Омонкалхат” каналининг 0,2 км қисми, “Қоплонқир” каналининг эса 1,0 км қисмида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, тумандаги Г.Транс, Б.Турон ҳамда Мойбулоқ ММТП лари ҳудудида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун 5 дона суғориш қудуқлари ўрнатиш ишлари жадал суратларда олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, туманда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни иқтисод қилинишида самарали усуллардан бўлган томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан тумандаги кластер ва фермер хўжаликларининг жами 886 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияларини ўрнатиш бўйича ишлари олиб борилмоқда, – дейди туман ирригация

бўлими мутахассиси Алишер Ибрагимов.

Албатта, бугун тумандаги барча деҳқон ва фермерлар томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб етган ва шу боис бу усул тобора оммалашмоқда. Пировардида, табиий ва моддий ресурслар тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб бораётир.

Шунингдек, тумандаги яна бир эътирофли ишлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилон фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 916 гектар лалми ер майдонларни ўзлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад пандемия карантини даврида ишсиз аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратишдан иборат.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) “Миёнқол-тос” ирригация тизими бошқармаси мутахассиси Мавлуда Аминова, тизим бошқармаси бошлиғи Ақтам Усмонов, туман мелиорация участкаси мутахассиси Райимберди Шобековлар.





РАҚАМЛАРДА ТОМЧИЛАР АКЦИ

– Тумандаги “Мароқанд Сифат” МЧЖ томонидан ўтган 2019 йилда 1000 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган эди ва бу ўз самарасини бериб, ҳосилдорлик ошишида муҳим ўрин тутди. Шу аснода “Мароқанд Сифат” МЧЖ томонидан 2020 йилда ҳам 2000 гектар экин майдонида тежамкор технология жорий этилмоқда. Бундан ташқари, тумандаги “Шукуров Азамат” фермер хўжалиги 50 гектар пахта майдонида, “Эшим бобо” фермер хўжалиги 32 гектарга, “Пахтакор” фермер хўжалиги 72 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилмоқда ва айни кунларда барча фермер хўжаликларидида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда, – дейди Нарпай ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Аббос Зиядуллаев.

Шунингдек, туманда мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш ва бу орқали унумдорлиги паст ҳудудларда ҳосилдорликнинг ошишига эришиш мақсад қилинган.

– Жорий йилда туманимиздаги “Нарпай Обихаёт” сув истеъмолчилари уюшмалари ва Пахтачи туманидаги “Сувли” сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларида 8,1 км масофада коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ишлари, Пахтачи



Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда илғор тажрибалар ва янги суғориш технологияларини қўллаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, соҳага янги технологияларнинг жорий этилиши, хусусан, экинларни суғоришда томчилатиб суғориш тизимининг йўлга қўйилаётгани сувни тежаш баробарида ҳосилдорликни оширмоқда. Бу омил сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда жуда қўл келмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида ҳам янги турдаги замонавий сувтежовчи технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

туманидаги “Наврўз Пўлатчи” коллекторини ва “Р.Махманов” ММТПлар ҳудудидаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ишларини олиб бормоқдамиз. Шунингдек, тумандаги ирригация объектларидан “Зирабулоқ” насос станцияси машина каналининг 3,5 км қисмини, “Ҳамза” каналининг 1,6 км. лик қисми ва “Бўстон” каналининг 600 метрлик қисмини реконструкция қилиш ишларини олиб бормоқдамиз, – дейди “Нарпайдавсусузмахсуспудрат” Давлат унитар корхонаси муҳандиси Акмал Элибоев.

Бугун ҳудудда амалга оширилаётган мазкур тадбирлар орқали тумандаги 4 минг 412 гектар экин майдонида ҳосилдорликни ошириш мақсад қилинган. Албатта, соҳада бу каби амалга оширилаётган ишлар пировардида тупроқ унумдорлиги ошиб, сув таъминоти ва тежамкорлиги борасида ҳам янги кўрсаткичларга эришилади ва натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштириш кўламининг ошишига хизмат қилади.

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: чалдан, туман сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Хикматилла Аҳмедов, Нарпай ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Аббос Зиядуллаев, бошлиқ ўринбосари Шавкат Эшқобилов.



ОМИЛКОР СУВЧИЛАР

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси раҳбарияти томонидан ишчи-ҳодимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларни қўшимча рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиб, янги иш ўринлари ярати-

лиши баробарида қўшимча даромад олинишига эришиляпти.

Бошқарманинг “Янгибоғ” насос станциясида 6 та насос агрегати мавжуд бўлиб, станция Қарши шаҳри ва Қарши туманидаги жами 1250 ер майдонида сув етказиб беради. Насос станциясининг сув чиқариш қуввати секундига 2500 метр кубни ташкил этади. Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқа майдонларига белгиланган жадвал асосида узлуксиз об-ҳаёт етказиб берилмоқда.

Насос станциясининг ёрдамчи хўжалигида турли мева ва манзарали дарахт кўчатларини етиштириш, иссиқхона ва паррандачилик тармоқлари йўлга қўйилган. Мўъжазгина боғда етиштирилаётган қарағай ва бошқа турдаги манзарали дарахт кўчатлари бошқарма тасарруфидаги насос станцияларига етказиб берилмоқда. 2,5 сотихли иссиқхонада эса бодринг ва лимон етиштириляпти. Шунингдек, очиқ майдонларга картошка, пиёз ва турли кўчатлар ҳам экилган. Паррандачилик корхонасида 3 мингга яқин бройлер товуқлари парваришланмоқда.

– Миробларимиз нафақат ўз соҳаларининг сир-асрорлари, балки миришкорлик, чорвачилик ҳадисини ҳам олишган, – дейди “Янгибоғ” насос станцияси бошлиғи Садриддин Хуррамов. – Ёрдамчи хўжаликларимизда 10 нафардан кўпроқ ёшлар иш билан таъминланган. Келгусида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни режалаштиряпмиз.

Аму-Қашқадарё ИТХБ матбуот хизмати.

РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИЕ ТЕХНОЛОГИИ

Реализация утвержденной Указом Президента страны, стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы требует эффективного использования достижения науки и повышение уровня культуры земледелия.

Без преувеличения можно отметить, что благополучие значительного количества государств в современном мире, все ещё в значительной степени зависит от развития современных методов биотехнологии и разумного (умного) использования земли.

Новые подходы сельхозпроизводителей позволяют теперь опираться не на достигнутый уровень, а на производительную способность новых подходов. К.А.Тимирязев писал, что «... умение выбрать надёжный приём для своего случая всегда остаётся делом личной находчивости, личного искусства».

Для этого необходимо постоянно увязывать внедренческую работу учёных с нуждами производства, работать в тесном контакте. Если специалисты сельского хозяйства не убеждены в ценности предлагаемых мероприятий, научным учреждениям трудно внедрять их в производство. В таком случае, нужно раньше внедрить их в хозяйствах научно-исследовательских институтов и на этой базе обучать специалистов производства.

Развитие науки и применение опыта развитых стран способствует повышению культуры производства. Так, по мнению экспертов, в результате внедрения «умных» технологий, согласно концепции «умное сельское хозяйство» в ряде стран (США, Норвегия, Япония, Россия) нашло воплощение при использовании летательных аппаратов, применении датчиков и сенсоров в животноводстве, рыбном промысле, а также в сфере выращивания зерна и др.

Как известно, Норвегия является одной из главных поставщиков лососёвых на мировом рынке. Серьёзный урон рыболовству этой страны наносит рачок, известный как лососевая вошь (паразит размножается на коже лосося).

Технология применяется на предприятиях одной из крупнейших норвежских компаний, которая занимается выращиванием лосося и форели. Для того чтобы выявить заражённых паразитом лососей, каждая особь сканируется с помощью датчиков.

Система различает рыб на основе уникальных пятен вокруг глаз, рта и жабр, каждая из попавших в объектив особей получает собственную виртуальную медицинскую карточку. Благодаря этому специалисты постоянно следят за состоянием здоровья и увеличением веса каждой особи, могут вовремя заметить, если рыба больна, отправить её в карантин. По оценкам специалистов, выявления заболевания на ранней стадии позволит сократить их смертность на 50-75%.

Япония чтобы как-то компенсировать недостаток посевных земель, делает ставку на разработку автоматки и датчиков, используя их в сельскохозяйственном производстве, в том числе и в животноводстве. Разработанная в этой стране система под названием «шагающая корова» по-японски коннек-тед ков («подключенные коровы»), позволяющие при помощи специального «браслета», надетого на животное, «считать шаги», сделанные в течение дня. Данные о физическом состоянии коров анализируются и передаются на смартфон или компьютер фермера.

Информация обновляется каждый час, благодаря этому специалисты могут корректировать кормление, доение

и сон животных. Главная задача «умного браслета» — вычислить благоприятный период для зачатия. В результате, по данным разработчиков системы, успешность искусственного оплодотворения в Японии с 44% выросла до 90%. Эта система позволяет следить за процессом дистанционно. Данную систему в Японии начали внедрять с 2013 года. К системе подключено 40 тысяч коров. По данным Форбс к 2017 году её используют в 64 фермерских хозяйствах Японии, Кореи, Польши, Румынии и Турции.

Обращают на себя внимание, такие аспекты сельскохозяйственной деятельности, как мониторинг автотранспорта и сельхозтехники, хранение и переработка, точное земледелие, управление животноводством. Идёт подготовка проекта: по научно-технологическому развитию цифрового сельского хозяйства. В которой предусматривается система наполнения информацией о местоположении, состоянии и фактическом использовании каждого земельного участка по регионам и состояниям сельскохозяйственной растительности в реальном времени.

В Израиле, благодаря внедрению современных технологий, несмотря на недостаток природных ресурсов, особенно воды, добились больших успехов в сельском хозяйстве.

Важным аспектом капельного орошения является то, что оно создаёт совершенно новую, благоприятную для корней среду, содержащую необходимое количество влаги и питательных веществ. Капельное орошение идеально подходит для такого грунта, как песчаные почвы Израиля, поскольку способно подавать воду малыми порциями, но часто и длительно. Кроме того, трубы, проходящие по поверхности почвы, используются для конденсации влаги из воздуха и орошения растений. «Умные трубы» уже используются в теплицах и в долине реки Иордан.

В Узбекистане, селекционеры, используя источники мирового генофонда, применяя классические методы и современные приёмы селекции, внесли большой вклад в дело конструирования растений, с заданными свойствами, генетических программ. Сорты интенсивного типа раздвинули границы потенциальной продуктивности многих возделываемых культур. Отличительной особенностью «умных сортов» узбекской селекции является их скороспелость, белизна, длина и выход волокна, устойчивость к заболеваниям и вредителям.

Президент Международной хлопковой ассоциации Антонио Эстив в своём выступлении в период Международной хлопковой ярмарки, в Ташкенте, где участвовали представители более 40 государств, отметил – «Узбекский хлопок отвечает лучшим Международным стандартам, что удовлетворяет самому широкому спросу потребителей». Характерной особенностью таких сортов интенсивного типа также является сочетание хозяйственной продуктивности при ограниченном развитии вегетативной массы растений. За последние годы выведены и районированы такие «умные» устойчивые к водному дефициту и засолению сорта хлопчатника как Султан, С-8286, С-8290, Порлок-4, Наманган-34, Бухара-10, С-65-65, Сурхан-103.

Одним из важнейших факторов недостаточной урожайности хлопка-сырца, в отдельных регионах, является нарушение соотношения вносимых под хлопчатник удобрений, недостаток фосфора и калия.

Ренат НАЗАРОВ,
д.с.х.н., профессор,
Заслуженный работник сельского хозяйства
Республики Узбекистан.

АГРОКЛАСТЕР — ЯНГИ ИМКОНИЯТ



Бугун республикамизнинг турли вилоят ва туманларида агрокластерлар ташкил қилиниб, янги ғоялар асосида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги №914-сонли “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб-чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорига асосан Хоразм вилоятининг Гурлан туманида ҳам “GURLAN BARAKA TEKS” пахта тўқимачилик агрокластери фаолиятини йўлга қўйиш учун қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Туманда 11259 гектар экин майдонларига пахтанинг “Султон”, “С-8294” навли уруғлик чигитлари экилиши режа қилиниб, экиш ишлари тизимли олиб борилди. Бугун пахталари бир текис унган далалар кўм-кўк тусга кирмоқда. Бу ер майдонларидан жами 34900 тонна миқдорида Гурлан пахта хомашёсини йиғиб териб олиш режалаштирилган. Хўжаликлар фаолиятида зарур бўладиган 8 дона “Лазер” ер текислагичлари, бир неча плуглар ва 4 дона “Белорус 80-Х” маркали тракторлар билан таъминланиб, агротехник хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Туман хокимлиги тавсияси асосида шаклланди 13 та ҳудудга раҳбарлар белгиланди. Юқори малакали агрономларнинг фаолияти йўлга қўйилиб, мутахассис ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. 23 та “ДАМАС” автоуловлари ва телефон

аппаратлари билан таъминланган ҳудуд раҳбарлари, агроном-мутахассислар қийинчиликсиз иш олиб боришлари учун зарурий имкониятларга эга бўлдилар.

“GURLAN BARAKA TEKS” МЧЖ Бош директори Темур Исмоилов қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши танилган бўлиб, етук раҳбарлик салоҳиятига эга. Унинг таъкидлашича, Гурлан туман хокимлигининг 2019 йил 28 декабрь №7309-сонли қарорига асосан МЧЖга 1000 бош қорамол боқишга мўлжалланган “Чорвачилик комплекси” ташкил этиш ҳамда пахтачилик фаолиятини амалга ошириш учун 56,9 гектар экин майдонлари ажратиб берилди. Чорва озукаси учун ажратилган ерларда экиш ишлари ниҳояланиш арафасида. Қорамоллар боқишга мўлжалланган чорва комплекси биноси ва иншоотлари қурилиши “Хоразм архитектура лойиҳа қурилиш” корхонаси билан келишилган ҳолда олиб борилмоқда.

Тумандаги мавжуд 218 та пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари билан фьючерс шартномалари тузилди. Хўжаликларнинг талаблари ва муаммолари тўла ўрганиб чиқилиб, амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу мақсадда 10 та культиватор, 2 та сеялка, 1 та ОХА ва 1 та “Лазер” ер текислаш машина механизмларига бўлган эҳтиёж аниқланиб, таъминлаш чораси кўрилди. Экин майдонлари қўшимча минерал ўғитлар билан озиклантирилиши учун марказлаштирилган тартибда зарур миқдордаги захира базаси яратилди.

Туркиянинг “Lima Tarim Makinalari Tikaret Sanayi ve Tikaret Limited Sirketi” фирмаси билан шартнома имзоланиб, ҳар бири

4920 АҚШ доллари қийматидаги 32 дона культиватор техникаси хариди учун 157440 АҚШ доллари конвертация қилиниб, тўловлар амалга оширилди. Туркиянинг “CANSA Tarim Makinalari Imalat Paz.ve Tie.San.Ltd. Stu” фирмаси билан тузилган шартномага кўра яна 30 дан зиёд турли сеялка, культиватор техникалари жамланмасини яратишга жами 110520 АҚШ долларининг 45 000 АҚШ доллари миқдорида конвертация тўловлари амалга оширилган.

Иш қуроли шай бўлса, деҳқон маҳтал турмайди. Бу амалга оширилган ишлар эса хизмат меъёрида узилишлар бўлмаслиги учун ниҳоятда зарур имкониятлардир.

Манзилли дастурлар ва лойиҳалар амалга ошар экан, туман иқтисодиёти яна ривожланмоғи аниқ. Жумладан, ип-йигирув корхонаси, уруғчилик хоналари, ёғ-мой корхоналари, мато ишлаб чиқариш ва уни бўйаш корхона-



си, чорвачилик комплекси, тикувчилик цехлари, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, сотув дўконларини қуриб ишга тушириш – бари халқимизнинг янада фаровонлигини таъминлаш йўлидаги эзгу қадамлардир.

Демак, юқоридаги ишлар амалга ошса, 3 000 нафар иш ўрни яратилади. Кластернинг имкониятлари доирасида жамият 200 млрд. сўмлик умумий даромадга эга бўлиб, 10 млрд. соф фойдага эга бўлиши мумкин...

Йил йилдан яхшиланиши, имкониятлар кенгайиши замирида анчагина тежамкорлик, билим ва тажриба керак бўлади. Бу жамият раҳбари Тимур Исмоилов, бош ҳисобчи Азамат Болтаевларнинг ҳамда улкан меҳнат аҳлининг ўз ишига масъулияти, касбга бўлган самимият ва ҳамжиҳатликлари билан амалга ошиши табиий.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: янги лойиҳалар асосидаги қурилиш ишларидан лавҳалар.



ПИЛЛАКОР ОПА ҲУЗУРИДА



Ўзбек аёли доимо тиним билмайди. У фарзанд тарбиялайди, бундан ортишса оила эҳтиёжи учун елиб югуради. Аслида, юртимизнинг ҳар бир инсони, зиёлию деҳқони, каттаю кичиги меҳнат билан яшаб, қутлуғ тонгларни қаршилайди. Қадрини билган инсон меҳнат машаққатидан қочмайди. Миллий ҳунармандчиликнинг асоси бўлган пиллачиликнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Қисқа даврни ўз ичига оладиган майдачагина ипак қуртларини боқишдан тортиб, пилла ўрамларидан бир-бир саралаб, териб олиб давлатга топширишгача бўлган масъулият пиллакор учун улкан синов давридир. Бир хилдаги муайян иссиқлик, етарли озуқа билан таъминлаш, кеча-кундуз бирдай зарурий назоратда сақлаш, етилгач эса, керакли пилла ўровчи дасталарни бир текис ёйиш... Бу ишлар матонат ва куч талаб этади.

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги “Саҳтиён” қишлоғида истиқомат қилаётган Тозагул Жуматова мана 32 йилдирки, ўз хонадонидан ипак қурти боқиб келмоқда.

– Болалигимдан шу иш билан шуғулланиб келаман, менга қийинчилиги йўқ, қайтанга, роҳатланаман, – дейди у. – Ахир, оиламизга бу қўшимча даромад. Қисқа фурсатда катта имконият. Анча йиллар ойлик беришмаса ҳам, бугунгидай имкониятлар бўлмаса ҳам, пилла қурти боқиб келдик. Бугун бунинг даромади ўз оиламиз учун бўлса-да, мана раҳбар ва мутасаддиларимиз келиб ишимизни ўрганиб, камчиликларимизни айтиб, яна керакли ёрдамни ҳам беришади. Ота-бобо, момоларимиздан ўтган касб бу. Инсон зоти меҳнатиорқали тўкинликда яшайди.

Ҳа, Тозагул опа айтганидай меҳнат қилганнинг ризқи сероб, элда обрў-эътибори бор. 11 нафар оила аъзолари мавсум давомида режали иш олиб борадилар. Улар ҳамжиҳатлик билан ўтган йили ҳам 5 қути ипак қурти боқиб, давлатга 420 кг пилла хомашёсини топширишди. Бу йил ҳам 5 қути ипак қурти боқишмоқда.

Дарвоқе, “Ҳаракатда баракат”, деб бекор айтишмаган. Уй олдидан ун чиқарувчи мослама эътиборимизни тортди.

– Бу кунига 15 қоп ун чиқаришга мўлжалланган. Бу ҳам оиламизга қўшимча даромад. Ўғлимиз Муроджон шу кичкина хорозни ишлатади, – дейди оила бошлиғи Ўрозбой Шомуродов. – Қишлоқда яшаган хор бўлмайди. Томорқа ишлари бор. Қаровлининг бозори бор. Ўзимиздан ортса бозорга чиқариб сотамиз. Ахир, катта оиламиз, икки ўғилга иморат қурдик, машиналар олдик, тўйлар бердик, қатордан кам бўлмадик. Ҳаммаси шу меҳнат орқасидан. Тожигул эрта баҳордан ипак қурти боқишни ўйлай бошлайди. Келин-қизларимиз Хуршида Тўлибаева, Зулайхо Халматовалар ипак қурти боқишга тайёргарлик кўриб, хоналарни тайёрлайдилар, кўпдан кўен қочиб қутулмас деганидек, ҳам фойда, ҳам тўкинлик шиоримизга айланган.

– Бу хонадон аъзолари йилига уч мавсум ипак қурти боқиб, давлат режасини ошиғи билан уддалаб келмоқда. Бу қишлоқни пиллачилар маскани десак муболаға бўлмайди, – дейди суҳбатимизга қўшилган агроном Алимбой Артиқов.

Унинг айтишича, туманда 74 нафар касаначи пиллачи, 8 та пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларидаги пилла боқувчилар билан жами 100 та ипак хомашёси тайёрловчи пиллакорлар “Гурланагропилла” МЧЖга бириккан ҳолда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, тумандаги илғор пиллакорлардан Равшан Матмуродов, Отaxon Бобожонов, Муборак Ўрозбаевалар ҳар йили ўз режа ва топшириқларини ошиғи билан уддалаб келмоқдалар.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирган ташкилотларга берилган имтиёзлардан руҳланиб меҳнат қилаётган гурланлик пиллакорлар ишини намунали ташкил қилган “Гурланагропилла” МЧЖ раҳбари Зоҳиджон Ашуров бу мавсумда ҳам туман хокимлиги томонидан катта имкониятлар ҳозирлаб қўйилганлигини мамнуният билан тилга олди. Ўтган йили 310 қути ипак қурти боқиб, давлатга 15500 килограмм ипак хомашёсини топширган гурланлик пиллакорлар бу йил ҳам юқори натижаларга эришиш учун курашмоқдалар. Меҳнат роҳат келтирар, ипакчилик равнақи йўлида меҳнат қилаётган элдошларимиз эса роҳатнинг фароғатини кўришга ҳақлидирлар.

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.



Суратда: агроном Алимбой Артиқов ва Тозагул Жуматова пилла ўрашга қўйиладиган дасталарни кўздан кечирмоқдалар.

Мухбиримиз Зангиота туманига қисқа вақт ичига ташкил этилган “Gigant green export” МЧЖ да бўлиб, у ерда шу вақтгача бажарилган ва ҳозирда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб қайтди.

Май ойининг давомли ёмғирли кунлари изидан келган бир салқин кунда мен Зангиота тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида бўлиб, туманда соҳада олиб борилаётган ишлар билан қизиқдим. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Дилмурод Орипов мени амалга оширилаётган ишлар билан таништириб, бир мақтовга сазовор янги корхона ҳақида ёзишимни маслаҳат берди. Шу мақсадда бўлимнинг мева-сабзавотчилик бўйича бош мутахассиси Баҳодир Шарипов билан энг катта деҳқончилик лойиҳаси сифатида майдонга келган “Gigant green export” МЧЖ томон йўлга чиқдик.

Биз манзилга етиб келгач, “Gigant green export” МЧЖ раҳбари Шерзод Хурсанов ва иш бошқарувчи Шерзод Абдуллаев билан суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнида иссиқхонанинг тузилиши, ишлаш тартиби ҳақида қуйидагилар маълум бўлди:

“Gigant green export” МЧЖ томонидан Зангиота массивида бунёдга келган гидропоника усулидаги 5-авлод замонавий иссиқхона 4 гектарлик майдонни эгаллайди. Аниқроғи, ёнма-ён қурилган 2 та 2 гектарлик иссиқхона. Иссиқхона биноси ҳамда унинг ичидаги барча асбоб-ускуна ва материаллар Нидерланд



ЭКСПОРТЧИ ЯШИЛ ГИГАНТ

дия (Голландия) технологияси асосида Туркияда тайёрланган. Қурилиш-монтаж ишлари деярли тугалланган бўлиб, энди улар айрим зарурий асбоб-ускуналарнинг божхона расмийлаштируви ҳамда назоратидан ўтишини кутиб туришибди. Яъни керакли ҳамма зарурий қисмлар Туркиядан импорт қилиниб, юртимизга келтириб бўлинган.

Бу улкан иссиқхона “Агробанк” Тошкент шаҳар бўлимнинг 3,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредити ва “Gigant green export” МЧЖ таъсисчиси ҳамда раҳбарининг 1,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳисобига қад кўтарди. Иссиқхона, асосан, помидор, бодринг, булғор қалампири каби экинларни етиштиришга мўлжалланган. Иссиқхона ичидаги ҳарорат марказий компьютер томонидан бошқарилади. Совуқ кунларда иссиқхонада зарурий юқори ҳароратни таъминлаш учун сув-буғли иситиш тизими тўлиқ ўрнатиб бўлинган. Сувни иситиб берадиган иккита улкан қозон автоматик тарзда газни тежаб ёқиш режимида ишлайди. Яъни иссиқлик керакли даражага етганида газ ўтказишни тўхтатиб, температура маълум даражага тушгач, ўз-ўзидан ёнади. Йилнинг иссиқ вақтларида ҳам марказий компьютер иссиқхона ичидаги ҳароратни мўътадиллаштириб туради.

Кўчатлар кокопит деб номланган махсус қадоқдаги “замин”га ўтказилади. Ҳар бир кўчат ўсаётган жойга дорили аралашма томчилаб келиб туриши учун махсус “шприц” санчиб қўйилади. Кокопитнинг пастки тарафига яна бир махсус шланг уланиб, у орқали

“замин” чадаги ортиқча сув оқиб чиқиб кетади.

Уруғ экилиб, тайёр кўчатлар ўтказилишидан то ҳосил пишишигача 120 кун вақт керак бўлади. Кўчатлар 10 ой давомида доимий равишда ҳосил беради.



Ёнма-ён кокопитлар оралиғида поезд рельсларига ўхшаш йўлакчалар бўлиб, уларнинг устида икки хил арава юради. Биринчи хил арава электрли пульт орқали бошқарилади. Унинг устига ишчилар чиқиб, қуриб қолган ёки касалланган барглар ҳамда меваларни узиб олади. Иккинчи хил арава механик арава бўлиб, у йиғиб терилган ҳосилни у ташиш учун ишлатилади.

Умуман айтганда, барглар ва меваларни узиб олишдан, ҳосилни ташишдан ташқари ҳамма ишлар – иссиқхона ичидаги иқлимни бошқаришдан тортиб, кўчатларни дориллашгача марказий компьютер орқали бошқарилади. Шундай бўлса-да, яқин кунлардан бошлаб “Gigant green export” МЧЖ теваракатрофдаги 20 нафардан ортиқ юрдошларимизни иш билан таъминлайди. Ишлар юришиб кетгандан сўнг, корхона ўз фаолиятини янада кенгайтирилиши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: “Gigant green export” МЧЖ раҳбари Шерзод Хурсанов.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЗАРУР

Президентимизнинг 2017 йил 16 январдаги “Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига биноан эса, мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш белгилаб қўйилган.

Шу боис бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалардан бири, мамлакатда ишлаб чиқариладиган ва чет давлатлардан республикаимизга олиб кириладиган маҳсулотлар ассортиментини ўрганиш, уларнинг сифати ва хавфсизлигини аниқлашдир. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини қондириш учун ички бозорни юқори даражадаги сифатли ва кенг ассортиментдаги товарлар билан тўлдириш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Бунинг учун эса, товаршунослик ва товарлар экспертизаси мутахассислари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар назоратини кучайтириш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиялари сифати ва хавфсизлигини чуқур ўрганишлари лозим. Чунки маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида айрим нуқсонларни бартараф этиш имконияти бўлади. Ички ва ташқи бозорларга ишлаб чиқарилган Ўзбекистон товарларининг юқори сифатга эга бўлиши, уларни жаҳон стандартларига жавоб бериши ва рақобатбардошлигини ишлаб чиқариш давомида таъминлаш ушбу товарларни савдога чиқариш ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш имконини яратиб беради.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси, сифат ва хавфсизлик назоратини олиб бориш хизматларини юртишда чуқур билимга эга, жаҳон талабаларига мос мутахассисларни тайёрлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган вазирлик, маҳаллий ҳокимликлар, компания ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини талаб даражасида амалга оширишлари учун айнан шу соҳани яхши эгаллаган, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган, замон талабаларига мос кадрлар тайёрлаш масаласи ўта долзарбдир.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун “Товаршунослик ва товарлар экспертизаси” таълим йўналиши бўйича ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида куйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар гуруҳлари ва ассортиментлари таркибига кирувчи ҳар хил ва турли кўринишдаги товарларнинг хусусиятлари ва истеъмол қийматлари бўйича уларнинг ўзаро фарқланувчи кўрсаткичлари ўрганилиб чиқилади. Натижада талабалар товарларнинг сифатига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилиши тўғрисида тасаввурга эга бўладилар;

– Ҳар бир гуруҳ ноозиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишида қўлланувчи хомашё ва унга боғлиқ бўлган сифат кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ бўлган нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ҳар бир истеъмолчи сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан таъминланиши зарур.

талабалар томонидан ўрганилиб чиқилади;

– Сифати, навлари ва ассортиментлари бўйича товарларни ажратиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари сифатини ва хавфсизлигини баҳолаш услубларини ўрганиш, уларнинг стандартлаштириш ва сертификациялаштириш тўғрисидаги кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги назарда тутилади:

– Товарларни жойлаш, сақлаш, ташиш, юклаш ва қадоқлаш ҳамда сотувдан кейин муҳим бўлган ушбу товарлар сифатини ва хавфсизлик кўрсаткичларини кафолатловчи кўрсаткичлар билан танишиш муҳимлигини эътиборга олган ҳолда ўрганиш тавсия этилади. Кўп ҳолларда ишлаб чиқарилаётган товарлар турлари ва ассортиментлари сифати ҳамда хавфсизлиги бўйича стандарт талабаларига жавоб бермайди. Бунинг учун уларни органолептик ва физик-кимёвий экспертизасини олиб бориш лозим бўлади. Нафақат экспортга йўналтирилайдиган товарлар, балки ички бозордаги истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам халқаро “ISO 9000; 9001; 9014; 9022”, “Global Gap”, “Kodeks Alimentarius” стандарти талабаларига жавоб бериши шарт. Буни йўлга қўйиш учун эса, уларнинг жаҳон стандартлари талабаларига жавоб беришини назорат қиладиган товаршунослар ва товарлар экспертизаси мутахассислари керак бўлади.

Суръат САЛИХОВ, б.ф.д.,
“Озиқ-овқат маҳсулотлари
товаршунослиги” ихтисоси
бўйича профессор.

ЯНГИ ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ КАТТА НАВ СИНАШ НАТИЖАЛАРИ

The research results of 2019 year on comparative analysis of 14 new cotton varieties in comparison with standard varieties of C-6524 and Namangan-77 in central experimental station of CBSPARI were presented in article.

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» ги фармонининг учинчи йўналиши, ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, вилоятларга бўлган таширфларида «юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркундаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» бўйича долзарб вазифалар илгари сурилган.

Институтимиз олимлари томонидан яратилган нав ва тизмаларни «Янги навларни синаш ва уруғини дастлабки кўпайтириш» лабораториясининг кичик ва катта нав синови кўчатзоридида синаш орқали ўзаро ва андоза навларга нисбатан морфологик, қимматли хўжалик белгилари ҳамда толанинг технологик кўрсаткичлари, навинг генетик тозаллиги, вилт касаллигига нисбатан чидамлик даражаси бўйича ҳолисона баҳолаш, андоза навдан устун намуналарни уруғини дастлабки кўпайтириш бўйича бир қатор тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар

«Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», ва Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» манбаларида қабул қилинган тартиб ва умумий агротехника талаблари асосида олиб борилди. Фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари асосида натижавий маълумотлар олинди ва жадвалларда тўла кўрсатилди.

Синовда иштирок этган тизмалар хўжалик аҳамиятга молик бир қатор белгилари бўйича андоза навдан ва ўзаро бир-бирлари билан фарқланди.

Тезпишарлик: Андоза навлар (С-6524 ва Наманган-77)нинг тезпишарлиги 108-110 кун бўлгани ҳолда, бир қатор тизмалар жумладан, Л-932 тизмаси 3 кунга, Л-212 тизмаси 2 кунга андоза навларга нисбатан эртапишарликни намоён қилди. Ўз навбатида Т-1965 (2-4 кун), Б-103 (3-5 кунга) кечпишганлиги аниқланди. Қолган тизмаларнинг тезпишарлиги андоза кўрсаткичларига яқин бўлди.

2019-йилда катта нав синаш тажрибасида иштирок этган 14 та янги навларнинг аксарияти андоза С-6524 навига (110кун) нисбатан бир-икки кундан (Т-2907,МС-6,Т-35,Т-1965,ЛБ-84) уч кунгача (Б-103) кечпишар бўлиб, фақат Л-1077, Мутант ва Л-1107 тизмалари андоза нав билан бир хилда, Л-500, Л-700 ва Т-760 бир кун, Л-202 икки кун, Л-932 уч кунга тезпишарлиги аниқланди. Ўсимлик бўйи навуаллифлари берган кўрсаткичлар оралиғида бўлди. Бир дон

кўсак оғирлиги Т-1965 тизмасида 6,8 гр, Т-760 да7,3 гр, Т-2907да 6,5 гр, Л-1077да 6,7 гр, Л-1107да 6,4 гр ни ташкил қилди. Қолган тизмаларнинг ушбу белги кўрсаткичи андоза нав билан бир хилда ёки 1-2 гр кам оғирликда бўлди.

Тола чиқими: Олиб борилган тажрибада ўрганилган тизмалар тола чиқими белгиси бўйича ижобий натижаларни қайд этиб, андоза навлар (С-6524 ва Наманган-77)га нисбатан 1,0 % дан 5,6 % гача юқори кўрсаткични намоён қилди. Юу ерда белги бўйича энг юқори кўрсаткич Л-1107 тизмасида кузатилиб, шунга яқин натижалар Л-700 тизмасида +4,3% ва Т-1965 тизмаси +4,1 % гача кўп тола чиқимига эга эканлиги маълум бўлди. Қолган барча янги тизмалар ҳам андоза С-6524 навидан + 1,0 %дан +2,7 %гача устун бўлди.

Биринчи ва иккинчи терим ҳосили: бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, аксарият тизмаларнинг биринчи терим ҳосили андоза навдан устун бўлолмади, жумладан Л-1076 (-8 ц/га), МС-6 (-6 ц/га), Мутант (-3 ц/га) тизмалари кам ҳосилдорликка эга бўлди. Л-932, Л-2907, Б-103 ва Л-1107 тизмалари андоза навлар билан деярли тенг кўрсаткичларни кўрсатди (жадвал).

Жадвал

Катта нав синови кўчатзоридида ўрганилган нав ва тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ва толанинг технологик кўрсаткичлари, 2019 йил.

№	Нав ва тизмалар	Тезпишарлиги (кун)	Тола чиқими, %		Биринчи терим ҳосилдорлиги, 30,09 ц/га	Иккинчи терим бўйича ҳосилдорлик, 25,10 ц/га		Биринчи терим тола ҳосили, Ц/га		Умумий тола ҳосили, Ц/га		Вилт билан зарарланиши %		
			%	С/нисбатан +/-		С/нисбатан %	С/нисбатан %	Ц/га	С/нисбатан %	Ц/га	С/нисбатан %	Умумий	Кучли	
1	Л-932	107	35,4	+2,0	28,4	100,7	9,6	118,5	10	107,5	13,4	110,2	21,3	3,2
2	Л-212	108	36,2	+2,7	25,7	91,1	10,0	123,4	9,3	100,0	12,9	106,6	17,6	6,9
3	Л-1077	110	34,4	+1,0	20,7	73,4	8,6	106,2	6,9	74,2	10,1	83,5	9,8	1,7
4	Л-500	109	34,5	+1,1	25,5	90,4	10,2	125,9	8,8	94,6	12,3	101,6	16,3	2,4
5	Л-700	109	37,7	+4,3	26,4	93,6	8,8	121,6	9,6	103,2	13,3	109,9	22,8	6,1
6	Т-1965	112	37,5	+4,1	25,9	91,8	10,5	129,6	9,3	100,0	13,6	112,4	24,2	1,4
7	Т-760	109	35,1	+1,7	25,8	91,4	10,4	128,4	9,1	97,8	12,7	104,9	17,5	3,3
8	Т-2907	111	35,9	+2,5	28,1	99,6	9,7	119,7	9,9	106,5	13,6	112,4	11,5	2,2
9	Мутант	110	35,4	+2,0	23,2	82,3	8,9	109,8	8,1	87,1	11,4	94,2	20,7	3,2
10	Б-103	113	36,6	+3,2	28,8	102,1	12,3	151,8	10,3	110,8	15,0	123,9	22,5	7,4
11	ЛБ-84	112	35,6	+1,2	27,5	97,5	7,4	116,7	9,7	104,3	12,4	102,5	19,5	5,5
12	МС-6	111	35,7	+2,3	22,3	79,1	9,9	122,2	8,0	86,0	11,5	95,0	23,5	4,3
13	Л-1107	110	39,0	+5,6	29,5	104,6	9,5	117,3	11,0	118,3	15,2	125,6	21,3	4,1
14	Т-35	111	35,6	+2,2	21,8	77,3	9,5	117,9	7,9	84,9	11,1	91,7	17,1	4,8
15	С-6524	110	33,4	St	28,2	St	8,1	St	9,3	St	12,1	St	27,5	9,3
16	Наманган-77	108	35,3	St	29,7	St	10,9	St	10,5	St	14,3	St	21,4	7,2

Вилтга бардошлилик: Бизнинг тажрибамизда иштирок этган навларнинг вилт билан умумий даражада 9,8% дан 17,5% гача бўлиб, зарарланиш даражаси бўйича андоза С-6524 нав 27,5%, кучли даражада андоза нав 9,3% зарарланган ҳолда, янги навлар 1,4% дан 6,1% даражагача кам зарарлангани маълум бўлди. Олинган Зйиллик натижалар йиғиндиси ва Ташкилотлараро комиссия ҳулосасига асосан 5 та янги тизмалар грунт контролда наводорлигига баҳо беришга тавсия қилинди.

Насим ХОЖАМБЕРГЕНОВ, қ.х.ф.д.,
Дилмурод РАСУЛОВ, таянч докторант,
Марат ЛАТИПОВ, илмий ходим,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Москва, 1983. —С-48-54.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, 1985.ст.126-145.

ПАХТАЧИЛИКДА ЧИГИТНИ БЕНТОНИТ ГИЛЛАРИ БИЛАН КАПСУЛА ҚИЛИБ ЭКИШНИНГ УНУВЧАНЛИК ВА ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

The article reports that the influence of planting cotton seeds encapsulated with bentonite clay on increasing the germination rate, development rate and yield of cotton has been studied and gave a positive result. There were carried out research works and were made constant observations in a number of regions of the Republic.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнидаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонининг 2-илловаси билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 8-,9-,10- ва 11-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида “Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, тармоқни ресурслар билан барқарор таъминлаш, суғориладиган экин ерларидан янада самарали фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунинг 8-бандида минерал ўғитлар самарасини ошириш учун мураккаб ўғитлар ва ноанъанавий маъданли хомашёларни қўллаш агротехнологиясини такомиллаштириш бўйича амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш белгиланган.

Экишдан олдин чигитга уруғ-дори ёки стимуляторлар қўлланилмаса, чигитларнинг униб чиқиши қийинлашади, дала шароитида унвчанлиги пасаяди, айниқса, бу ҳолат ноқулай об-ҳаво шароитларида, тупроқда намлик кўпайганда, ҳаво ҳарорати паст келганда ёки сув танқислиги шароитида яққол намоен бўлади, касалликлардан зарарланиш даражаси ортади, кўчат сони камайиб, ниҳоллар нимжон ўсиб ривожланади, кўчатлар сийрак бўлиб қолади, ҳар гектар ерда тўлиқ кўчат ҳосил қилиш қийинлашади, пировардида пахта ҳосилининг 20% ва ундан ортиқ камайиши кузатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, турли ноанъанавий агротудалар ва шулар асосида тайёрланган компостларнинг ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигига таъсири тўғрисида илмий ишлар амалга оширилган бўлиб, ушбу ишлар қаторида Ўзбекистоннинг энг жанубий саҳро минтақаси Сурхон-Шеробод воҳасида ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон, экстремал иқлим шароитларига эга Навоий вилоятининг ўтлоқи-бўз, Тошкент вилоятининг эскидан суғорилиб келинадиган ўтлоқи-ботқоқ ва Наманган вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ҳар хил ғўза навлари чигитларини бентонит лойқаси эритмаси билан капсулалаб экишнинг ғўза униб чиқиши динамикаси ва ривожланиш фазалари жадаллигига ҳамда ҳосилдорликка таъсири ўрганилди.

2019 йилда Республикаимизнинг қатор фермер хўжалиқларида, жумладан, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги “Пўлат бобо” фермер хўжалигида 18 га, “Тошботир бобо” фермер

хўжалигида 24 га, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Зарбдор Агро Плюс” фермер хўжалигида 25 га, “Гулали” фермер хўжалигида 10 га, Наманган вилояти Чўст туманидаги “Султонбой Усмонов Абдуллоҳ” фермер хўжалигида 10 га, “Нор” фермер хўжалигида 34 га, “Обирохат Илғор” фермер хўжалигида 25 га, “Тожиахмат Жасурбек” фермер хўжалигида 15 га ва Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги ПСУЕАИТИ нинг Сурхондарё филиалида 4,0 га, “Сурхон халқобод сардори” фермер хўжалигида 40 га, “Даврон Намуна” фермер хўжалигида 10 га, Фарғона вилояти Данғара туманидаги “Бойдеҳқон бобо” фермер хўжалигида 5 га, “Султонов Иқбол” фермер хўжалигида 10 га ғўза майдонларида жами 230,0 гектарда чигит бентонит гиллари билан капсулалаб экилди.

Хатирчи тумани “Пўлат бобо” фермер хўжалигининг назорат далаларидан 2018-2019 йилларда ўртача олинган пахта ҳосили 33,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, тажриба майдонидаги ҳосилдорлик кўрсаткичи ўртача 36,8 ц/га га тенг бўлди. Бу эса ҳосилдорлик назорат далаларига нисбатан 5,8 ц/га, яъни, 10,4% га юқори бўлганлигини кўрсатди.

ПСУЕАИТИ Сурхондарё филиалининг 4 га пахта майдонларига ғўзанинг “Сурхон-103”, “СТ-1651”, ва “Июлатан-14” навлари чигити бентонит кукуни билан капсула қилиб экилди. Назорат пайкалларида олинган пахта ҳосили ўртача икки йилда 31,9 ц/га ни ташкил этган бўлса, тажриба пайкалларида олинган пахта ҳосили 34,6 ц/га бўлганлиги кузатилди ва назорат пайкалларида нисбатан тажриба пайкалларида олинган ҳосил 2,2 ц/га ёки 6,3% юқори бўлди.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги “Зарбдор Агро Плюс” фермер хўжалигида эса 2018-2019 йилларда ҳосил назоратга нисбатан, чигит капсулалаб экилганда ўртача ҳосилдорлик 5,0 ц/га, яъни, 16,7% га юқори бўлганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ғўза чигитини бентонит кукуни билан капсулалаб экиш натижасида чигит ўз намлигини йўқотмасдан, қийғос ва бақувват ундириб олинди. Бу эса, ўз навбатида, ғўзанинг ўсиб ривожланишига ижобий таъсири кўрсатди ва натижада ҳосилдорликнинг сезиларли ошишига эришилди.

Абдураззок МИРЗАЕВ,

Геология-минералогия фанлари доктори,

Мухиддин УСМОНОВ, *қ.х.ф.н.,*

Шахноза КОДИРОВА,

қ.х.ф.н., катта илмий ходим,

ЎзР Фанлар академияси Навоий бўлими.

АДАБИЁТЛАР

1. Шарафеева Ф.Г. Применение бентонитовых глин для повышения плодородия легких дерново-подзолистых почв. В кн. “Бентониты”, Изд-во “Наука”, Москва; 1980, с. 251-256.
2. Вировец В.В., Слюсарева Л.Н. и др. Создать геолого-экономические моданместорождений бентонитовых глин, как нетрадиционная агротуда и составить прогнозные карты основных сельхозрайонов Узбекистана, как основу для их поисков, оценки и использования. Т., 1994, Фонды ИМР.
3. Слесарова Л.Н. Ўзбекистондаги ноанъанавий агротудаларни ишлаб чиқариш ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинар. Тошкент 2000. 6-7-б.
4. Тунгушова Д.А., Белоусов Е.М., Турсунбоева К.А. “Влияние агротуд месторождений Ферганской долины на рост, развитие и урожайность хлопчатника”. Халқаро илмий-амалий конференция. Т., 2009. 138-240-б.
5. Хамидов Р.А. Бентонитовые, бентонитоподобные глины восточного и южного Узбекистана. Перспективы их промышленного использования // Геология и минеральные ресурсы. Т., 2010. - №5. С. 19-26.
6. Эргашева С.З., Ахмедова З.Р. “Микрозим-2” энзим препараты ва унинг таркибига кирувчи композицияларнинг чигит унвчанлигига таъсири // Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. Тошкент, 2014. №3(57). 72-б.

ДЎЗАДА ДУРАГАЙЛАШНИНГ VERTICILLIUM DAHLIAE KLEB КАСАЛЛИГИГА БАРДОШЛИЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АЎАМИЯТИ

В статье приведены результаты многолетнего индивидуального отбора на устойчивость к вилту, продуктивности и качеству волокна IV типа и созданный материал предлагается селекционерам в виде доноров.

In this article, the results of perennial selection of individual plants on resistant to wilt, high productivity and good fiber quality and new developed breeding material are recommended as new donors.

Янги яратилаётган ғўза навлари тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлиши билан бир қаторда турли касалликларга, жумладан, вилт касаллигига бардошли бўлиши зарур. Вилт билан зарарланган пахта майдонларида ҳосилдорлик камайиши билан бирга тола сифати ҳам паст бўлишига олиб келади.

Вертициллёз вилти билан, асосан, ғўзанинг ўрта толали навлари касалланади, унинг кўзгатувчиси тупроқ замбуруғи *Verticillium dahliae* Kleb. дир. Вертициллёз вилти – дуненинг барча пахта экувчи мамлакатларида маълум бўлган ғўзанинг энг кўп тарқалган ва энг хавфли касалликларидан бири. Адабиётлардан маълумки, вилт билан зарарланган дала-ларда ҳосилдорлик 20-25 фоиз ва ундан кўпроқ камайиши кузатишган. Шу сабабли, вилт касаллигига бардошлилик ҳам муҳим қимматли хўжалик белгилардан ҳисобланади. Кейинги йилларда селекционер олимлар томонидан ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган кўплаб изланишлар олиб борилган ва вилтга чидамли бўлган навлар яратилган. Бироқ вилтнинг янги ирқлари пайдо бўлиши ушбу муаммо борасидаги изланишларни узлуксиз давом эттиришни талаб қилади. Шунинг учун турли ирсиятга бўлган бошланғич ашёлар ёрдамида ғўза навларининг вилтга бардошлилигини оширишда турли хил дурагайлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Р.Г.Ким, М.А.Маруповлар ёзишларича, ғўзанинг вилтга чидамлиги бўйича селекциявий ишларнинг муваффақияти тур-

ли тупроқли географик районларда *Verticillium* замбуруғининг изолятлари (штаммлари) нинг янги кўпайиш динамикасини чуқур ўрганишга, етиштирилаётган навларнинг чидамлилик даражасини, дастлабки ота-она шакллари ва дурагайлашни билишга боғлиқ бўлади. Навларнинг вилтга чидамлиги ва вертициллиум замбуруғларининг турли изолятларига ғўза тизмалари бўйича ўтказилган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, улар замбуруғнинг ўрганилаётган изолятларига чидамли-лики намоён қилишнинг турлича генотипик даражасига эга бўлади.

Ҳ.Л. Руан ва бошқалар таъкидлашича, ғўзада вертициллёз вилти дала шароитида шоналаш даврида кўринади. Қаттиқ зарарланган майдонларда эса майсалари 3-4 та барг чиқаргандаёқ кўрина бошлайди. Касалликнинг дастлабки босқичларида ғўзанинг пастки баргларида сариқ доғлар пайдо бўлади, айрим ҳолларда, барги бутунлай сарғайиб кетади. Доғлар кейин кўнғир ранга киради ва қуриб қолади. Одатда, касаллик дастлаб пастки баргларида пайдо бўлади ва аста-секин юқоридаги барглари ҳам ўта бошлайди. Касаллик узоқ давом этса, ғўза деярли ҳамма баргини тўкиб юборади, фақат озгина кўсақлар қолади, бу кўсақлар ҳам пишиб етилмай барвақт қуриб қолади ёки эрта очилади. Ғўза вилт билан қанчалик эрта касалланса, ўсишдан ва ривожланишдан шунча орқада қолади ва барвақт қурийд.

ПСУЕАИТИнинг «Иммунология ва сунъий иқлим» лабо-

раториясида оддий ва мураккаб дурагайлаш асосида бир неча йиллардан буён яққатанловлар натижаси қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган дурагайларнинг *Verticillium dahliae* Kleb касаллигига бардошлилиги вилт касаллиги замбуруғлари билан зарарлантирилган муҳитда андоза навиға таққослаб ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида F_7, F_8 дурагайларида ўсимлик сони 43 тада 52 тагачани ташкил этди. Вилт касаллиги билан F_7 оддий дурагайларида умумий даражада зарарланиш 6.1 фоиздан 13.9 фоизгача, кучли даражада зарарланиши эса 8.7 фоизгача, мураккаб дурагайларида умумий зарарланиши 4.4 фоиздан 9.1 фоизгача, кучли

Ўрта толали ғўзанинг F_7, F_8 дурагайларнинг *Verticillium dahliae* касаллиги билан зарарланиши ва маҳсулдорлик белгиси бўйича таҳлили

F_7, F_8 оддий ва мураккаб дурагайлар	Ўсимлик сони	<i>Verticillium dahliae</i> билан зарарланиши				Бир донга ўсимлик маҳсулдорлиги гр
		Умумий даражада		Кучли даражада		
		дона	%	дона	%	
F_7 (C-9083xБархаёт)	48	5	10.4	2	4.2	82.6
F_7 (C-9085xС-6771)	45	4	8.9	1	2.2	86.3
F_7 (C-9083xАндижон-35)	46	6	13.0	4	8.7	68.7
F_7 (C-9085xБархаёт)	43	6	13.9	3	7.0	70.3
F_7 (C-8292xБархаёт)	50	4	8.0	2	4.0	76.4
F_7 (ЖаркўргонxБархаёт)	49	3	6.1	-	-	95.2
F_7 (C-9083xС-6771)	48	5	10.4	2	4.2	80.5
F_7 (C-9085xС-6530)	52	6	11.5	3	5.8	78.4
F_7 (C-9083xАндижон-35)x(C-9085xС-6771)	44	4	9.1	1	2.3	92.6
F_7 (C-9083xАндижон-35)x(C-9085xБархаёт)	46	3	6.5	1	2.2	94.5
F_7 (C-9083xАндижон-35)x(C-8292xБархаёт)	45	2	4.4	-	-	105.3
F_7 (ЖаркўргонxБархаёт)x(C-9083xС-6771)	45	3	6.7	2	4.4	87.2
F_7 (ЖаркўргонxБархаёт)x(C-9085xС-6530)	47	3	6.4	-	-	98.6
F_7 (ЖаркўргонxБархаёт)x(C-8292xБархаёт)	49	4	8.2	1	2.0	90.4
F_8 (Бухоро-6xРАТ)	44	6	13.6	3	6.8	72.4
F_8 (ТуронxАндижон-35)	46	6	13.0	4	8.7	68.7
F_8 (БархаётxАндижон-35)	46	5	10.9	1	2.2	76.2
F_8 (РАТxТурон)	45	5	11.1	2	4.4	70.8
F_8 (Л-842xШодиёна)	48	6	12.5	3	6.2	66.1
F_8 (ТуронxАндижон-35)	52	3	5.8	1	1.9	94.2
F_8 (КЛxЛ-842)	50	5	10.0	3	6.0	68.4
F_8 (Бухоро-6xРАТ)x(ТуронxАндижон-35)	51	3	5.9	1	2.0	82.3
F_8 (Бухоро-6xРАТ)x(БархаётxАндижон-35)	46	4	8.7	-	-	102.2
F_8 (РАТxТурон)x(ТуронxАндижон-35)	51	2	3.9	-	-	100.4
F_8 (РАТxТурон)x(Л-842xШодиёна)	50	3	6.0	1	2.0	86.8
F_8 (КЛxЛ-842)x(БархаётxАндижон-35)	46	4	8.7	2	4.3	94.7
St. C-6524	45	21	46.7	9	20.0	68.4

зарарланиши 4.4 фоизгача бўлганлиги аниқланди. Ушбу белги бўйича F_8 оддий дурагайларида умумий даражада зарарланиш 5.8 фоиздан 13.6 фоизгача, кучли даражада зарарланиши 8.7 фоизгача, мураккаб дурагайларида эса умумий зарарланиши 3.9 фоиздан 8.4 фоизгача, кучли зарарланиши 4.3 фоизгача бўлганлиги ҳамда андоза сифатида ўрганилган С-6524 навини умумий даражада зарарланиши 46.7 фоиз, кучли даражада зарарланиши эса 20.0 фоиз эканлиги маълум бўлди. Бир донга ўсимликдаги маҳсулдорлик белгиси бўйича ўрганилганда, F_7 оддий дурагайларида 68.7 граммдан, 95.2 граммгача мураккаб дурагайларида эса 92.6 граммдан, 105.3 граммгача эканлиги, F_8 оддий дурагайларида 68.4 граммдан 94.2 граммгача, мураккаб дурагайларида эса 102.2 граммгача

бўлганлиги андоза навида эса 68.4 граммни ташкил этди.

Шундай қилиб, бир неча йиллик селекцион танловлар натижалари асосида вилт касаллигига бардошли ва бир донга ўсимликдаги пахта вазни юқори, тола сифати IV типга жавоб берадиган, ҳамда хўжаликка қимматли белгилари юқори бўлган дурагайлари ажратилиб, селекционерлар учун янги донор сифатида фойдаланишга тавсия этилади.

Паридун ИБРАГИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Баҳриддин УРОЗОВ,
қ.х.ф.д., катта илмий ходим,
ПСУЕАИТИ,
Фозилбек ТОРЕЕВ,
қ.х.ф.н., доцент
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ким Р.Г., Марупов А.И. Влияние различных географических изолятов (штамм) гриба *Verticillium dahliae* Kleb на вилтоустойчивость сортов и линий вида *G. hirsutum* L. // Материалы международной научной конференции «Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других культур» посвященной 95-летию со дня рождения академика С.С. Садыкова. Ташкент.: Фан. 2005. С. 112-113.
2. Ruan Y.L., Llewellyn D.J., Furbank R.T. Suppression of sucrose synthase gene expression represses cotton fiber cell initiation, elongation, and seed development. *Plant Cell* 2003. №15(4). - P. 952-964.

УДК: 633.511 (089):631.52

ИССЛЕДОВАНИЕ

ИЗМЕНЧИВОСТЬ ПРИЗНАКА «УСТОЙЧИВОСТЬ РАСТЕНИЙ К *V. DAHLIAE* НА 31.08.2019» КОЛЛЕКЦИОННЫХ ОБРАЗЦОВ И ГАК ПОПУЛЯЦИЙ РАЗЛИЧНЫХ ПОКОЛЕНИЙ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА *G. HIRSUTUM* L

The article presents the results of studies that led to the conclusion: that as a result of the analysis of the variation series on the basis of "resistance to V.dahliae on 08.31.2019" a significant number of plants located on the left side are noted in HAC populations F_7 , which is characterized by small damage the above disease in the range from 0 to 1 point.

Как известно, хлопчатник — одна из важнейших сельскохозяйственных культур Узбекистана, приносящая значительный доход в бюджет республики. Однако, хотя хлопчатник отличается от других растений большим генетическим разнообразием, генетическая база нынешних сортов хлопчатника крайне узкая (Abdurakhmonov et al., 2014; Malik et al., 2014). По-мимо этого, из-за поражения растений различными видами насекомых и заболеваний, водного дефицита, а также засоленности большей части посевных площадей республики, выведение новых сортов хлопчатника, обладающих устойчивостью к биотическим и абиотическим стрессам, наряду с высокой продуктивностью, хорошим качеством и выходом волокна, по-прежнему, остается весьма актуальной проблемой.

Проблема, на решение которой направлены исследования, используя современные методы молекулярной и частной генетики, усовершенствовать методику селекционной работы с хлопчатником, что не возможно сделать без установления генетических закономерностей изменчивости коллекционного материала и ГАК-популяций различных поколений.

В 2019 году соисполнителем мега проекта №1 проведено морфобиологическое описание сортов-стандартов Наманган-77, Сурхан-101, С-6524 и Бухара-6, 13 сортов узбекской селекции, 4 сорта иностранной селекции, 8 линий узбекской селекции и 36 ГАК популяций различных поколений хлопчатника вида *G. Hirsutum* L.

Проведен учет на всех растениях, по каждому объекту участвующему в полевом опыте по признаку «устойчивость растений к *V.dahliae* на 31.08.2019», при этом использована методика «Оценка сортов на вилтоустойчивость».

Исходя из решаемой проблемы, определены цель и задачи исследований, которые решаются соисполнителем мега проекта ВА-Ф-5-020.

Цель исследований:

- изучение изменчивости признака «устойчивость растений к *V.dahliae* на 31.08.2019 г.» у коллекционных образцов и ранее созданных основным исполнителем мега проекта ВА-Ф-5-020 ГАК популяций, среди которых выделить лучшие селекционно-значимые для дальнейшей селекционной проработки;

- изучение изменчивости «устойчивость растений к *V.dahliae* на 31.08.2019» у ГАК-популяций различных поколений;

- выделение лучших, селекционно-значимых ГАК-популяций старших поколений, среди которых выделить растения и семьи представляющие интерес с позиции селекции хлопчатника.

В процессе исследований соисполнителем мега проекта ВА-Ф-5-020 в 2019 году в полевых условиях проводи-

лась закладка эксперимента в трехкратной повторности, рендомизированными блоками.

Соисполнителем в 2019 году проведены полевые исследования в рамках мега проекта ВА-ФА-5-020 в полевых условиях производственного отдела Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка в Ташкентской области.

Посев в 2019 г. проводился 28 апреля по схеме 60 x 25 x 1. Во время проведения опытов на участке проводилось 5 мотыжений, 2 прополки сорняков, два прореживания всходов, 5 нарезок борозд перед поливами, 5 тракторных культиваций после поливов и 5 вегетационных поливов. Одновременно с первой нарезкой борозд вносилось - 300 кг/га аммиачной селитры, KCL – 80 кг/га. Во вторую подкормку вносилось -200 кг/га карбонида и 150 кг/га аммиачной селитры. В третью подкормку вносилось – 150 кг/га карбонида.

Методика проведения полевого эксперимента общепринятая для генетико-селекционных работ с хлопчатником в поле. Опыты, связанные с исполнением теоретических разработок закладывались в 3-кратной повторности, рендомизированными блоками, однорядковыми, 10-лучными делянками, используя уравнильный посев, который проведен ручным способом, на естественно инфицированном *Verticillium Dahliae Klebhan* фоне. На 31.08.2019 г. определяется индивидуально по растениям поражение *Verticillium Dahliae Klebhan* по методике (Попов, Минко, Попов, 1974).

В качестве сорта-стандарта использован сорт Наманган-77, средняя величина признака «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019» находилась соответственно на уровне 2.74 балла, при этом величина стандартного отклонения (δ) равнялась величине 1.99.

Анализируя результаты исследований по признаку «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019» к лучшим образцам следует отнести такие, как: КК-1796, где $M=0.88$ балла, L-1000 – $M=0.83$ балла, КК-1086 – $M=0.94$ балла, L-141 – 0.97 балла, L-45 – $M=0.57$ балла, КК-602 – $M=0.86$ балла, SAD-35-11 – $M=0.71$ балла, С-417 – $M=0.58$ балла.

Анализируя величину стандартного отклонения (δ), которая представлена по признаку «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019 г.» у исходных форм следует сказать, что ее величина значительно отличается и находится в пределах от 0.27 у L-45 до 1.99 у сорта-стандарта Наманган-77, такой широкий размах изменчивости позволяет говорить о необходимости учитывания в дальнейших исследованиях изменчивость отдельных образцов.

Анализируя ГАК-популяции F_2 следует сказать, что оба гибрида поражаются на уровне сорта-стандарта Наманган-77, соответственно величина средней величины признака «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019» у ВС F_2 Линия-2 x R_1 -198 (вариант опыта 58), где $M=1.93$ балла, а у ВС F_2 Линия-2 x R_1 -223 (вариант опыта 59), где $M=1.80$ балла.

Анализируя ГАК-популяции F_7 следует сказать, что к нескольким лучшим по средней величине признака «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019» следует отнести такие, как: F_7 Наманган-77 x L-1000 (вариант опыта 51), где $M=1.60$ балла и F_7 Наманган-77 x КК-1086 (вариант опыта 52), где $M=1.66$ балла.

Анализируя ГАК популяции различных поколений видно, что значительное количество растений размещено в левой части, которая характеризуется некоторым числом растений с поражением растений на уровне 0-1 балл.

На основании проведенного анализа результатов полевых исследований, следует сделать некоторые выводы:

- к лучшим устойчивым к *V.dahliae* образцам следует отнести такие, как: КК-1796, где $M=0.88$ балла, L-1000 – $M=0.83$ балла, КК-1086 – $M=0.94$ балла, L-141 – 0.97 балла, L-45 – $M=0.57$ балла, КК-602 – $M=0.86$ балла, SAD-35-11 – $M=0.71$ балла, С-417 – $M=0.58$ балла;

- к лучшим по средней величине признака «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019» следует отнести такие, как F_7 Наманган-77 x L-1000 (вариант опыта 51), где $M=1.60$ балла и F_7 Наманган-77 x КК-1086 (вариант опыта 52), где $M=1.66$ балла;

- в результате проведенного анализа вариационных рядов по признаку «устойчивость к *V.dahliae* на 31.08.2019» у ГАК-популяций F_7 отмечено значительное количество растений размещенных в левой части, которая характеризуется малым поражением вышеназванным заболеванием в пределах от 0 до 1 балла.

Виктор АВТОНОМОВ,
д.с.х.н., профессор,
Абборжон КУРБОНОВ,
д.с.х.н., с.н.с.,
Аъзам РАВШАНОВ,
д.с.х.н., с.н.с.,
Шухрат ХОДЖАНОВ,
М.Н.С.,
Бобур ЮНУСАЛИЕВ,
студент,
НИИССАВХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абдурахманов Т., Турсунов Л., Ли А., Нурмухамедов А. Рекомендации по использованию оксигумата в качестве стимулятора роста и развития растений. – Ташкент: Университет, 2000. – 11 с.
2. Абдуллаева М.М., Рахимов М.М., Валиханов М.Н. Действие полифосфатов на активность липазы при прорастании семян хлопчатника. //Узбекский биологический журнал.— 1998. №1. — С.33-35.
3. Автономов В.А., Амантурдиев А.Б., Мухаммадиев А., Арипова А., Ахмедов Д.Д., Изменчивость признака «высота закладки первой симподии на растении» в зависимости от экспозиции воздействия (УФО) и зоны возделывания сортов хлопчатника С-6524, Чимбай-5018 и Дуслик-2. //Сборник ПСУЕАИТИ. Республика илмий-амалиянжума материаларитўплами. — Тошкент, 2014.— С.115-118.
4. Хотамов М.М., Курбанбаев И.Д., Режапова М.М., Ахмеджанов, Исследование индуцированной слабыми электромагнитными полями устойчивости хлопчатника к вертициллезному вилту. // Сб. тезисов докл. Респ. научно-практич. конф. молодых учёных – 2015.—Ташкент, 22 декабря 2015. — С. 416 – 417.

ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ПАРВАРИШЛАНГАН СОЯНИНГ “ОЙЖАМОЛ” НАВИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА УСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

The article examined the growth and development of cultivated shade as a repeated crop, depending on the irrigation procedures of the lunar variety.

Дунёда соя етиштирувчи мамлакатларда унинг ҳосилдорлиги ва сифати агротеник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, суғориш меъёрлари, сони ва муддатларига боғлиқ. Сояни суғориш меъёрлари, сони ва муддатларини тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тўғри белгилаш экинлардан олинган ҳосил миқдори ва сифатига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши. Шундан келиб чиққан ҳолда, соядан сифатли ва юқори дон ҳосили етиштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тажрибалар 2017-2019 йилларда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг» ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тажрибада такрорий экин сифатида соянинг янги “Ойжамол” нави экилди. Суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65%, 70-75-65%, 75-80-70% тартибларда олиб борилди. Тупроқ намликларини ҳисобий қатлами 50-70-50 см. Дала тажрибаларимиз бир ярусда 4 қайтариқда жойлаштирилиб, эгат узунлиги 50 м, 16 та қатордан кенлиги 9,6 м, эгат оралиги 60 см, 16 қаторнинг ўртадаги 8 қатори ҳисобий қаторлар, икки четдаги тўрта қатори ҳимоя қаторларидан иборат.

Суғориш вариантларининг 3 та нуқтасидан ҳисобий қатламлар бўйича ҳар 10 см тупроқ қатламидан намуналар олиниб, суғоришолди тупроқ намликлари термостат тарози усулида аниқланди. Тажриба майдонимизга сув сарфи тажриба умумий майдони учун Чиполетти - 0,50 см, Чиполетти-0,25 м, тажриба вариантларига эса Томсон 90° бурчакли сув ўлчагичлари орқали аниқланди.



Соянинг “Ойжамол” навини амал даври давомида белгиланган муддатларда ва турли суғориш тартибларида ўсимликларнинг поя баландлиги, ҳосил шохи ва барг сонини аниқлаш бўйича фенологик кузатувлар амалга оширилди (1,2,3-расмлар).

10 августда ўсимликнинг поя баландлигини аниқлаш учун олиб борилган кузатувларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65% белгиланган вариантларда ўртача 14,7 см, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда ўртача 15,3 см, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75% белгиланган вариантларда ўртача 16,1 сантиметрни ташкил қилди.

30 августда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65% белгиланган вариантларда поя баландлиги 26,5 см, ҳосил шохи 1,0 дона, барг сони 10,0 донани ташкил қилганлиги кузатилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда поя баландлиги 28,1 см, ҳосил шохи 1,5 дона, барг сони 10,2 донани ташкил қилганлиги кузатилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% белгиланган вариантларда поя баландлиги 31,9 см, ҳосил шохи 1,6 дона, барг сони 11,6 дона эканлиги кузатилди.

20 сентябр ҳолатига суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65% белгиланган вариантларда поя баландлиги 35,2 см, ҳосил шохи 1,8 дона, барг сони 13,2 донани, ЧДНСга нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда поя баландлиги 39,9 см, ҳосил шохи 2,3 дона, барг сони 13,9 донани, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-80-75% белгиланган вариантларда эса поя баландлиги 47,4 см, ҳосил шохи 2,4 дона, барг сони 16,1 донани ташкил қилганлиги кузатилди.

Пишиш даврида эса суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65% белгиланган вариантларда поя баландлиги 50,2 см, ҳосил шохи 2,5 дона, барг сони 2,1 донани ташкил қилган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда поя баландлиги 54,8 см, ҳосил шохи 3,0 дона, барг сони 4,0 донани ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% белгиланган вариантларда ўсимлик поясининг баландлиги 62,3 см, ҳосил шохи 3,1 дона, барг сони 5,3 донани ташкил қилганлиги кузатилди.

“Ойжамол” навида бош поя баландлиги ва ҳосил шоҳлар сонини аниқлаш бўйича олиб борилган фенологик кузатув натижаларининг кўрсатишича суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% белгиланган вариантларда кўрсаткичлар юқорироқ бўлганлиги аниқланди. Табиий тўкилиш натижасида барг сони амал даври охирида барча вариантларда камайди, лекин суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-80-70% белгиланган вариантларда эса ўсимликда барг сони кўпроқ қолганлиги кузатилди. Суғориш олди тупроқ намлигининг ЧДНСга нисбатан 75-

80-70% вариантларида кўпроқ ўсиш органларининг ҳосил бўлишига олиб келди, лекин суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларида юқори ҳосил етиштирилди. Олинган натижаларги асосланиб Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг “Ойжамол” навидан юқори ва сифатли ҳосил олиш

учун суғоришларни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% белгилаш тавсия этилади.

Акмал ШАМСИЕВ,
қ.х.ф.д.,
Сардор ХУСАНОВ,
мустақил тадқиқотчи,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Тошкент, 2007 й.
2. Маматалиев. А “Суғоришнинг мойли экинлар ўсув фазалари давомийлиги ва ҳосилдорлигига таъсири” «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали». Махсус сон. 2019 йил 22-23 бетлар.
3. Маннопова. М “Такрорий экин сифатида парваришланган янги соя навлари донининг мойлилигини экиш муддати ва озикланиш майдонига боғлиқлиги» «Ўзбекистон республикаси тупроқ-иқлим шароитига мос юқори сифатли ва ҳосилдор бошоқли дон экинлари навларини яратиш уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш истиқболлари» мавзусидаги конференцияси мақолалар тўплами. Андижон-2012 йил (67-71 бетлар).

УЎТ: 635.64:631.55

ТАДҚИҚОТ

ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИНГ ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН ПОМИДОР ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

The article presents the results of a study of growth, development, productivity, marketable yield and seed yield of tomato varieties Tashkent tongi and Dar Zavoljya repeated culture when cultivated after various predecessors. Established the best predecessors (siderate crops - peas and early vegetable crops - cabbage).

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг суғориладиган ерларда кузги бошоқли экинлар майдонининг кескин кенгайиши, бошқа сабзавот экинлари каби помидор майдонини ҳам такрорий экин сифатида кенгайтириш, аҳолини бир меъёردа янги ҳосил билан, консерва саноатини эса хомашё билан таъминлашга ҳамда соҳанинг экспорт имкониятини оширишга шароит яратилди. Юқоридаги муаммонинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳосили бир вақтда пишиб етилувчи, тезпишар ҳосилдор нав ва гетерозисли дурагайларни танлаш ҳамда уларни ўстириш технологиясининг назарий асослари ҳамда амалий усулларини ишлаб чиқишга боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади – помидорнинг тезпишар ва ўртатезпишар “Тошкент тонги” ва “Дар Заволжья” навларини турли ўтмишдош экинлардан сўнг экиб, ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, товар ҳосилдорлиги ва уруғ чиқимини ўрганишдан иборат.

Шуни ҳисобга олиб, биз дала тажрибаларимизда 3 та ўтмишдош: 1) кузги буғдой; 2) эртаги сабзавот-карам; 3) оралиқ (кўк нўхат) экинларидан сўнг помидор “Тошкент тонги” ва “Дар Заволжья” навлари такрорий экилиб, ўрганилди.

Дала тажрибалари сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-

тажриба станциясининг суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Ўрганилган навларнинг 5-7 чинбаргли кўчатлари 25-28 июнда 70x20 см тартибда экилди. Делянканинг майдони 56 м², такрорлар сони 3 та бўлди.

Тажриба даласидаги барча агротехнологик тадбирлар, нав, вариант ва қайтариқлар жойлашиши, улардаги кузатиш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди.

Тажриба натижаларига кўра, турли ўтмишдош экинлардан сўнг помидорнинг “Тошкент тонги” ва “Дар Заволжья” навларида ҳосилнинг пишиши август охири, сентябрнинг бошларига тўғри келди ва биринчи совуқлар тушгунга қадар ҳосилнинг асосий қисми пишиб етилди. Ўтмишдош экин кўк нўхат ва эртаги сабзавот – карамдан сўнг экилган помидор навлари тулларида энг кўп (541-676 г) ҳосил олинди, битта меванинг ўртача вазни 96-117 г бўлиб, кузги буғдойдан сўнг

1-жадвал

Ўтмишдош экинларнинг такрорий экилган помидор навларининг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва товарбоплиги

Ўтмишдош экин	Гуллаш даврида			Бир туп массаси, г		Ҳосилдорлик, т/га	Шу жумладан, товар ҳосил		Назоратга нисбатан	
	ўсимлик бўйи, см	барг сони	ён шохлар сони	палак	мева		т/га	%	т/га	%
“Тошкент тонги” навида										
Кузги буғдой (назорат)	70,1	62,8	5,8	130	460	22,5	21,1	93,7	-	100
Эртаги карам	73,4	68,1	6,5	141	541	25,6	24,2	94,6	3,1	114
Кўк нўхат	73,4	69,2	6,9	145	518	26,5	25,2	95,2	4,0	118
= 2,7-4,1% ЭКФ ₀₅ = 3,1-3,8 т/га										
“Дар Заволжья” навида										
Кузги буғдой (назорат)	72,3	70,1	7,6	161	614	25,3	24,1	95,1	-	100
Эртаги карам	76,1	75,3	8,2	186	670	28,6	27,5	96,3	3,3	113
Кўк нўхат	76,9	77,6	8,7	190	676	30,1	29,3	97,4	4,8	119
= 2,3-2,9% ЭКФ ₀₅ = 2,4-3,4 т/га										

экилганга нисбатан 7-19 г юқори бўлди.

Ўтмишдош экин кўк нўхатдан сўнг помидор навлари экилганда энг юқори ҳосилдорлик 26,5-30,1 т/га кузатилиб, кузги буғдойга нисбатан 4,0-4,8 т/га ҳосил олишни таъминлади. Эртаги карамдан сўнг экилганда эса ҳосилдорлик 25,6-28,6 т/га бўлиб, ҳар гектаридан 3,1-3,3 тонна кўшимча ҳосилдорлик олинди (1-жадвал).

Помидор “Тошкент тонги” ва “Дар Заволжья” навлари ўтмишдош экин кўк нўхатдан сўнг экилганда уруғ ҳосилдорлиги гектаридан 252-362 килограмми, эртаги карамдан сўнг эса 238-350 кг/га ни таъминлади.

Демак, суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқлар шароити-

да такрорий экин сифатида помидорнинг тезпишар ва ўртатезпишар навларини (“Тошкент тонги” ва “Дар Заволжья” кабиларни) мақбул ўтмишдош экинлар (сидератлар – кўк нўхат, эртаги карам)дан сўнг экиб, ўстириш орқали гектаридан 28-30 тоннадан ошириб, товар ҳосили ва 2,4-3,6 ц уруғ олиш имконини беради.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,

қ.х.ф.д., профессор,

Шавкат ЖАББОРОВ, *қ.х.ф.н.,*

Самарқанд илмий-тажриба станцияси директори,

Озод МУРАТОВ,

таянч докторант.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент, 2002. 224 б.
2. Арамов М.Х. Научный центр по селекции и семеноводству овощной культур на юге Узбекистана. //Материалы международного научно-практической конференций. Тошкент-Термиз, 2001. 3-8-б.
3. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. Москва, 1992. С. 319.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, 1985. С. 294.
5. Литвинов С.С. Методика полевого опыта овощеводства. Москва, 2011. С. 648.
6. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Мевачилик ва сабзавотчилик. (Сабзавотчилик). Тошкент. Наврўз, 2018. 552 б.
7. Ҳакимов Р.А. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг аҳволи, муаммолари ва истиқболлари. //Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2013. 4-9-б.

УЎТ: 634.23.631.541.11.

ТАДҚИҚОТ

IN-VITRO УСУЛИДА КЎПАЙТИРИЛГАН ГИЛОС ПАЙВАНДАГЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

The economic efficiency of in-vitro micropropagation of prospective cherry rootstocks is reported in the article, comparing to ordinary propagation methods.

Бугунги кунда дунё бўйича боғдорчилик бошқа қишлоқ хўжалик соҳалари каби катта аҳамият касб этмоқда. Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида кўплаб янги интенсив боғларни барпо этишга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб борапти. Боғдорчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш учун пайвандтаг ва нав асосий манба ҳисобланади. Шунинг учун пайвандтаг ва навлар асосида соғлом кўчатларни кўпайтириш ва замонавий технологиялар қўллаб, уларни яхшилаш ҳамда такомиллаштириб бориш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон қароридаги боғдорчилик тармоғида бошқарув тизимини шакллантириш ҳамда замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтган қарори ижросини таъминлашда академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг “Биотехнология” лабораториясида инновацион ва ресурстежамкор in-vitro усулида данак мевалилардан гилоснинг кучсиз ўсувчи “Кримский-5”, “Gisela-5”, “Gisela-6” ва “Colt” пакана ва яримпакана пайвандтаглари кўпайтирилмоқда.

Тадқиқотлар 2017-2019 йилларда академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик

илмий-тадқиқот институтининг “Биотехнология” лабораториясида олиб борилди.

Хориждан келтирилган гилос пайвандтаглари in-vitro усулида микрклонал кўпайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги И.Б.Рустамова ва бошқаларнинг “Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари” қўлланмаси асосида бажарилди.

Иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш. Ушбу технологияда MS, DKW, MS такомиллашган, WPM озуқа муҳитларида гилоснинг кучсиз ўсувчи “Кримский-5”, “Gisela-5”, “Gisela-6”, “Colt” пайвандтаглари етиштирилган бўлиб, бунда MS озуқа муҳити назорат сифатида олинган. Пайвандтаглар чиқиши “Кримский-5” – 70000 дона, “Colt” – 68000 дона, “Gisela-5” – 65000 дона ва “Gisela-6” – 60000 донани ташкил қилди. Ҳар бир гилос пайвандтагининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Ҳисоб-китоблар натижасига кўра, “Кримский-5” пайвандтагини етиштиришда 1 га ер майдонида 86,3 млн. сўмлик фойда, рентабеллик даражаси 160,8% ни ва 1 дона пайвандтаг таннархи 766,8 сўмни ташкил қилди. “Colt” пайвандтагини етиштиришда 1 га ер майдонида 82,3 млн. сўмлик фойда, рентабеллик даражаси 153,4% ни ва 1 дона пайвандтаг таннархи 789,3 сўмни ташкил қилди. “Gisela-5” пайвандтагини етиштиришда 1 га ер майдонида 76,3 млн. сўмлик фойда, рентабеллик даражаси 142,2% ни ва 1 дона пайвандтаг тан-

нархи 825,8 сўми ташкил қилди. “Gisela-6” пайвандтагини етиштиришда 1 га ер майдонида 66,3 млн. сўмлик фойда, рентабеллик даражаси 123,6% ни ва 1 дона пайвандтаг таннархи 894,6 сўми ташкил қилди (1-жадвал).

Ресурстежамкорлик коэффиценти (K_p) ўзлаштирилаётган технологиялар жами харажатларининг аъъанавий технологияларнинг жами харажатларига нисбати билан тавсифланади.

1-жадвал.

$$K_p = \frac{ИЧХ_{y3}}{ИЧХ_a}$$

In-vitro усулида етиштирилган гилос пайвандтаглар иқтисодий самарадорлигининг ҳисоб-китоби

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гилос пайвандтаглари			
			Кримский-5	Colt	Gisela-5	Gisela-6
1	Пайвандтагларнинг чиқиши	Минг дона	70	68	65	60
3	Ишлаб чиқариш харажатлар	Минг сўм	53675,4	53675,4	53675	53675
4	Маҳсулот таннархи	сўм	766,8	789,3	825,8	894,6
5	Реализация нархи	Минг сўм/т	2000	2000	2000	2000
6	Даромад	Минг сўм	140000	136000	130000	120000
7	Фойда	Минг сўм	86324,6	82324,6	76325	66325
8	Рентабеллик	%	160,8	153,4	142,2	123,6

2-жадвалда бир гектар майдонда аъъанавий ва in-vitro усулида гилос пайвандтагларини етиштириш учун ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби келтирилган. Ишчиларнинг иш ҳақи харажатлари аъъанавий усулда гилос пайвандтагларини етиштириш учун технологик картадан олинган 7364,7 млн. сўми, in-vitro усулида иш ҳақи харажатлари ишчиларнинг тариф сеткасига асосан белгиланган бўлиб, 24600 сўми ташкил қилди. Гилос пайвандтагини аъъанавий усулда етиштириш учун 200 кг уруғ сарфланади ва бир бирлик нархи 55 минг сўмдан ҳисобланиб, умумий қиймати 11 млн. сўми ташкил этди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари харажатлари in-vitro усулида инсекто-акарицид (дифен супер 55% н.кук) қўлланилади ва 1 га учун 870 минг сўми, аъъанавий усулда ушбу харажат 1,2 млн. сўми ташкил этди. Бошқа харажатларга 70 000 дона стакан харажатлари 3850 минг сўми ташкил қилди.

тавсифланади.

$$I_k = \frac{\Delta ЯФ}{ЯФ_{y3}} \quad (2)$$

Ресурстежамкорлик деганда ресурслардан фойдаланиш жараёнида олинган натижаларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ортиб боришига (ёки камаймаслиги) ресурслар сарфи миқдорининг нисбий барқарорлиги шароитида эришиш ҳолати тушунилади. Бунда ресурстежамкорликнинг асосий вазифаси ресурслар сарфини тежаб қолиш масаласи ётади, яъни маҳсулот етиштиришда (хизматлар кўрсатишда) ресурсларни камроқ сарф қилиш ёки ресурслардан фойдаланишда янги инновацион технологияларни қўллаш орқали тежаш тушунилади. Ресурстежамкорлик тадбирларининг асосини ишлов бериш объекти бирлиги ҳисобига энг кам ресурс сарфи орқали ўз муддатида ва сифатли натижага эришишни ташкил қилиш лозим.

In-vitro усулида гилос пайвандтагини етиштиришда ресурстежамкор коэффиценти 2,08 ташкил этди. Инновациянинг ялпи ўсиш коэффиценти 0,74 ташкил этган. Кўкарувчанлик коэффиценти аъъанавий усулда 60%, in-vitro усулида 95% ташкил этган.

2-жадвал.

Гилос пайвандтагини 1 гектар майдонда аъъанавий ва in-vitro усулида етиштириш учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Технологиялар	
		Аъъанавий	In-vitro
1	Иш ҳақи	7364,7	24600
2	Уруғ харажатлари	11000	-
3	Лаборатория харажатлари	-	10755,4
4	Минерал ва органик ўғитлар	4000	1100
5	Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари	1200	870
6	Электр энергия харажатлари	-	10000
7	Табиий газ харажатлари	-	1500
8	Сув харажатлари	-	1000
9	Ёнилги харажатлари	714	-
10	Бошқа харажатлар	1500	3850
	Жами харажатлар	25778,7	53675,4

Гилос пайвандтагларини етиштиришда ишлаб чиқариш харажатлари аъъанавий усулда 25778,7 минг сўми, in-vitro усулида 53675,4 минг сўми ташкил қилиб, 1 га ер майдонидаги гилос пайвандтагининг таннархи аъъанавий усулда 380,4 сўми, in-vitro усулида 715,7 сўми ва таннарх бўйича тафовутлар 335,29 сўми ташкил этди. Технология бўйича фойданинг ўсими, яъни иқтисодий самара 102353,3 минг сўми ташкил қилди (3-жадвал).

3-жадвал.

Бир гектар майдонда гилос пайвандтагини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Аъъанавий	In-vitro	Тафовутлар (+, -)
1	Пайвандтаг чиқими	75000	75000	
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	25778,7	53675,4	25147
3	Маҳсулот таннархи	380,4	715,7	335,29
4	Реализация нархи	0,80	2,5	1,7
5	Даромад	48000	187500	127500
6	Фойда	22221,3	133824,6	102353
7	Рентабеллик	86,2	249,3	139
8	Иқтисодий самара		102353,3	
9	Ресурстежамкорлик коэффиценти		2,08	
10	Инновациянинг ялпи ўсиш коэффиценти		0,76	
11	Кўкарувчанлик коэффиценти	60%	95%	

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, in-vitro усулида гилос пайвандтагларини микроклонал кўпайтириш орқали мавсум ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлмаган ҳолда исталган вақтда ва исталган миқдорда пайвандтаглар етиштириш ҳамда микроклонал кўпайтириш жараёни анъанавий усулда пайвандтаг етиштириш учун талаб этиладиган вақтни, хусусан, уруғдан кўпайтиришда ювинил даврни четлаб ўтиб 1-2 йил муддатни, анъанавий қаламчалардан кўпайтиришда эса илдизлатишга керак бўладиган муддатни тежайди. Иқтисодий самарадорлиги анъанавий усулда пайвандтаг етиштиришга

нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга бўлиб, бир гектар майдондаги иқтисодий самара 102353,3 минг сўмни ташкил қилди.

Саломат АБДУРАМАНОВА,
кичик илмий ходим,
Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ,
Ирода РУСТАМОВА,
и.ф.н., доцент,
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

АДАБИЁТЛАР

1. Рустамова И.Б, Хушматов Н.С, Саидов М.Х, Ашурметова Н.А, Галимова Ф.Р, Мардонова Р.И, Турсунов Ш.А, Жўраев Ф.М, Нурбекова Р.А. “Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари”. Қўлланма. Т.: ТошДАУ нашр таҳририяти 2019, Б-86.
2. Хушматов Н.С, Рустамова И.Б, Жўраев Ф.М, Нурбекова Р.А. “Ўсимчилик тармоғида инновацион ресурстежамкор технологияларни иқтисодий баҳолаш бўйича тавсиялар”. Т.: ТошДАУ нашр таҳририяти 2019, 54 б.

ЎУТ 636.081/082+636.8

ТАДҚИҚОТ

ТУРЛИ ЁШДАГИ ҚЎЧҚОРЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ФАОЛЛИГИ

The article presents the results of studies on the sexual activity of karakul rams. With proper feeding and content, differences in the age aspect between the rams were not found.

Қорақўл зоти Ўрта Осиёда яратилган ва сахро, чўл минтақаларининг оғир яйлов-иқлим шароитларига яхши мослашган. Республикамизда қорақўлчилик тармоғини ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу бўйича 2018 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 3603 сонли қарори ҳам қабул қилинган. Қорақўлчиликда селекция жараёнини тезлаштириш тармоқ самарадорлигини ошириш имконини беради.

ушун фойдали белгиларни ўз авлодларига етарлича бера оладиган насли кўчқорларнинг ирсий кучи ва имкониятларидан юқори самара билан фойдаланиш қисқа вақт ичида хўжалиқдаги кўйлар сурувининг маҳсулдорлик белгиларини кескин яхшилаш имконини бера олиши қорақўлчилик амалиётида аллақачон ўз исботини топган. Қорақўлчилик маҳсулотлари сифатини оширишда фақат юқори маҳсулдор, ирсий белгиларини ўз авлодига мунтазам бера олиш хусусиятига эга бўлган юқори гомеостази кўчқор ва совлиқлардан қочирим мавсумида фойдаланиш кенг аҳамият касб этади. Турли ёшдаги кўчқорларни авлод сифати бўйича баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган.

Қорақўлчиликда юритиладиган наслчилик ишининг асосий мақсадларидан бири хўжалиқларда юқори маҳсулдор насли кўчқорлар ва совлиқлар сурувларини яратиш ҳисобланади. Кўчқор сурувларда авлодлар алмашинуви жадаллаштириш йўли билан селекция ишлари суръатини тезлаштиришда ёш кўчқорчаларни танлаб олиш ва иложи борица барвақтроқ уларнинг насл сифатини текшириш ўта муҳим.

Бу борада муҳим кўрсаткичлардан бири уларнинг жинсий фаоллиги ҳисобланади.

Бу борадаги тадқиқотларимиз 9 бошдан иборат сур ва қора рангли кўчқорларда Самарқанд ва Навоий вилояти қорақўлчилик хўжалиқларида ўтказилди. Уларнинг авлод сифати 7 ойлигида (тажриба гуруҳи) ва 1,5 ёшлигида (назорат гуруҳи) баҳоланди. Дастлаб 7 ойлик кўчқорчалар 3,5 ойлигидан онасидан ажратилди ва алоҳида сақлаш ва озиклантириш шароитига ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳайвонлар эрта муддатда туғилган ҳайвонлар орасидан ажратиб олинди. Ёш кўчқорчаларни сунъий уруғлантириш мавсумига тайёрлашда кейидагиларни ҳисобга олдик: кўчқорларни жинсий фаоллигига ва уруғ сифатига ҳаво ҳарорати таъсир қилади. Маълумки, юқори ҳарорат сперматогенез жараёнига салбий таъсир қилади. Имкон даражасида тажриба ҳайвонлари сояда сақланди. Насли кўчқорлар мавсум даврида узоқ вақт бирга сақланса нуқсонли шартли рефлекслар пайдо бўла бошлайди, яъни уларда совлиқларга бўлган қизиқиш сўниб, аксинча ўзини жинсга бўлган қизиқиш кучайиб боради. Буни олдини олиш учун мавсум пайти уларни катта сурув кўринишида сақламадик. Тайёрлаш жараёнида ёш кўчқорлар кунига 2-3 марта кўйга келган совлиқлар билан бирга сақланди. Ёш биринчи марта мавсумда фойдаланилаётган кўчқорларда жинсий рефлексларни шакллантириш учун кўйга яхши келган совлиқлар билан сақланди. Шунингдек, улар билан бирга жинсий рефлексларни шакллантириш учун совлиқлар билан бирга фаол катта ёш кўчқорлар ҳам кўйилди. Дастлаб ёш кўчқорчалар станокда турган кўйга келган совлиққа, сўнг сунъий вагинага ўргатилди. Айрим ҳолларда фаол бўлмаган ёш кўчқорларни бир неча кун 4-5 соат давомида кўйга келган совлиқлар билан бирга сақладик. Кўчқорчалардан фойдаланишда албатта, олий нерв

1-жадвал.

Турли ёшдаги кўчқорларнинг жинсий фаоллиги

Кўчқорлар ранги	Ёши							
	7-ойлик (n=9)				1,5 ёш (n=9)			
	Назорат вақтида (3 соат) сакрашлар сони)	Битта сакрашга сарфланган вақт, секунд	Шахват ажратиш олдидан сакрашлар сони	Жинсий рефлекслар ифодаланиши, балл	Назорат вақтида (3 соат) сакрашлар сони	Битта сакрашга сарфланган вақт, секунд	Шахват ажратиш олдидан сакрашлар сони	Жинсий рефлекслар ифодаланиши, балл
Қора	4,22	47,3	2,85	3,95	7,72	35,11	1,80	4,52
Сур	4,17	48,1	3,06	3,80	7,15	38,44	1,81	4,22

фаолияти ҳисобга олинди. ОНФ заиф бўлган ҳайвонлардан умуман фойдаланмадик. Уларда қўйга келган совлиқга нисбатан тормозланиш ҳолатлари кузатилди. Айрим ҳайвонлар эса мавсум бошида фаол бўлиб, сўнг сустрлашиб кетади.

Шу нуқтаи назардан насли кўчқорларни жинсий фаоллигини аниқлаш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир, чунки айрим хўжаликларда сунъий уруғлантириш мавсумида жинсий рефлекслар сустрлашиши кузатилади. Натижада ирсий жиҳатдан яхши бўлган ҳайвонлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз тажрибада фақат ОНФ эга кўчқорчалардан фойдаландик. Тажрибамизда кўчқорчалар нисбатан эрта жинсий фаолигини намойиш эта олди. Сунъий қинга ҳам осон ўрганди.

Катта ёш ва ёш ҳайвонлар ўртасида деярли фарқ кузатилмади. Албатта, катта ёшли ҳайвонларни тажрибаси ва ёши нуқтаи назардан фарқ кузатилса-да, у деярлик катта эмас.

Қўшимча озиқлантириш ҳайвонларни ривожланишига ижобий таъсир этгани яққол ифодасини топди. Ҳайвонлар ўртасидаги

ўсиш ва ривожланишдаги фарқ кейинчалик ҳам сақланиб қолди. 6 ойлигидан бошлаб, кўчқорчаларнинг айримларида жинсий уйғониш белгилари кўзга ташлана бошлайди. Тажрибаларимиз 7 ойлик кўчқорчаларнинг аксарият қисмида жинсий алоқа рефлекслари яққол юзага чиқишини ва уларни сунъий қинга ўргатиш мумкинлигини кўрсатди.

Тадқиқотимиз натижалари ёш ҳайвонлар катта ёшдаги ҳайвонлардан жинсий фаоллик бўйича ортада қолмаслиги кўрсатди. Фақат, ёш кўчқорчалардан фойдаланилганда уларга ортиқча оғирлик тушурмаслик лозим. Агар кўчқорчалар сунъий уруғлантириш мавсумига тайёрлангунча тўғри озиқлантирилса, сақланса ва тарбиялансагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Тадқиқот натижалари ёш кўчқорчалардан авлод сифати бўйича баҳолашда эрта фойдаланиш мумкинлиги кўрсатди.

Раббимқул РЎЗИМУРАДОВ,
ассистент, қ.х.ф.н
СамВМИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 3603-сонли қарори.
2. Избасаров У.К. Методические рекомендации по гигиене содержания, кормления и использования баранов-производителей. М. 1987.
3. Абдукаюмов С.С. 7-ойлик кўчқорларни авлод сифати бўйича текшириш. ҚазҚИТИ илмий ишлар тўплами. Қайнар. 1981. 59-61 бетлар.

ЎУТ: 636.92:633.88:636.084

ТАДҚИҚОТ

КОВРАК ДОНИНИНГ ҚУЁНЛАРДАН ОЛИНГАН БОЛАЛАР СОНИ ВА ТИРИК ВАЗНИНИНГ ЎСИШИГА ТАЪСИРИ

In the Article, 5% and 10% ferula assafoetida were mixed in accordance with the experimental groups contained in rabbits ration, and the number of children from rabbits and the dynamics of growth of living weight were determined.

Инсонлар озиқ-овқатининг таркибидаги ҳайвонот дунёсидан олинадиган оқсилнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантириш бугунги кундаги асосий талаби саналади. Жумладан бунда қуёнчилик соҳасининг ҳам ўз ўрни бор.

Коврак ўсимлиги таркибидаги мавжуд биологик актив моддалар асосида охириги йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси кимё институти ва Тошкент фармацевтика заводида 4 та тиббиёт, чорвачилик ва паррандачиликда кенг қўлланиладиган тефэстрол, панаферол, куфэстрол ва зофарол препаратлари ишлаб чиқарилди. [1,3].

Сассиқ ковракнинг яшил барра барглари, пичан ҳолида ва пишган уруғлари ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинади. Коврак уруғида 14-19% протеин, 8 % ёғ, 37-47% азотли экстрактив моддалар ва 23-27% клетчатка мавжуд.

Қўшни Тожикистон воҳасининг об-ҳаво шароити мураккаблиги, тупроқнинг турли хилда бўлгани боис жуда кўплаб ўсимликларнинг тарқалишига сабаб бўлган. Республикада 9 минг 771 тур ўсимликлар ўсиши, жанубий Тожикистонда эса уларнинг 4000 тури ўсиши ва 40 фоизи қишлоқ хужалиги ва ветеринария соҳаларида қўлланилиб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз Бухоро ва Навоий вилоятлари чўлларида ўсувчи *Felula L* туркумига кирувчи Сассиқ коврак (*F.assafoetida*) ўсимлиги донининг қуёнлар серпуштлигига таъсирини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Амалий ва экспериментал тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институти виварийси ва ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедрасида олиб борилди. Қуёнлар серпуштлигига коврак ўсимлиги донининг таъсирини ўрганиш мақсадида тирик вазни 3-3,5 кг бўлган 9 та эркак ва 15 та урғочи қуён олинди ҳамда улар ўхшаш жуфтликлар асосида 2 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳига ажратилди.

Биринчи гуруҳ қуёнлари рациони таркибидаги омихта емига 5%, иккинчи гуруҳ қуёнларига 10 % коврак дони қўшиб берилди. Учинчи гуруҳ қуёнлари назорат сифатида хизмат қилди ва улар белгиланган рацион асосида озиқлантирилди.

Тажриба охирида биринчи гуруҳ, иккинчи гуруҳ ва учинчи гуруҳ қуёнлари, мос равишда эркак қуёнлар билан частиштирилди. Қуёнларнинг бўғозлик даврида ҳомиланинг ҳолати ва қуёнларнинг умумий ҳолатлари текшириб борилди. Туққандан кейин эса қуёнларнинг биринчи ойда ўсиш ва ривожланиши, яшовчанлиги ўрганилди.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ эркак қуёнлари билан биринчи гуруҳ урғочи қуёнларини частиштирганимизда 43 та қуён болалари олинди, туғилгандан кейин қуён болаларининг умумий тирик вазни 2,623 кг, битта қуён боласининг ўртача тирик вазни 0,061 кг, 30 кундан кейин қолган қуён болалари сони 33 та, 30 кундан кейинги қуён болаларининг умумий тирик вазни 19,206 кг, 30 кундан кейин битта қуён боласининг ўртача тирик вазни 0,582 кг, 30 кунда битта қуён боласининг умумий ўсиши 0,521 кг, қуён болаларининг кунлик ўртача ўсиши 0,017 килограмми ташкил этди.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ эркак қуёнлари билан урғочи қуёнларини частиштирганимизда 38 та қуён болалари олинди, туғилгандан кейин қуён болаларининг умумий тирик вазни

2,394 кг, битта қуён боласининг ўртача тирик вазни 0,063 кг, 30 кундан кейин қолган қуён болалари сони 24 та, 30 кундан кейинги қуён болаларининг умумий тирик вазни 13,560 кг, 30 кундан кейин битта қуён боласининг ўртача тирик вазни 0,565 кг, 30 кунда битта қуён боласининг умумий ўсиши 0,502 кг, қуён болаларининг кунлик ўртача ўсиши 0,016 килограммни ташкил этди.

Учинчи назорат гуруҳи эркак қуёнлари билан ушбу гуруҳидаги урғочи қуёнларни чатиштирганимизда 45 та қуён болалари олинди, туғилгандан кейин қуён болаларининг умумий тирик вазни 2,655 кг, битта қуён боласининг ўртача тирик вазни 0,059 кг, 30 кундан кейин қолган қуён болалари

сони 36 та, 30 кундан кейинги қуён болаларининг умумий тирик вазни 20,736 кг, 30 кундан кейин битта қуён боласининг ўртача тирик вазни 0,576 кг, 30 кунда битта қуён боласининг умумий ўсиши 0,517 кг, қуён болаларининг кунлик ўртача ўсиши 0,017 килограммни ташкил этди.

Хулоса. Тажрибадаги қуёнлар рациони таркибидаги омихта емига 10% коврак дони аралаштириб бериш узоқ вақт давом этганда, қуёнлардан олинган болалар сони ва тирик вазнининг ўсиш динамикасига ҳамда уларнинг серпуштлигига салбий таъсир этиши аниқланди.

Ғайрат ЭШМАТОВ,
катта ўқитувчи, СамВМИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Нажимитдинова Н.Н. Фитохимическое изучение корней растений *Ferula tatarica* Fish.ex spreng и *Ferula soongorica* Pall.ex spreng. Дис... канд. фармацевтических наук. Ташкент. 2007.
2. Рахмонкулов У. Терпеноидсодержащие растения западного Тянь-Шаня и их использование: Дис...док.биологических наук. Ташкент. 1999.30с.
3. Саидходжаев А.И., Маликов В.М., Пименов М.Г. Сложные эфиры *Ferula karakalensis*. Строение и стереохимия караферина и караферинина // Химия природ. соедин. – Ташкент, 1993.-№2. –С.227-232.
4. Сафаров Н.М. Видовой состав флоры Центрального Памиро-Алая / Н.М. Сафаров // Вестник Таджикского педагогического университета имени С. Айни, 2013. – №5 (54). – С.7-70.
5. Сафаров Н.М. Флора и растительность Южного Памиро-Алая / Н.М. Сафаров. – Душанбе: Дониш, 2015. –С 384.

УЎТ:631.316.6

ТАДҚИҚОТ

МАЪДАН ВА НОАНЪАНАВИЙ ЎҒИТЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

In the conditions of saline soils of the Republic of Karakalpakstan. The effect of mineral and non-conventional fertilizers on soil mass was, found to be Positively affected by the use of gluconite and gloucophos in the amount of 600 kg/ha together with mineral seeds.

Тупроқ унумдорлиги ва олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини оширишда таркибида макро ва микроэлементлар бўлган ўғитлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Лекин, республикада керакли таркиб ва хоссаларга эга, таркибида макро ва микроэлемент бўлган суюқ ва гранули ўғитлар деярли ишлаб чиқарилмайди. Мамалакатимизда ва чет элларда ўтказилган кўп йиллик илмий-тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, таркибида микроэлементи (молибден, кобальт, мис, рух, бор, марганец ва бошқалар) бўлган минерал ўғитлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва ҳосилдорлигини кўпайтиради. Бу элементларнинг етишмаслиги натижасида ўсимликларни ўсиши ва модалар алмашинуви, уларнинг ҳосилдорлиги камаяди, ҳамда турли хил касалликка чалиниши ортади.

Азотли, фосфорли ва калийли ўғитлардан ташқари ўсимликларнинг ўсишини яхшилайдиган, ферментлар самардорлигини оширадиган, фотосинтезни жадаллаштирувчи, таркибида микроэлементлар (Fe, Cu, Sn, Mo, B, Zn, Co) мавжуд ўғитларни қўллаш ўсимликларнинг қурғоқчиликка, совуққа ва касалликларга чидамлилигини ва ҳосилдорлиқнинг ошишига имкон яратади.

Алмашлаб экиш ва органик ўғитларнинг қўлланилмаслиги натижасида тупроқ минерал ўғитларнинг тузлари билан тўйинган. Шунинг учун минерал ўғитларни камайитириш ва уларни маҳаллий агрорудалар билан алмаштириш ёки биргаликда қўллаш иқтисодий ва экологик жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Таркибида гумус миқдори кам ва структураси паст тупроқлар суғориш ва қатор орасига ишлов беришда зичланишга мойил бўлади (Кашкаров, 1969; Кондратюк, 1972; Мухамеджанов,

1974; Умаров, 1974; Сметов, 1994; Исмаилов, 2004; Халиков, 2007; Халиков, Намозов, 2016; Саимбетов, 2018; Султанов, 2020 ва бошқалар).

Тупроқ ҳажм массаси тупроқ унумдорлиги билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб, тупроқ унумдорлиги юқори бўлса ҳажм массаси паст, унумдорлик паст бўлса ҳажм оғирлиги юқори бўлади. Ғўзанинг илдиз тизими яхши ривожланиши учун ҳажм массаси кўрсаткичи паст бўлиши керак. Дала тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси марказий минтақасида (Хўжайли тумани) жойлашган Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг ўқув тажриба хўжалигида ўтказилди. Тажриба даласи тупроқлари утлоқли-аллювиал, ўртача шўрланган, ер ости зах сувлари 1.5-2 метрда жойлашган.

Тажрибада қуйидаги вариантлар урганилди. 1 вариант, фақат маъдан ўғитлар қўлланилди (N250 P175 K125 кг/га), 2 ва 3 вариантлар, фақат ноанъанавий ўғитлар глоуконит ва глоукофос 900кг/га, 4-7 вариантларда маъдан ўғитлар N180 P135 K90 кг/га, бунга қушимча глоуконит ва глакофос 600 ва 900кг/га, 8 ва 9 вариантларда N180 P135 K90 кг/га, глоуконит ва глоукофос 1200кг/га, бунда 600кг/га шудгор остига, 600кг/га озиклантиришда, 10-13 вариантларда, маъдан ўғитлар меъёри узгаришсиз, глоуконит ва глоукофос 1200 ва 1500кг/га миқдорда тўлиқ шудгор остига берилди. Маъдан ва маҳаллий ноанъанавий ўғитларнинг тупроқ ҳажм массасига таъсирини аниқлаш махсадида тажрибадан олдин, тажриба ўтказиш даврида амал даври бошида ва охирида тупроқ ҳажм массаси аниқланди.

Тупроқ ҳажм массаси тажриба бошланишидан олдин 2018 йил куз, 0-30 см қатламда 1,40-1,46 г/см³ ва 30-50 см қатламда 1,50-1,55 г/см³ бўлди.

Тупроқ ҳажм массаси, г/см³

Вариантлар	Тупроқ қатламлари	Тажриба бошланишидан олдинги кўрсаткичлар 2018 й. куз	2019 й.		Баҳордан кузгача зичланиши
			Баҳор	Куз	
1	0-30	1,46	1,36	1,47	0,11
	30-50	1,55	1,52	1,55	0,03
2	0-30	1,42	1,34	1,39	0,05
	30-50	1,51	1,50	1,51	0,01
3	0-30	1,41	1,33	1,40	0,07
	30-50	1,51	1,51	1,52	0,01
4	0-30	1,43	1,34	1,39	0,05
	30-50	1,53	1,51	1,51	0,0
5	0-30	1,43	1,34	1,40	0,06
	30-50	1,54	1,50	1,52	0,02
6	0-30	1,42	1,33	1,40	0,07
	30-50	1,51	1,51	1,52	0,01
7	0-30	1,41	1,33	1,40	0,07
	30-50	1,51	1,51	1,51	0,0
8	0-30	1,41	1,33	1,39	0,06
	30-50	1,50	1,50	1,51	0,01
9	0-30	1,40	1,33	1,39	0,06
	30-50	1,51	1,50	1,50	0,0
10	0-30	1,43	1,33	1,38	0,05
	30-50	1,53	1,50	1,51	0,01
11	0-30	1,42	1,34	1,36	0,02
	30-50	1,51	1,51	1,50	-0,01
12	0-30	1,41	1,32	1,36	0,04
	30-50	1,52	1,51	1,52	0,01
13	0-30	1,42	1,34	1,38	0,04
	30-50	1,51	1,51	1,51	0,0

бориб 1,39-1,40 г/см³ ни ташкил этди. Тупроқ зичланиши 0,06 г/см³ бўлди. Маъдан ўғитларга 1200 кг/га миқдорида глауконит ва глаукофос қўлланилиб, бунинг 600 кг/га миқдорида кузги шудгор остига берилган 8 ва 9-вариантларда тупроқ ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,33 г/см³ ва кузда бу кўрсаткич 1,39 г/см³ бўлиб, тупроқ зичланиши 0,06 г/см³ ни ташкил этди.

Кузги шудгор остига бериладиган глауконит ва глаукофос миқдорларини 1200 ва 1500 кг/га ча орттирганимизда, тупроқ ҳажм массаси 0-30 см қатламда амал даври бошида 1,32-1,34 г/см³ бўлса, амал даври охирида 1,36-1,38 г/см³ бўлди, яъни тупроқ зичланиши 0,04 г/см³ ни ташкил этди. Бу назорат вариантыга (1-вар.) нисбатан 0,07 г/см³га кам, бошқа ўрганилган вариантларга нисбатан (2-9-вар.) 0,02 г/см³ га кам бўлди.

Шундай қилиб, маъдан ўғитларни йиллик меъёрини 25 фоизга камайтириб, унга қўшимча равишда глауконит ва глаукофосни 600, 900 ва 1200 кг/га меъёри-

Маълумотлардан кўриниб турганидек тупроқ ҳажм массаси баҳордан кузга қараб ортиб бориши кузатилди. Лекин, тупроқ зичланишига қўлланилган маъдан ва маҳаллий ноанъанавий ўғитлар қўлланилиш меъёрига боғлиқ ҳар хил таъсир этади.

Ҳар йили N250 P175 K125 кг/га миқдорида фақат маъдан ўғитлар қўлланилганда (1-вар.) амал даври бошида 0-30 см қатламда 1,36 г/см³ бўлиб, бу кўрсаткич кузда 1,47 г/см³ ни ташкил этади, яъни тупроқ зичланиши 0,11 г/см³ га ортди.

Фақат глауконит ва глаукофос 900 кг/га миқдорида қўлланилган 2- ва 3- вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида баҳорда 1,33-1,34-г/см³ бўлиб, бу кўрсаткич кузда 1,39-1,40 г/см³ бўлди, яъни зичланиш 0,06 г/см³ ни ташкил этди.

Маъдан ўғит миқдори 25 фоизга камайтирилиб, унга қўшимча 600 ва 900 кг/га глауконит ва глаукофос қўлланилган 4, 5, 6 ва 7 вариантларда 1,33-1,34 г/см³ ва бу кўрсаткич кузга

амал даврида озиклантириш учун қўллаш ва глауконит ва глаукофосни 1200 ва 1500 кг/га меъёрида шудгор остига қўлланилганда тупроқ ҳажм массаси назорат вариантыга нисбатан кам бўлиши кузатилди.

Демак, тупроқ зичланишини камайтириш учун ғўзани озиклантириш махсадида маъдан ўғитларни йиллик меъёрини 25 фоизга қисқартириб, унга қўшимча маҳаллий ноанъанавий ўғитлардан глауконит ва глаукофосни 1200 ва 1500 кг/га миқдорида шудгор остига қўллаш энг мақбул усул ҳисобланади.

Аксынгул ИСМАИЛОВА,
мустақил тадқиқотчи,
Б.НИЯЗАЛИЕВ,
қ.х.ф.д., к.и.х.,
ТошДАУ Нукус филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Кашкаров А.К. Влияние дифференцированной вспашки в севообороте на эффективность удобрений под хлопчатник // Труды Союз НИХИ. Ташкент. МСХ Уз // ССР.- 1996. – Вып. 15 С. – 167-170
2. Мухамеджанов М.В. Система земледелия по коренному повышению плодородия почв и урожайность сельскохозяйственных культур. – Ташкент. ФАН- 1974. – с. 3-23
3. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почв. – Нукус «Билим». – 2004-186
4. Умаров М.У. Физические свойства почв районов нового перспективного орошения Узбекской ССР. – Ташкент. ФАН. – 1974 – 284 с.
5. Сметов И.У. Научные основы возделывания хлопчатника в условиях Каракалпакстана // Диссертация на соиск. уч.степ.д.с-х. н.в форме научного доклада.-Ташкент.1994 - 67с.
6. Кондратюк В.П. Обработка почвы под посев хлопчатника в Средней Азии. – Ташкент. «Фан» – 1972 – 5-275. С
7. Халиқов Б.М. Узбекистоннинг суғориладиган худудларида ғўза мажмуидаги экинларни қисқа ротацияли алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари
Қ-х.ф.докт илм.дара.олиш учун автореферати.Тошкент 2007 44 б.
8. Халиқов Б.М., Намазов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент. 2016- 222б.
9. Сайимбетов А. Турли композицияли компостларни қўллашнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири. // Қ-х фан бўйича фалс. доктори. дисс. автореферати. – Ташкент. – 2018 – 45 б.
10. Султанов У.Т. Марказий Қизилқумда локал деҳқончилик агротехнологияси элементларини яратиш. // Қ-х. фан. бўйича фалс. доктори дисс. автореферати - Тошкент. 2020 – 44 б.

Маълумки ахборот тизими бири бири билан боғлиқ ахборотлар, дастурлар, математик амаллар ёрдамида марказлашган ҳолда йиғишда ва турли зарурий мақсадларда фойдаланиш учун шакллантирилган тизим сифатида қабул қилинган.

Ҳар қандай инфор­мация тизимни шакллантириш учун комплекс масалаларнинг ечилиши талаб этилади, бунинг учун бир вақтда объектнинг характеристикасини белгиловчи техник платформасини, операция тизимини, абонентлари тизими ўртасида маълумотлар ва ахборотларни узатишни бошқаришда қарорни шакллантириш зарурияти мав­жуд. Комплекс ёндашув ҳар бир компонентни рационал танлаш имкониятига эга бўлиб унинг функционал имкониятларидан максимал фойдаланишга эриштиради.

ESRI компанияси томонидан ишлаб чиқилган Географик ахборотлар тизими (ГИС) бошқаруви ArcView номи билан аталиб ҳозирги вақтда кенг тарқалган ва энг кичик ресурс ҳажмлидир. Тизимдаги тезкор тадбирлар мажмуаси мав­жудлиги уларни геоахборот лойиҳаларда қўллаш учун кўп вақт талаб этмаслиги ва ҳар қандай тизимларда фойдаланишни жорий этиш имконини беради.

ГИС лойиҳасини ишлаб чиқиш учун маълумотлар тури аниқланиб, уларнинг ўлчамлари белгиланади, улар асосида жадваллар структураси шакллантирилади, жадваллар структураси ахборот объектлари хусусиятлари ва характеристикаларини билдириши, натижада ГИС карталарда объект ҳақида барча маълумотлар орасидаги боғлиқларни белгиловчи ички структураси шакллантирилади. Интерфейс фойдаланиш тизими осон ва тез ахборот тизим функционал элементларини танлаш ҳамда зарур функционал элементларни ахборот тизимига юклаш имконига эга. Шу билан биргаликда ушбу тизим фойдаланувчига объектнинг маълумотлар базасига оддий ва қулай кириши имкони билан биргаликда нафақат ундан фойдаланиш, балки маълумотлар тизимига рухсати бўлган ҳолатида ахборотларга тузатиш киритиш ва уни қайта ишлаш имконини ҳам беради.

Марказлашган маълумотлар базаси таркибидаги ахборотларнинг сақланиши ва бошқарилишини ягона тизимда амалга ошириш имкони яратилади, бу ўз навбатида мав­жуд файлларни сақлаш тизимига нисбатан анча қулай ҳисобланади, жумладан:

- сақланадиган ахборотлар орасида (маълум миқдорда) содир бўлиши мумкин бўлган келишилмовчиликни;


- стандартлаштириш ва унификация имкониятларини таъминлаш;

- ахборотлар хавфсизлигини кафолатлайди;

- маълумотлар дахлсизлигини таъминлайди. Бу маълумотлар базасининг асосий ва муҳим ижобий хусусиятларидан бўлиб, унда маълумотларнинг сақлаш ва уларга кириш структурасига дахлсиз равишда ўзгартиришлар хусусиятларидан ҳисобланади.

Интерфейс маълум ахборотлар тарихида тизимнинг барча босқичларида фойдаланувчи учун ривожланган ахборот кўмагини таъминлайди. Фойдаланиладиган интерфейс таркибида WINDOWS стандартлари асосида ишлаб чиқилган бириктирилган (help) ёрдам тизимига эга.

Ишлаб чиқилган ГИС (ГИС) ўз таркибида турли қатламлардан иборат ва маълумотлар базасига бириктирилган ахборотлар тизимига эга, ахборотларда ҳар бир қатлам учун зарур бўлган асосий маълумотлар мав­жуд. Турли қатламлардан иборат маълумотлар базаси шакллантирилган ГИС карта 1-расмда келтирилган.





1-расм. ГИС картанинг умумий кўриниши.

Объектнинг ҳар бир қатламида уларни мослаштирувчи элементлар ўрнатилган. Шу билан биргаликда қатламлар учун ўз маълумотлар базаси жойлаштирилган жадваллар мав­жуд. Бу ўз навбатида жойлаштирилган маълумотлар билан тезкор амаллар бажариш: асосий қатламга маълумотлар киритиш, қўшимча маълумотларни қараб чиқиш имконига эга. Ушбу базада гидротехник

иншоотларнинг чизма ва графикларини ҳам қўшимча жойлаштириш имкони мав­жуд.

Гидрографик объектлар қатлами «Сув омборлари» ва «Каналлар» қатламларидан иборат (2-расм). Улардан ҳар бири қатламларни мослаштирувчи мустақил жадвалларга эга (Зрасма ва б). Структурасини шакллантириш ва уларни тўлдириш ўзига хос равишда амалга оширилади. Ҳар бир объект учун ўзига хослик «инфо» амали орқали бажарилади.



2-расм. «Сув омборлари» ва «Каналлар» қатламлари.


Аммо доимо маълумотларни тўлиқ кўриб туриш ва йиғилган маълумотларни мослаштирилганлигига ҳар доим қайтиб туриш ноқулай. Шунинг учун асосий маълумотлар ахбороти умумий қатламга чиқарилади

Объектларнинг картада аниқ жойлашув жойини кўриш учун, бор объектлар учун «Ирригацион бошқарув» қатлами яратилган. Айнан ўхшаш тизимлар кўп

бўлмаса-да, “Ирригацион бошқарув” қатлами етарли маълумотларга эга. Етарли маълумотларга эгаллиги «инфо» деб аталган команда орқали чиқарилган жадвалда кўрсатилган (3-расм).

бошқаришнинг зарурий қисми бўлиб, унинг ёрдамида ҳарқандай гидрографик муҳитда ҳавза миқёсида сув ресурсларини бошқариш имкони билан бир қаторда реал ҳолатда ва сув ҳўжалиги

рини яратиб беради. Ҳозирги вақтда сув ҳўжалигида катта ҳажмдаги маълумотлар шакллантирилган, улардан самарали фойдаланиш учун ушбу бобда математик ва ГИС моделлари такомиллаштирилди.



3-расм. «Инфо» командаси орқали маълумотлар чиқариш.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида таъкидлаш лозимки, ахборот тизими ҳавза миқёсида сув ресурсларини

балансларини прогноз параметрларини таҳлил қилиш ва уларни мақбул ҳолатлар учун ўзгартириш имконла-

Умиджон САДИЕВ,

PhD, Ирригация ва сув муаммолари илимий-тадқиқот институти.

Адабиётлар

1. Садиев У.А.Повышение гидравлической эффективности и эксплуатационной надежности крупных каналов// Гидротехника. Россия, 2016. №2, С 60-61. (05.00.00; №33).

2. Садиев У.А.Управление и моделирование магистральных каналов при изменяющихся значениях гидравлических параметров водного потока// Мелиорация и водное хозяйство. Россия, 2016. №6, С 10-12. (05.00.00; №51).

УДК: 631.624.681.5

ИССЛЕДОВАНИЕ

НЕЛИНЕЙНЫЕ УСТРОЙСТВА ДЛЯ ВЫПОЛНЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ОПЕРАЦИЙ В СИСТЕМАХ РЕГУЛИРОВАНИЯ ПО ОГРАНИЧЕНИЮ ВХОДНЫХ СИГНАЛОВ

In this article make research of static characteristic sets and principle scheme of sets for making limits in regulation systems of water supply. In this work make research of structure and architecture of functional sides of device. Moreover given principle scheme of signal limit of system work.

Цель внедрения АСУТП в промышленности – повышение эффективности производственной деятельности предприятий, которая выражается в увеличении выпуска, повышении качества продукции и снижении издержек производства. Экономическое обоснование представляет собой системный анализ технических, организационных и экономических показателей проектного решения.

Для ограничения сигнала в системах регулирования используются устройства ограничения по максимуму входного сигнала и устройства ограничения сигнала по минимуму.

Статистическая характеристика такого прибора представлена на рис. 1. Как видно из рисунка, в диапазоне входных напряжений 0- $U'_{вх}$ входное напряжение сохраняет неизменное значение, равное $U_{вых.мин}$, а в диапазоне $U'_{вх} - U''_{вх}$ напряжение $U_{вых}$ изменяется линейно от $U_{вых.мин}$ до $U_{вых.макс}$.




Рис.1. Статистическая характеристика прибора.

Оба эти функциональные устройства совмещаются в одном приборе. Устройство выполняется с независимой регулировкой как нижнего $U_{вых.мин}$, так и верхнего $U_{вых.макс}$ порогов ограничения. Принципиальная схема устройства для ограничения сигнала представлена на рис. 2, где 1-ограничительное устройство; 2-операционный усилитель.

Входной сигнал напряжения $U_{вх}$ через ограничительное сопротивление R_1 поступает к точкам измерительной схемы а и б, к которым подключены диоды D_1 и D_2 ограничителей. Каждый из диодов через регулируемые

делители на сопротивлениях R2, R3 и R4, R5 подключен к источнику стабилизированного напряжения Uстаб.




Рис.2. Принципиальная схема устройства для ограничения сигнала.

При отсутствии входного сигнала или, когда его величина меньше открывающего напряжения на диоде D1 напряжение в точках а и б полностью определяется величиной напряжения смещения диода D1, так как его сопротивление в прямом направлении значительно меньше величины сопротивления R2 (участок 0- U'вх на рис. 2).

При превышении входным сигналом напряжения смещения диод D1 напряжение в точках а и б соответствует величине входного напряжения (участок U'вх- U''вх на рис. 1). При открытом диоде D2 напряжение в точках а и б измерительной схемы будет определяться только величиной напряжения смещения, подводимого к этому диоду (участок U'вх- U''вх на рис.1). Напряжение с точек а и б через сопротивление R6 подводится ко входным клеммам операционного усилителя, который преобразовывает его в унифицированный выходной сигнал, принятый в системе.

Вывод. Данная принципиальная схема устройства для ограничения сигнала применима для приборов с нелинейной характеристикой выходного сигнала. Сборка и эксплуатация схемы допустимы для среднего класса технических работников.

Рано ГАЗИЕВА,
к.т.н., профессор,
Шахноза УБАЙДУЛЛАЕВА,
к.т.н., доцент,
Азиз НИГМАТОВ,
ассистент,
ТТИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Ганкин М.З., Комплексная автоматизация и АСУТП водохозяйственных систем. — 1991 г.
2. Москатов Е.А. Электронная техника. – Таганрог, 2004 г.
3. Жеребцов И.П. Основы электроники. - Санкт-Петербург, 1991 г.

УЎТ: 657.01(075).

ТАДҚИҚОТ

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИГА КИРИТИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

В статье проведено исследование методических основ учета затрат, включаемых в себестоимость продукции на предприятиях, и сделаны соответствующие выводы в рамках данной темы.

Автомобиль транспорти корхоналарида харажатларни гуруҳлаш бўйича бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Кудельская ва Белозерцевалар (2017) автомобиль транспорти корхоналаридаги харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишган.

Калинина (2013) ҳам автомобиль транспорти корхоналарида харажатлар мақсадига кўра доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлинишини таъкидлаб, юқоридаги муаллифлар жамоасидан фарқли равишда мазкур харажатларнинг таркиби тўғрисида батафсилроқ маълумотларни беради. Яъни, автомобиль транспорти корхоналарида доимий харажатлар таркибига корхонани бошқариш билан боғлиқ харажатларни, автомобиль транспортининг юрган километрга боғлиқ

In the article, a research was carried out on the methodological basis of accounting for the costs included in the cost of products in enterprises, and relevant conclusions were made within the framework of the topic.

бўлмаган амортизация харажатларини киритади. Ефименько А.Г., Ефименько В.П. лар (2003) автомобиль транспорти корхоналаридаги харажатларни ўзгарувчан ва шартли доимий харажатларга бўлишади.

Лихачева (2017) доимий харажатларга автомобиль транспортининг юрган масофасига боғлиқ бўлмаган харажатларни киритади. Бундай харажатларга амортизация нормаси юрган масофага боғлиқ бўлмаган ҳаракатдаги таркибининг амортизацияси, йўл харажатларини киритади. Муаллиф шартли равишда ҳайдовчиларнинг иш ҳақлари ва у билан боғлиқ ижтимоий харажатларни ҳам доимий харажатларга киритиш мумкинлигини илгари суради.

Белобородова (1989) харажатлар ҳисобининг объекти уларнинг пайдо бўлиш ўрни (корхона, ишлаб

чиқариш цехи, бўлим ва бошқалар), калькуляция объекти эса алоҳида олинган маҳсулот тури эканлигини таъкидлайди.

Ҳасанов (2003) “Бизнинг назаримизда, харажатлар марказларининг асосий ажралиб чиқиш тамойиллари цехларда фойдаланиладиган жиҳозлар ва бажариладиган операциялар ягоналигига эришиш қийинлигига ишора қилади. Замонавий корхоналарнинг йирик цехлари, харажатлари ягона мақсадли йўналиши билангина чекланиб қолмайди”, деб изоҳ беради.

Қодирхоновнинг (1993) фикрига кўра, “Харажатларнинг келиб чиқиш ўринларига корхона таркибидаги цехлар, жойлар, бўлимлар, бригадалар ва бошқалар киради. Харажатлар маркази деб – дастлабки ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш бирликларига айтилади. Жавобгарлик марказлари деганда режалаштирилган ва меъёрий харажатларни назорат қилиш, харажатларнинг катта-кичиклигига бутун жамоа номидан ва алоҳида шахсий жавобгарлик ҳамда таннархни пасайтиришдаги манфаатдорликни таъминлаш кўзда тутилиб, ишлаб чиқариш харажатларини хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ва жавобгар шахслар бўйича гуруҳлаш тушунилади”.

Безрукихнинг (1974) фикрича, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари ишлаб чиқариш цехлари, бўлимлари ва бошқалардир.

Белобородова (1982) ҳам бу борада ўз фикрини билдириб, харажатлар ҳисобининг объекти уларнинг пайдо бўлиш жойи (корхона, ишлаб чиқариш цехи, бўлим ва бошқалар), калькуляция объекти эса алоҳида олинган маҳсулот тури эканлигини таъкидлайди.

Козин ва Козина (2000) харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархни калькуляция қилишни харажатларнинг пайдо бўлиш ўрни, харажатларнинг пайдо бўлиш маркази ва жавобгарлик марказлари бўйича кўриб ўтганлар. Уларнинг фикрича, харажатнинг пайдо бўлиш жойи — назорат ва бошқарув, кузатув мақсадида ҳисоб маълумотларини умумлаштириш, режалаштириш ва меъёрлаштиришни амалга оширишга имкон берувчи аналитик ҳисобнинг алоҳида объектидир. Харажатларнинг пайдо бўлиш маркази эса ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш ва меъёрлаштириш, назорат ва бошқаришни амалга ошириш, шунингдек, фойдаланилган ресурсларни баҳолашни ташкил қилиш мумкин бўлган кузатиш мақсадидаги таркибий тузилишидир. Унга ишчи жойи (бригада), ишлаб чиқариш цехи, алоҳида ишлаб чиқариш тури, бўлим ва хизмат ҳамда корхона киради. Жавобгарлик марказларига бу олимлар харажатларнинг пайдо бўлиш жойларини бир ҳисоб босқичида жойлашни амалга ошира оладиган, уларни бошқарувчи менежерлар талабларига жавоб бера оладиган алоҳида бир ҳисоб объекти, деб изоҳ беради.

Ҳасанов ва Хашимов (2013) “Харажатлар маркази, бу – фақат харажатларнинг мақсадли сарфланишига масъул бўлган корхонанинг бўлинмасидир (ишлаб чиқариш цехи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.)”, деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счёtlаридида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши ҳамда солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва бошқа харажатлар каби асосий гуруҳлар бўйича таркибланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан боғлиқ, бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар киритилиши талаби мавжуд.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Низомда келтирилишича, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

- хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

Биз томонимиздан ўрганишлар шуни кўрсатдики, автомобиль транспорти корхоналарида хизматлар таннархини ташкил этувчи харажатларнинг асосийларини қуйидаги харажатлар ташкил қилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (ҳайдовчиларга тўланган иш ҳақи);

хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ходимларга тўланган иш ҳақи, ягона ижтимоий тўловга ажратмалар;

Автомобиль транспорти корхоналарининг хизмат таннархнини ташкил этувчи харажатлари таркиби

Харажатлар қисмлари	Юқларни ташишда	Йўловчи ташишда
	%	%
1) Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, шу жумладан, ҳайдовчиларга тўланган иш ҳақи	20,2	18,2
хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ходимларга тўланган иш ҳақи	7,9	5,8
2) Ягона ижтимоий тўлов	12,3	12,4
3) Автомобиль ёқилғиси, шу жумладан нефть маҳсулотлари	5,1	4,6
табиий газ	36,7	33,7
4) Мойлаш материаллари	22,9	22,2
5) Автомобиль эҳтиёт қисмлари	13,8	11,5
6) Ҳаракатдаги таркиб амортизацияси	0,9	0,9
7) Ҳаракатдаги таркибни таъмирлаш харажатлари	16,3	19,6
ЖАМИ	4,5	5,1
	16,3	17,9
	100	100

ёқилғи (нефть маҳсулотлари, табиий газ); мойлаш материаллари; эҳтиётқисмлар бўйича харажатлар; ҳаракатдаги таркиб амортизацияси; ҳаракатдаги таркибни таъмирлаш харажатлари. ташкилий харажатлар.

Агар биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларининг бевосита иш ҳақи билан боғлиқ харажат эканлигини инобатга олсак, асосий моддий харажатларни юқорида келтириб ўтганимиздек, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва амортизация харажатлари ташкил қилишини амалдаги рақамлардан ҳам кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, автомобиль транспорти корхоналарида хизматлар

1-жадвал. таннархнини ташкил этувчи харажатларнинг асосий қисми ёқилғи-мойлаш материалларига тўғри келиб, юк ва йўловчи ташиш тизимида мос равишда 33-37 фоиз атрофида бўлган.

Умуман олганда, таннархни ташкил қилувчи асосий харажатлар ва бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш нафақат автомобиль транспорти корхоналарининг самарали ишлашини таъминлайди, балки унинг молиявий ҳолатига, яъни молиявий натижасига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, таннархни ташкил этувчи харажатлар бухгалтерия ҳисобида юритишни ҳисоб сиёсатида акс эттириш орқали

тартибга солиниши лозим. Бундан ташқари, автомобиль транспорти корхоналарида ҳужжатлар айланиши ҳам ҳисоб сиёсатида ўз аксини топиши керак. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган ҳисоб юритиш ҳужжатларидан ташқари транспорт корхонаси томонидан ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ёқилғи-мойлаш материаллари кирими ва чиқимини тартибга солиш билан боғлиқ ҳужжатлар тармоқ томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
и.ф.д, профессор,

Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Белобородова В.А, Чечета А.П., Стабинский В.Т. и др. (1989). Калькуляция себестоимости продукции в промышленности: Учебник. М.: Финансы и статистика. С. 279.
2. Безруких П.С. (1974). Учет и калькулирование себестоимости продукции. – М.: Финансы,
3. Белобородова В.А. (1982) Бухгалтерский учет с основами экономического анализа. М.: Финансы и статистика.
4. Ефименько А.Г., Ефименько В.П. “Управления затратами автотранспортных предприятий”. Совершенствование управления. (2003) 33 страниц.

ЎТТ: 330.322631.110

ТАДҚИҚОТ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

This article explores the forms of interaction between public-private partnerships in world practice, identifies the main directions of its implementation in the country's agricultural sector.

Жаҳон амалиёти кўрсатиб турибдики, айнан давлат ва бизнес ўртасида шериклик муносабатларини ривожлантириш – миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун асосий омил ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари каби мамлакатимизда ДХШ иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим

воситаси бўлиши мумкин. Шунинг учун “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да агросаноат мажмуида давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгилаб берилган.

Ҳозирги кунда қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида ДХШ асосида лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда ҳозирги кунда ирригация тизими бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Сирдарёда ерларни рекултивация қилиш бўйича лойиҳалар ўрганиб чиқилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида замонавий хизмат кўрсатиш бошқарув тизими жорий қилиш каби лойиҳалар устида ишланмоқда.

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро алоқасини самарали тушуниш учун унинг ҳақида аниқ тасаввурни шакллантириш лозим. Бунинг учун қуйидаги шакллари таклиф этилади.

Жаҳон амалиётида давлат ва хусусий секторнинг ўзаро алоқасида уч хил шакл ажратилади:

1) анъанавий – давлат бизнесни шериклик асосида жамият эҳтиёжларига хизмат қилиш муаммосини бир-галликда ҳал этишга жалб этади;

2) инвестицион – инфраструктуравий лойиҳаларни устувор тарзда биргалликда инвестициялаш. Ўзаро алоқанинг бу шакли стратегик йўналишга эга бўлиб, унинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади;

3) илмий таълимга оид – ишлаб чиқаришни глобаллаштириш ва капитални интернационаллаштириш шароитида миллий, халқаро ва глобал миқёслардаги янги йўналишлар.

Бизнинг назаримизда, қайд қилиш мумкинки, мамлакатимиз учун ўзаро алоқанинг барча учта шакли долзарб ва истиқболли ҳисобланади. АСМ (агросаноат мажмуи) соҳасида улар бизнес соҳаси билан ўзаро муносабатларни ўрнатишга ва тараққиёт йўлига қўйишга ёрдам беради.

ДХШ бўйича сиёсат қуйидагича бўлиши муҳим:

мулк, солиқ тизими масалаларида ва низоли манфаатларни ҳал этиш масалаларида ҳам шаффоф бўлиши; ҳар қандай рискларда томонлар жавобгарлиги бўйича аниқ механизм бўлиши зарур;

давлат ва хусусий секторлар шериклиги масалалари билан шуғулланадиган ваколатли давлат органининг ДХШ лойиҳаларини назорат этиш бўйича кўрсатмаси талаб этилади;

хусусий инвестициялардан тегишли фойдаланишни таъминлайдиган молиявий-иқтисодий институтларни яратиш;

лойиҳалар экспертизаси ва консалтингга жавоб берадиган ташкилот ишларини йўлга қўйиш;

давлат учун ҳам, худди шундай хусусий тадбиркорлик учун ҳам манфаатдорлик бўлиши лозим;

яратилган лойиҳаларнинг самарадорлигини ва шаффофлигини назорат қилиш учун мустақил (жамоат) ташкилот яратиш.

Мамлакат фаолиятига ДХШни жорий этишда яна бир тўлақонли қадам – хусусий секторнинг илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг натижаларини қишлоқ ҳўжалиги амалиётига жорий этишдан манфаатдорлиги бўлиши лозим. Илмий тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида давлат-хусусий шериклик – олинган инвестициялар бошқа тармоқларга нисбатан ҳам, жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши билан таққослаганда ҳам мамлакат қишлоқ ҳўжалиги самарадорлиги ўсишига имконият беради.

Таклиф этилган давлат ҳамкорлиги АСМ соҳаларига ДХШни жорий этиш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини оширишга йўналтирилган, нафақат озиқ-овқат таъминоти даражасини оширишга, балки тегишли молиялаштириш ва ўта янги технологиялар ва бошқарув тизими ҳисобига қишлоқ ҳўжалигининг тикланиши ва ривожланишига ёрдам беради. Балки мамлакат ишлаб чиқарувчиларига ишлаб чиқарилаётган товарлар назоратини кучайтириш ҳисобига рақобатбардош бўлишга ҳам ёрдам беради. Буларнинг барчаси давлатга бошқа давлатлар билан ҳамкорликнинг янги, анча маҳсулдор даражасига чиқишга ёрдам беради ва жаҳон аренасида ўзининг имижини оширишга имкон беради.

Бизнинг назаримизда, ДХШни айнан АСМ соҳасига жорий этиш соҳанинг давлат бошқариш тизимини такомиллаштириш, рискларни самарали тақсимлаш, қишлоқ ҳўжалигининг фойдалилигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий бизнесни ривожлантиришда қўшимча ёрдам бериш, соҳанинг техник ва технологик тикланишида қўшимча устунликни таъминлашга имкон беради. Давлат ва бизнес ўзаро алоқаларининг айнан мазкур йўналишларини жорий этиш ва ривожлантириш мамлакатимизнинг янги иқтисодий ривожланиш босқичига чиқишига ёрдам беради.

Ғанибай ДУСМУРАТОВ,
и.ф.н., доцент,
Гулноза РУСТАМОВА,
магистрант,
Умирзоқ ХОЛИЁРОВ,
катта ўқитувчи,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли қонуни. <http://lex.uz>
2. Шафқаров Ф. Агросаноат мажмуасида давлат-хусусий шерикчилиги. // “Агро илм” журнали. Махсус сон. 2018. 94-96-б.

КАЕБДОШЛАР ИЖОДИДАЖ

ЧОШТЕПАДА ЁЗ

Йўлим тушиб, ёз чоги
Чоштепада тўхтадим.
Осмон сариқ, ер сариқ,
Сап-сариқ қиру адир.

Салқин жой қидириб сув
Қочмиш қудуқ тубига.
Ҳар ерда тўп-тўп сурув,
Чашма кирар тушига.

Эсади илиқ-илиқ
Ялқов шаббода овуш.
Тумшугин чўмич қилиб
Ҳансираб нур ичар қуш.

Лойсувоқ иморатлар
Боз ичига бош суқиб
Сокин соялаб ётар,
Суқутга чўмган суқут.

Кўланка куюқ, қалин,
Бахмал кўрпача монанд.
Соясининг сояси
Каби рангсиз дов-дарахт.

Зардоли танасида
Мудраб ётган ўт-отаиш
Шохларда ёнар сачраб,
Бамисли кахрабо тош.

Ишқом ости супада
Кўзга чалинар хиёл.
Кўкрак тутиб, бешикка
Суянган сўлим аёл.

Бари юракка яқин,
Келмас одам кеткиси.
Нур қанотида оқиб,
Маст қилар шувоқ иси.

...Бўлиқ тупроқ — этигим,
Қуёш қалпогим менинг, —
Ўтиб кетар ёнимдан
Болалик чоғим менинг!

Саъдулла ХАЖИМ

БОЛАЛИККА ҚАЙТИШИМ КЕРАК

Мени аросатда қолдирди йиллар,
Шўхчан болалигим кетмиш узоқлаб.
Чунон юрагимга санчилар тиглар,
Йиглайман гоҳида гамни кучоқлаб.

Бўтадай бўзлайман телба тунлари,
Сойлар болаликка аза ҳам очган.
Хувиллаб ётмишдир Бойсун қирлари,
Овули кўчгандир, излари ўчган.

Энди дараларни тарк этгин бўтам,
Дея кўкрагимни йиртар довуллар.
Менинг болаликсиз куним бир тутам,
Бот-бот тушларимга кирар овуллар.

Дарадан бош эгиб чиқиб кетаман,
Ўкиниб ёлғизлик сўқмоқларига.
Сезаман, уни ҳам ҳорғинлик эзган,
Чидолмай тақдирнинг чақмоқларига.

Мени қабул қилмас энди даралар,
Қоялар юз ўгирган, сўқмоқлар ёпиқ.
Бошимда турналармас, учар қаргалар,
Эвоҳ, Бойсунимга энди мен ортиқ?!

Майли мен Бойсунни ташлаб кетаман,
Шартим – қулоқ тутинг фақат бир зумга.
Қабул қилинг мени — мана аризам,
Болалик аталмиш дорилфунунга.

Исроил ШОМИРОВ

ПАЗАРДУ

Югуриб чарчадим, етар энди, хўп,
Юрганам кўнглимнинг етакларига.
Зор қақшаб топгандан йўқотганим кўп
Ёпишиб дунёнинг этакларига.

Ҳолбуки, бировдан камим йўқ эди,
Ҳою ҳавасларин кўрдим оламнинг.
Таъқиб этаверди армоннинг ҳиди –
Саждада ўтмаган умри одамнинг.

Кимдан юз ўгириб, кимга тикилдим,
Ғаддор нафс пардаси тўсиб кўзимни.
Ишвалар пойига тутдек тўкилдим,
Ўзимни унутдим ўйлаб ўзимни.

Не кўрсам лол бўлдим маҳобатига,
Баридан тутмадим ҳар дам илмни.
Энди зор турибман иноятига,
Ҳимматнинг кўрига тоблаб дилимни.

Жонимга азоблар сўрарман беҳад
Ва ишқи кўйида хорлик, адолик.
Жамолин кўрсатса бир кун ҳақиқат
Анларман: не шараф ушбу гадолик!..

Исроил ШОМИРОВ





КАМТАРИШ ВА ФИДОЙИ УСТОЗ

Тошкент давлат аграр университети доценти, биология фанлари номзоди Суюн Собировнинг туғилганига 80 йил, илмий педагогик фаолиятига 58 йил тўлмоқда. С. Собиров 1940 йил 5 июнда Самарқанд вилояти Пахтачи тумани "Дунё" қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган.

Устозимиз 1947-1957 йиллар Қудрат Суюнов номидаги 20-ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, 1957-1962 йилларда колхозда ишлаб, кейин ҳарбий хизматда бўлди. У

киши 1962 йил Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг биология-тупроқшунослик факультетига ўқишга кирган, машҳур академиклар Т.З.Зоҳидов, Я.Х.Тўрақулов, Ж.А.Мусаев, Б.А.Тошмухаммедов ва А.М.Музаффаровлардан таълим олган. 1967 йилда ўқишни тугатган, йўлланма асосида "Пахта целлюлозаси ва кимё технологияси" илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишга олинди. С.Собиров бу ерда органик кислоталарни ҳосил қилувчи микроскопик замбуруғлар билан иш олиб борди.

1969-1983 йиллар давомида ЎзФА Микробиология институтининг антибиотика ва микроорганизмлар селекцияси лабораторияларида микроорганизмлар томонидан синтез қилинадиган физиологик фаол моддаларнинг турли касалликларга таъсирини ўрганиб борди. Микроорганизмлардан, яъни актеномицитлардан ажратиб олинган антибиотик Ўзбекистон Республикаси тери-таносил касалликлари илмий-текшириш институтида одамларда учрайдиган трихомоноз (жинсий касалликларни кўзғатувчи "Trichomonos vaginalis") га қарши синаб кўрилганда, бунинг фаоллиги (активлиги) флагил ва триапол антибиотикларга нисбатан 1000 марта юқорилиги аниқланди. Олинган натижалар тўғрисида "Акт экспертиза"си олинди.

Суюн Собиров олинган натижаларини қайтадан текшириш учун Москвадаги Бутуниттифоқ антибиотика илмий-текшириш институтида ва Микробиология институтларида илмий ишлар олиб бориш билан бир қаторда Микроорганизмларнинг систематикаси билан ҳам шуғулланди ва 1981 йил "Спонтанная

изменчивость, таксономия продуцентов альбофунгина" мавзусида биология фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1982 йилда патентшунослик ва ихтирочилик Олий курсини тамомлаб, малакасини оширди.

Доцент Суюн Собиров 1983-1992 йиллар давомида ТошҚХИ (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг фитопатология, зоология ва умумий энтомология кафедраларида ассистент ва доцент лавозимларида ишлаб келди. Бу даврда у 1985 йил "Фитопатология", 1989 йилда "Зоология ва умумий энтомология" фанлари бўйича Украина қишлоқ хўжалиги академиясида малакасини ошириб, сиртки бўлим талабалари учун услубий кўрсатмалар ва мақолалар чоп этди. Бундан ташқари, университет қошидаги Республика гимназиясида ва тайёрлов бўлимларида биология фанлари бўйича дарслар олиб борган. С.Собиров 1992 йилдан ҳозирги даврга қадар Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритиб келаётир.

Олим пиллачиликни ривожлантиришда, ипак қуртини озуқа базасини яратишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Республиканинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида меҳнат сафарларида юборилиб, пиллакорларга ўзининг амалий ёрдамларини бериб келмоқда.

58 йиллик илмий ва педагогик меҳнат фаолиятига эга бўлиб, ўзининг куч-ғайратини талабалар ва магистрлар учун ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишга бағишлаган. У томонидан 130 дан ортиқ

илмий мақола ва ўқув қўлланмалари чоп этилган, жумладан, мутахассис фанларини бойитишда "Ипак қурти касалликлари ва зараркунандалари", Қорақалпоқ тилида "Jipek qurti kesellikleri", "Тут касалликлари", "Зоологиядан лаборатория машғулоти", "Зоология ва экология" фанлари бўйича ўқув қўлланмалари чоп этилган. Магистрлар учун эса, учта янги дарслик "Ипак қуртининг юқумли касалликлари диагностикаси ва эпизоотологияси", "Ипак қурти анатомияси ва физиологияси", "Тут касалликлари ва зараркунандалари" фанлари бўйича дарсликлар яратган.

Шунингдек ўзининг илмий фаолиятида қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ипакчилик ва тутчилик соҳаларида, яъни ипак қуртларининг, тут дарахтларининг касалликлари, зараркунандалари ҳамда уларнинг келтирадиган зарари, касаллик кўзғатувчи микроорганизмларнинг тузилиши, турлари, касалликларнинг аломатлари, уларга қарши кураш чоралари тўғрисида магистр ва талабаларга дарс бериб келаяпти.

Устозимиз ўзининг меҳнат фаолиятини Республикамиз учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга бағишлаган жонкуяр устозлардан бири бўлиб, камтарин, меҳнатсевар, маслаҳатгўйлиги билан меҳнат жамоаси ва талабалар ўртасида ҳурмат топанг устоз хисобланади.

Шунингдек, устозимиз намунали оила бошлиғи ва ширин набиралар бобосидир. Фурсатдан фойдаланиб, камтарин устозга мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда кўп йиллик ҳаётий ва илмий педагогик тажрибаларини ёш авлодни тарбиялашга сарфлашларида бардавомлик тилаб қоламиз. Доим соғ саломат бўлинг, устоз!

*ТошДАУ Пиллачилик ва тутчилик кафедраси жамоаси ҳамда шогирдлари номидан,
Собир НАВРҲУЗОВ,
ТошДАУ доценти,
Қаҳҳор ЯВҚОШТИЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.*

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№6. Июнь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 1

Шоналар гулга айланар 3

Р.СИДДИҚОВ, Сифатли уруғ – ҳосил бўлик 5

М.ТОШБОЛТАЕВ. Галла ўримини отряд усулида ташкил этиш 7

Р.АБДУЛЛАЕВ. Бир ёнда йиғиштириш, бир ёнда парвариш 9

Б.ХАЛИКОВ, А.ИМИНОВ, Ф.НАМОЗОВ. Такрорий экин кўш даромад келтирар 10

Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Соҳибкорга ёзда иш бисёр 12

Д.ЁРМАТОВА, Б.МИРЗАҚУЛОВ. Ғўза қатор ораларига соя экиш 15

Андижонда янги лойиҳалар ўрганилди 16

Х.ТАЛИПОВ. Ўрмонларимиз кенгаймоқда 17

Мелиорация – мўл ҳосил гарови 19

Ресурслардан оқилона фойдаланиб 20

Рақамларда томчилар акси 21

Омилкор сувчилар 21

Р.НАЗАРОВ. Ресурсосберегающие технологии 22

Агрокластер — янги имконият 23

Ш.ЖАББАРОВА. Пиллакор опа хузурида 24

Экспортчи яшил гигант 25

С.САЛИХОВ. Юкори малакали мутахассислар зарур 26

Н.ХОЖАМБЕРГЕНОВ, Д.РАСУЛОВ, М.ЛАТИПОВ. Янги ўрта толали ғўза тизмаларининг 2019 йилдаги катта нав синаш натижалари 27

А.МИРЗАЕВ, М.УСМОНОВ, Ш.КОДИРОВА. Пахтачиликда чигитни бентонит гиллари билан капсула қилиб экишнинг унвчанлик ва ҳосилдорликка таъсири 28

П.ИБРАГИМОВ, Б.ЎРОЗОВ, Ф.ТОРЕЕВ. Ғўзада дурагайлашнинг *Verticillium Dahliae* Kleb касаллигига бардошлилигини оширишдаги аҳамияти 29

В.АВТОНОМОВ, А.КУРБОНОВ, А.РАВШАНОВ, Ш.ХОДЖАНОВ, Б.ЮНУСАЛИЕВ. Изменчивость признака «устойчивость растений к *V.Dahliae* на 31.08.2019» коллекционных образцов и ГАК популяций различных поколений хлопчатника вида *G.Hirsutum L.* 30

А.ШАМСИЕВ, С.ХУСАНОВ. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг “Ойжамол” навининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши ва ривожланиши 32

Т.ОСТОНАҚУЛОВ, Ш.ЖАББОРОВ, О.МУРАТОВ. Ўтмишдош экинларнинг такрорий экилган помидор ҳосилдорлигига таъсири 33

С.АБДУРАМАНОВА, И.РУСТАМОВА. In-vitro усулида кўпайтирилган гилос пайвандтағларининг иқтисодий самарадорлиги 34

Р.РЎЗИМУРАДОВ. Турли ёшдаги кўчкорларнинг жинсий фаоллиги 36

Ғ.ЭШМАТОВ. Коврак донининг куёнлардан олинган болалар сони ва тирик вазнининг ўсишга таъсири 37

А.ИСМАИЛОВА, Б.НИЯЗАЛИЕВ. Маъдан ва ноанъанавий ўғитларнинг тупроқ ҳажм массасига таъсири 38

У.САДИЕВ. Сув ресурсларини гидрографик усулда бошқаришнинг географик ахборот тизимини такомиллаштириш 40

Р.ҒАЗИЕВА, Ш.УБАЙДУЛЛАЕВА, А.НИГМАТОВ. Нелинейные устройства для выполнения специальных операций в системах регулирования по ограничению входных сигналов 41

М.КАЛОНОВ. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ҳисобини юриштиринг услубий асослари 42

Ғ.ДУСМУРАТОВ, Г.РУСТАМОВА, У.ХОЛИЁРОВ. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида агросаноат мажмуасини ривожлантириш масалалари 44

Касбдошлар ижодидан 46

С.НАВРЎЗОВ, Қ.ЯВҚОШТИЕВ. Камтарин ва фидойи устоз 47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjournal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjournal_uz

© «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги»

Босмаҳонага топширилди: 2020 йил 31 май. Босишга рухсат этилди: 2020 йил 1 июнь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Оффсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №01/06. Нусхаси 1600 донна.

RELIABLE PRINT
МЧЖ да чоп этилди.
Корхона манзили:

Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: У.МАМАЖОНОВ, Н.БОЛТАЕВА

**Polimer
Galantry**



POLIMER GALANTERY

Надёжная полимерная продукция от производителя

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- **ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ**
- **ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**
- **ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ**
- **ТРЕХСЛОЙНАЯ**
- **МЕШКИ И ПАКЕТЫ**



Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

 **(+998) 94-638-33-33**

 **(+998) 95-142-31-19**

 **(+998) 97-342-50-08**

 polimergalantery@mail.ru

 www.polimergalantery.uz



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойihalаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz